Усмон Азим

Куз

Шеърлар

935.2
8 A-37

O'zbek filologiyasi
fakulteti
O'QUV ZAL

Усмон Азим

Куз

И

12091

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Tosh DShTAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

313

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Ўз2
А37

Азим, Усмон.

Куз: Шеърлар.—Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001.—448 б.

«Куз» — шоирнинг ёзган шеърлар китобидир. Шеърларда туну кун, ўлиму ҳаёт, осмону замин, вужуду руҳ, замону инсон талошидан баҳслар давом эттирилган. Китоб — ҳақиқий шеърхонга мўлжаллаб ёзилган бўлиб, муаллиф шеърхон юраги ҳам мудом ўсишда эканлигидан умидворликда қалам юргизгандир.

Ўз2

А $\frac{4702620202-11}{М\ 352(04)-2001}$ 10—98

© Усмон Азим, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 й.

ISBN 5-635-01649-9

НАҲОТКИ, КЕТМОҚДА БАҲОР?..

Чжан Кецзю

* * *

Ёмғирли кечада фалакка учдим,
Шамоллар юзимга ёпишди— ивиб.
Юлдузлар армонли шивирга тушди:
— Ёмғирнинг ҳиди-ку...
— Ёмғирнинг ҳиди!..

Бир юлдуз илтижо этди тангрига,
Истиғфор сўзида нур бўйи анқиб:
— Қандай соз— ётмоқлик ернинг тагида—
Ёмғирни эшитиб ухламоқ бахти!

Улар ҳавас билан менга боқдилар,
Кумуш чангларига кўмилди жисмим.
— Бахтлиман— юлдузлар мени ёқдилар,
Худойим! Заминга бермагин измим.

Ўзимнинг дардимни мен шундай айтдим—
Кўз ёшдан самовий қувончим ивиб.
Юлдузлар тилидан шаън шивир қайтди:
— О, ғусса ҳиди-ку!..
— Ғуссанинг ҳиди...

Биринчи дафтар

ЭРКАК ҲАҚИДА ИККИ ЛАВҲА

1

БЕБАХТЛИК

Шундай қилиб тугади эртак —
Ўзи ювди кўйлагин эркак.

Боққани йўқ деразадан ой.
Тонгда туриб ўзи қуйди чой.

Бўйинбоққа — солмасдан разм —
Тақиб қўйди — шунчаки расм.

Ишдан юлиб қочгани ҳам йўқ,
Уйига кўп шошгани ҳам йўқ.

Кўчаларда ёлғиз кезинди,
Боши эгик — жони эзилди.

Майхонага пули йўқ эди,
Юрагининг гули йўқ эди...

Чуқур-чуқур боқди оламга,
Минг бор ўлиб кўрган одамдай.

Кўзи ботди, қақради лаби,
Худди умри тугаган каби.

Мунча аза тутмасанг, эркак!
Фақат эртак тугади, эртак...

2

БАХТ

Эркак бахтин йўқотса,
Аза тутади узоқ —
Бутун умри айланиб,
Оқиб ўтади фироқ.

Истиқболни танимас,
Кунлари маҳзун -маҳзун.
Юраги — титроқ-титроқ,
Ўйларига йўқ мавзу.

Қандайдир келган совуқ
Етар банд-бандларига.
Ийманибми, синиқиб,
Боқар фарзандларига.

Ғамини оқизолмас
Вақтнинг кенг дарёсига,
Ёлғизланиб туради
Ёлғизлик дунёсида.

Йўқотган — эслолмайди
Нарсаларнинг отини...
Кўзларига термулиб,
Боқар фақат хотини.

* * *

Роялнинг жонида тоқати қанча? —
Гоҳ секин йиғлайди, гоҳ бўзлар гирён —
Чапга югуради — чаён —беш панжа,
Ўнгда ниш уради — беш панжа — чаён.

Санъат қичқириқдир — жон аччиғида —
Ҳаётнинг ўлимдан чўзилган қўли —
Юракни тозалаб дун балчиғидан,
Қисматнинг дор сари элтғувчи йўли.

Санъаткордан сўра — қанча яшади,
Қатл чангалида кун кўрди қанча?..
Чап қўл беш панжани ёнга ташлади,
Азоблаб тўхтади ўнгда беш панжа.

Дастурхон мўл-кўлдир. Таомлар — буйли...
Эвоҳ, керакмасми ёлғизгина жон —
Санъаткор қўлларин кўксига қўйди,
Кўксига ёпишди иккита чаён...

Қарсаклар — расмига... Кутмасин таом,
Шошиб қўзғолдингиз... Оғриқ комида
Санъаткор қўлларин туширди... Раҳмон!..
Чаёнлар ёнида... Яна ёнида...

ҚЎШИҚ

1

* * *

Қўшиқ айтасан. Тиниқ
Сасинг гўзалдир.
Юраклар кетар синиб —
Тақдирлар ҳалдир.

Қайси зиндон қаърига
Бошлар бу овоз?..
Санъат — эркин тангрига —
Тутқинлик ҳам соз.

Қалбларга солдинг янги —
Титроқли дунё...
Қандай яшайман, тангрим?
Яшайманми? Оҳ...

2

* * *

Ўлганим йўқ. Гарчи
Асир тушдим — тез.
Қўшиқ. Юраклар парчин.
Шопен. Полонез.

Оғриқ. Кенгаяди қалб.
Чексизлик — маром.
Чўзила бошлади дард —
Навоий. Мақом.

ТЎЙ. НАҲОРГИ ОШ

Шафақнинг бир парчасин узиб,
Қаладилар тонгда ўчоққа —
Қозоннинг тинч уйқусин бузиб,
Олов ёнди — сиғмай қучоққа.

Хуш мезбонлар турдилар қатор,
Меҳмонларнинг ҳурмати сабаб.
Чорпояда тамбуру дутор
Ҳазин ўгит бошлади... Ёраб!

Деразадан — парда оралаб —
Кимдир боқди ҳовлига бетин...
— Қандай ғамгин қўшиқ таралар —
Ёмон бўлди бизга, азизим!

Тўйимизни ўтказинг бесас —
Ёнингизда ўлтирай яшнаб.
Фақат мақом бўзламаса бас,
Мен сиз билан кетаман яшаб...

ҚАДИМГИ БУХОРО МАВЗУЛАРИДА

1

ЭР: — Гўзаллигинг мени ўлдирди.
АЁЛ:—Гўзаллигим мени ўлдирди.
ЭР: — Чиройингнинг шум овозаси
Бу дунёни нега тўлдирди?
АЁЛ:—Мен шарқона уятдан кечдим,
Ёқамдаги тугмани ечдим...
Савол берманг... Ғаним қисматга
Саволларнинг жавоби ҳечдир.
ЭР: — О, қиёмат бўлади, ёрим.
Фалакларга чиқади зорим.
Амир сени олиб кетади
Гўрга кирар номусу орим.
АЁЛ:—Солмадингиз не учун чоҳга,
Мени асраб ҳаром нигоҳдан?
Эрта тонгда «ёр-ёр»лар айтиб,
Олиб кетар мени — никоҳдан.
ЭР: — Дарду ҳолга шарҳим йўқ менинг,
Салтанатим — арким йўқ менинг
Бир жоним бор, бир орим бордир.
Арзондирман — нархим йўқ менинг.
АЁЛ:—Эшиксиз бахт қурсангиз эди,
Минг-минг қулфлар урсангиз эди.
Ҳаром дунё кўзига мудом
Тупроқ отиб турсангиз эди.
ЭР: — Бу амирнинг пойлоқчиси кўп,
Ҳариш ишда айғоқчиси кўп.
Асир этиб ору номусни,
«Шу бахтинг» деб алдоқчиси кўп.
АЁЛ:—Узоқ кетманг... Шу тунга қайтинг,

Менга фақат ширин сўз айтинг.
Куйган жонга бергани ором,
Навоийнинг ўқийми байтин?
«Хуш турур бир тийра шоми
ҳажр ики ёр учрашиб,
Топишиб бир-бирларин,
маҳкам қучишиб, йиғлашиб...
ЭР: — Айни васл ичра иши
ўтса шикоят мужиби,
Икки ёндиң рафъ этиб
бир-бирларини алдашиб»...
Бу тонг сира отмайди, дегин,
Вақт тулпори чопмайди, дегин.
Сояси йўқ, дегин, худонинг —
Худо бизни сотмайди, дегин.
АЁЛ: — Кўп аламли сизнинг ўйингиз,
Бу тез кеча — бизнинг тўйимиз...
Йиғлагингиз келса, кўксимга
Бошингизни аста қўйингиз.
ЭР: — Аравага гиламлар солиб,
Эрта сени кетишар олиб...
АЁЛ: — Менинг учун эрта келмагай,
Жоним тандан кетади тониб...
ЭР: — Эрта дунё қолади совиб...
АЁЛ: — Амирдан ҳам қудратли човут,
Умримизга ясаса якун...
ЭР: — Йўлга тушса иккита тобут.
АЁЛ: — Қучинг, бахтга тўлдиринг мени,
Тонг отмоқда — сўндиринг мени.
ЭР: — Ханжар урдим, мана, кўксимга...
АЁЛ: — Аввал мени ўлдирдинг, мени...

2

Ёмонлик Дунё билан
Қандай фитна тузади?
Аравага чиқасан —
Итоатда — ғуссали.
Елкангда тун уммони
Йиғлар — майда мавжланар.
О, дилларнинг армони,
Сен гўзалсан қанчалар.
Қамчи тунни урар «қарс»,
Отлар жўнар пишқириб.
Сендай гўзални топмас
Юз минг одам туш кўриб...

— Йиғламагин, йиғлама,
Шундоқ ҳам дорда жоним!
Сени йўлга бошлади
Қайси тақдир фармони?
— Қирқ кокилим — қирқ хатар —
Бесар ўрилди, бесар.
Мен — тортиқман, белимга
Бу тун ўралар аждар.
— Ойдай юзинг худодир,
Кундай юзинг худодир.
Аждар юзингни кўрса,
Аждарликдан жудодир.
— Бу дунёни тегирмон
Юрагимда айланар.
Оға, мени ютгани
Юз минг аждар шайланар.

3

БУХОРО БАЛЛАДАСИ

О, Бухоро! Аркингда ҳайит!
Карнайчилар карнайин созлар,
Юзи буёқ масхарабозлар
Кулдиришар халқни — ишшайиб,
Тиғ уйнатар чапдаст сарбозлар.

О, Бухоро! Аркингда байрам!
Тахтга вазмин чиқади амир —
Икки юзи қирмизи хамир —
Оломонга боқар хотиржам,
Бошланади дилочар тадбир.

Ўнг тарафда беклар тизилган,
Сўл тарафда уламолар жаъм.
Бир ғаройиб давра тузилган,
Юлдузлар ҳам кўкдан узилган —
Хуррам давра тўрида ҳарам.

Кўзбойлоғич ўртага чиқар:
Калласида ҳиндуча салла,
Кўкми?.. Сариғ?.. Йўқ, тўни — малла...
У бир имо қилгани палла,
Уйқу элтар барчани бирдан.

Силкинади фақат бир чачвон,
Чарақлайди бир жуфт қаро кўз.
Қаро кўзлар йиғлайди бесўз...
Кўзбойлоғич — сеҳрли армон —
Шивирлайди: «Қаро бўлди рўз...»

«Сенсиз ёнди, кул бўлди дунё!» —
Қаро кўзлар йиғлар бесабр, —

«Иккимиз ҳам амирға асир»...
(Лунжи шишиб ухлайди амир)
Босиб келар дилни хавотир.
Кўзбойлоғич этар бир имо —
Давом этар уйғонган тадбир.

О, Бухоро! Аркингда байрам!
Ажиб-ажиб ўйининг бордир,
Кўзбойлоғич кўксини ёрди —
Юрагини уздию бирдан
Юлдузларга отиб юборди.

Қарсак чалди халойиқ ҳайрон,
Юрак қушдай учди самога.
— Қизиқ ишлар бордир дунёда...
Лақиллатди барчани аён —
Сеҳргарнинг сеҳри зиёда.

О, Арк! Ҳайит кўргансан минглаб! —
Дорга жонин тикар дорбозлар,
Жоноларда бўзлайди созлар...
Тор кўчада — қисматин қарғаб —
Кўзбойлоғич боради йиғлаб...

Давра совиб қолганин илғаб
Ўйин бошлар масхарабозлар.

4

* * *

Бу юрагим — туйғун қуш,
Ғамларимга уйғун қуш,
Боғда куйлайди хомуш...

— Кўкдан ингичка ҳилол
Кўксимга отди малол —
Деди: «Севги — ўткинчи,
Оҳларнинг бари — завол.

Руҳим — юксак ҳофиз қуш,
Булбулдан ҳам нафис қуш,
Куйлайди — куйи ёниш...

— Ўтар қаторлаб ишлар,
Ўтар узлатга ишқлар.
Ҳилол, осмонинг ўтар,
Ўтмайди фақат тушлар...

5

* * *

Қайлардан юрайин,
Қайлардан, эвоҳ?.. —

Олдинда илондир,
Ортда — аждарҳо.

Қайга борай,
Қайдан излайин нажот?..

Олдинда ўлимдир,
Ортимда — Ҳаёт.

K091
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
O'zbek filologiyasi
fakulteti
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
-313

6

ҒАМГИН БАЛЛАДА

Чорбоғни тенг бўлиб оқади анҳор,
Унинг қирғоғига тошлар ётқиздим.
Мен — шоҳнинг фарзанди — малика — хумор
Кўнглимнинг раъйида олма оқиздим.
Канизлар даф уриб, этдилар нағма.
Қуллар хизматимда толмай турдилар.
Мен — ғамгин малика — ўртанган чоғда —
Гўё эрмак учун оқиздим олма.
Отам аскарини йиғди. Мардона
Ботирлар ўлдилар шону шаън учун.
Мен — ғамгин малика оқиздим олма —
Бағримда бир оташ туйғу кам учун.
Йиллар отлар миниб, жангга кетдилар,
Лаҳзаси пиёда қайтмади ҳаргиз.
Олмаларим оқиб ғамда кетдилар,
Боғимда олмалар тобора танқис...

Мен — ғамгин малика — олма оқиздим.
Мен — ғамгин малика — олма оқиздим —
Олмалар умрни ёқиб кетдилар.
Жон кечиб ўзини сувга отган ким?

Кафтингга тутганинг хазон, севгилим...
Олмалар йўқликка оқиб кетдилар.

7

* * *

— Юрган йўлларинг кўлми,
Шамол, нега ҳўл эгнинг?
— Ёмғир ювганди йўлни,
Йўлларсиз ўтиб келдим.

— Семурғнинг қанотидай
Нега ҳилпирар енгинг?
— Мен ҳам дашт ҳаётимни —
Сени соғиниб келдим.

— Соғинишда бўл машғул,
Учгин, шамол, толмагин...
— Сени кўрдим, нафис гул,
Менинг йўлим қолмади.

Йўлим қолмади, гулим,
Бағримда танинг — титроқ.
— Шамол, менинг тақдирим
Баҳорда бир очилмоқ!

— Қисматимда нохос гул,
Қисматимда нохос гул...
— Шамол, кўнглинг билан юл,
Шамол, кўнглинг билан юл...

8

* * *

(Учсанг, қирқ йиллик йўлдир,
Юрсанг қирқ минг йиллик йўл...)
— Етдинг, отингни қўндир,
Жиловингни тортгин, бўл!

Ёли елда эшилиб,
От учаркан шариллаб,
Вақтнинг темир эшиги
Юрак каби очилар.

Паризодим Интизор,
Олиб кетай, чиқ кўкка.

(Тунни гумбази даввор
Тутар юлдузли ўққа).

(Учсанг қирқ йиллик йўлдир,
Қалб қушсанг қирқ дамлик йўл...)
— Боғи Эрамга қўндир,
От жиловин тортгин, бўл!

— Интизорим, Интизор,
Сен ҳам зорсан, мен ҳам зор.
Келдим, отимга чиққин,
Сўзи қайтса — йигит хор.

(Боғи Эрам тунда ҳам
Хаёлнинг юксак кори:
Супада — одоб билан —
Девлар ухлашар ҳориб...)

— Илҳақ бўлган алпим-а,
Келиб ойдай топинма.
Ҳаётга кетолмайман,
Жоним эртак талқинда.

(Мушук бошида чироқ.
Парча жой — тундан очиқ.
Олтин соч бола — қувноқ —
Ёруғда ўйнар ошиқ).

— Паризодим, ёлворма,
Руҳим ҳаёт залворда.
Эртакка қўнолмайман —
Шашту завқим бекорга...

(Учсанг қирқ йиллик йўлдир,
Қайтсанг, эвоҳ, мангу йўл...)
— Хайр, соғинчни сўндир...

Эртакнинг кўзлари ҳўл.

9

* * *

Ойга — тилло нуридан —
Ўрмалаб борар орзум.
Сен кўнглимнинг тўрида,
Бори ақлимдан оздим.

Бир кўрсам,
Сўнг ўлсам —
Йўқ армоним-о!..

Қушдай ўтдим девордан,
Сайрамоқдан тийилдим —
Қуйласам, бу озорда
Яшамоғим қийиндир.

Бир кўрсам,
Сўнғ ўлсам —
Йўқ армоним-о!..

Ёнар қирқинчи чироқ —
Деразангда — шуъласи.
Жоним — капалак, бу чоқ
Шу оловда ўласи.

Бир кўрсам,
Сўнг ўлсам —
Йўқ армоним-о!..

Боғ оралаб кўлкадан —
Келар ваҳима — аждар.
Ким бу — отангми, аканг? —
Қорнимга ботди ханжар.

* * *

Юрган йўлим ташвишдир,
Юрагимга тошмишдир.
Дунё, тушимни қуйиб,
Зўринг ҳушни босмишдир.

Қўш ҳайдайман — кесакка
Чориқларим илиниб.
Омоч ботар юракка,
Кўксим қолар тилиниб.
Бола-чақа ғами бор
Менинг ориқ елкамда.
Қадам ташлайман, жаббор,
Чўчибгина кулкамдан.
Емак-ичмак ташвиши
Тентиб ўтади жонга.
Юлдузларни кўрмасдан
Термуламан осмонга.
Руҳим борар увалиб —
Фалакда ой — парча нон —
Танқис иси чувалиб,
Ақлимни ўрар бу он.
Қўш ҳайдайман — қаро ер
Тарса-тарса ёрилар.
Шу ёриқдан умрнинг
Сўнгигача борилар.
Икки кўзим ердадир.
Қоқилмасам — бўлгани...
Осмон кўзимга тушса
Бу кунларнинг ўлгани!

Дунё, жоним тўзимли,
Шу кунгача чўзилди.
Мени мендан яширдинг —
Ерга қадаб кўзимни...

ИККИ УЙ ҲАҚИДА ДОСТОН

Кўчаларнинг ул бетида
Битта уй бор.
Рўпарамда тушларимга
Кирган куй бор.

Жуфту тоқлик ўртасида
Митти кўча —
Тартиб рақам қонунида
Қисмат кечар.

Гар ёнма-ён сонлар бизга
Ўлмиш нисбат,
Жуфту тоқлик ўнгу сўлда —
Айро қисмат.

Тирик уйман. Жоним ўртар
Соғинч хаёл.
Ғилдираклар тагларида
Қолди висол.

Кўчаларнинг ул бетида,
Ул бетида.
Нақш кошинлар тизиб баланд
Том четига —

Менга қараб — ёмғирларда —
Йиғлар бир куй.
Шамоллардан салом айтиб
Йўқлар бир уй.

Чидолмайман — ўю хаёл
Менгзар мастга.
Туман ичра — ярим тунда —
Аста-аста —

Йўл оламан сирғанганча,
Тинч, беғулу,
Тебранади — гўё бешик
Ичра — туйғу.

— Сенми?.. — Келдим!.. — Жим! Одамлар...
— Соғиндим, оҳ!
— Унутмагин одамларга
Бизлар паноҳ.

— Сенсиз ўлдим... — Мен ҳам... Аммо
Уйлар — бурчдор.
Бор, одамлар уйғонмасдан
Жойингга бор.

Адаштирар халқни ўзга
Кўча шакли.
— О, бурчдорлик қурбон этди
Бизнинг бахтни...

Аста-аста қайтадирман
Оғир бурчга —
Деразамнинг чироқларин
Бари ўчган.

Биз— кўчанинг ул юзида,
Бул юзида...
Мошиналар босган итдай
Бахт тўзиган.

ЁШЛИК

Ҳали йўл тош эмас,
Ҳали йўл тупроқ.

Сўқмоқ — тирик сўқмоқ! —
Ям-яшил ўтлоқ.

Орзулар бахмалдир,
Юраклар селдир.

Дунё — хизматкорим!
Буюк ишқ келтир!..

Уялиб ўтади,
Кулиб ўтар ишқ,

Мени болаликдан
Юлиб ўтар ишқ.

Бир қайғу вужудга
Киради элас...

Севги — ҳали қайғу,
Фалокат эмас.

* * *

Бормисан, йўқмисан — нима фарқи бор?
Сени соғинаман — муҳими шунда,
Муҳими шундаки, такрору такрор
Сенга бағишлайман шеърлар, интизор
Юрагим титранар дўзахий мунгда.

Борлик ҳам, йўқлик ҳам — ҳолатдир баҳсли,
Сени соғиндими юрак — бунёдсан!
Мен сени яратдим, жонимнинг қасди,
Йўқликка «оҳ» ларим бўлмагай таслим —
Ҳамма борликлардан борсан, озодсан.

Кузги кўчаларда сени пичирлаб,
Энг тирик сўзлардан суратинг чиздим.
Йўқлик эшигини очди ғижирлаб,
Юрагимга кирдинг руҳдай вижирлаб —
Йўқликдан мен сени гул каби уздим.

Ёлғизлигим маним — қунишган работ!
Сеҳргар умримга не керак асли?..
Боғда янги куртак бўлмокда бунёд,
Менинг соғинчимда бир майса фарёд...
Яратмоқ (ҳаётдай) менинг ҳам касбим.

Бормисан, йўқмисан — нима фарқи бор?
Муҳими, юрагим оғриқда нотинч,
Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор,
Аммо юрагимда ҳижрон захми бор...
Агар ўлар бўлсам, севгим, бахтли бор —
О, фақат яшашга ҳақлидир соғинч.

* * *

Гулим...

Кўчадан сотиб олдим сени —
Қўлимга ярашиқсан.

Деразага боқсам,
Кўзимни қувнатиб
Турасан энди.

Деразага боқсам...
Гул кўринса...
Ёрилиб кетмайдими
Юрагим?

Айниқса,
Ўйласам,
Уни деразага
Ким қўйди экан деб...

Гулим...

* * *

Баҳор янглиғ кўнглингда
Яраҳлаган чақмоқ кўп,
Тиригимда қўлимга
Чақмоқдан қуйгин бир чўғ.

Баҳор янглиғ қалбингда
Майсалар кўп, гуллар кўп,
Қуйгин ташна лабимга,
Лабимдан қалбимга чўк.

Баҳор янглиғ қалбингда
Майсалар кўп, гуллар кўп.
Дунё маним ўнгимда —
Бир гулнинг меҳрини тўк...

Ёлворганда душман — ор
Ўлдиради тинмасдан ...
Мен учун бир кун баҳор
Бўлганингни билмасман.

* * *

Бардам бўлмоқликка ўргатди ҳаёт,
Бошни баланд тутсанг — ўзингга яхши.
Ойна қаршисида бирдан солдинг дод —
Нега ўхшамади ўзингга аксинг?

О, неча одамга бўлиндинг? Бири
Қасосга қўл чўзар, бири бурар юз.
Умрингнинг боғида ёз кетар юриб,
Кўнглингнинг боғида айланади куз.

Тортиниб очилган эшикми?.. Эвоҳ,
Адашиб яшашдан ўпкалар тўлди.
Хиёнат бағрига йиқилди гуноҳ:
— Нималар бўлди... О! Нималар бўлди?!

Тақлид бор уларнинг ҳаракатида,
(Соддалик ҳамиша шундай қизиққон),
Бу ғамгин уйиннинг баракатида —
Кимнингдир борлигин этмоқлик эълон.

Улар соғинишар ушбу аснода,
Хотира устидан чангни қоқишар.
Савол беришади бир кун дунёга:
— Бизни кўмишарму ёки ёқишар?..

Палто билан этик нақадар эсли!
Ақлли кўзлари боқар тангрига:
— Ҳамма меҳмонлигин дунёда сездик,
Фақат у борми, айт, ернинг қаърида?

Палто гоҳ сўзланар уйчан этикка:
— Айтиб кўр, бир шартга тангри кўнмасми,
Бизларни, майлига, отсин йўқликка,
Фақат У дунёга қайтса бўлмасми?

ҚАДИМГИ МАВЗУ ТАШБЕҲЛАРИ

Кўзларингда — тикан.
Юрагимга ёмон қадалди.
Тиканни
Кўзинггача қандай ўстирдинг?
Илдизи қайда? —
Юрак бўлиши ёлғонми
Одамнинг ичида.

Майли, шароб қуй.
Эртага узун бўйимни кесиб келаман,
Тенг этиб келаман сенга бўйимни.

Майли, шароб келтир.
Ёҳу!..
Оғу!..
Кесгирми шунчалар? —
Оғзимдан қон келди.

Бир оқ даструмол бергин.

* * *

Деразанинг ёнида ўлтир
Ва, масалан, суян тирсакка.
Қара, бу тун эртакка ўтди —
Қор уради пастдан юксакка.

О, бемалол сиғавер уйга,
Бу кечанинг руҳи зиёда.
Сен, масалан, қўшиқлар куйла —
Куйлашгандек Италиёда.

Тушавергин бир ўзинг рақсга,
Айланавер мен билан ҳатто.
Ва, масалан, ўлтир бир тарзда —
Тақдир сезсин — ёзмиши хато.

Рақс тушавер — куйни тепкилаб,
Ўчирса — ўч, куйганида — куй.
Ўч бармоғин олди тепкидан —
Йиғлаб-йиғлаб кечиради куй.

Ташқарида бир эрка зуғум —
Қор уради пастдан юксакка...
Биз осмонда яшадик бу тун —
Тонг отмоқда... Суян юракка...

* * *

Ликобчалар. Коса. Қошиқлар.
Стол. Шарбат тўкилган чойшаб.
Қулоқларда қолган қўшиқлар —
Худди бахтнинг расмига ўхшаб.

Ҳамма кетди. Тугади байрам —
Байрамларнинг йўқдир индини...
Истайсанми, бераман ёрдам —
Синдирмасдан бирор чиннини.

Сен диванда ғамгин ўлтир — жим,
Байрамлардан толган фаришта.
Деразани очаман ўзим,
Ўзим уйни этгум саришта.

Уйимизда кимнинг шарпаси
Айланади — мени ёндириб:
Ким ташлади бизга ғалвасин,
Ким ўзини кетди қолдириб?

Сен диванда ўлтиргин хуррам.
Сўзламагин. Бирор сўз айтма.
Тушунтиргин — ишора билан —
Идишларни қўяйин қайга?

Ҳамма кетди. Тугаган байрам
Юрагимдан ўтар чўзилиб...
Деразага тикилдинг бирдан —
Кўриб қолдинг кимнинг юзини?

Уй — озода. Ялтирар. Бекам.
Турфа гулга гулдонлар тўлиқ.
Бўладими энди ухласам —
Яна қайта уйғонмас бўлиб?..

* * *

Кўп жафо эрди бошимда —
Ҳар жафо турлик эди,
Бир узун ишқ ўртамизда
Минг бало кўприк эди.

Сен менингдек куймадинг
Бу балолар барқида,
Жонима етса ситам,
Ингроқ ўтиб — ўкрик эди.

Мен ҳушёр сўзни нетай —
Ки, мавжда авжи бўлмаса,
Ҳолатим, воҳ, майи ваҳдат
Базмида усрук эди.

Бул фалакка ҳеч қачон
Рўзи қиёмат бўлмағай —
Кўнглим ичғон сув эрди ул,
Руҳ туз еғон тузлиқ эди.

Оташларингнинг ўтиға
Кўникмагимдан қўрқасен —
Бир қараш этдинг, нигоҳинг
Чеки йўқ музлик эди.

Ўтда ёнмас, музда қотмас
Руҳ жавҳари дош бердиким —
Балки унда тангри бор, воҳ,
Сийрати ўзлик эди.

Бузгин, ёр, хонумонимни —
Ўзга макон қурмоқ керак,
Бу жаҳоннинг сўзлари
Ўтрик эди, ўгрик эди.

* * *

Жоним маним,
Қалбим маним,
Кўзим маним,
Ўзга вужуд аро толган ўзим маним,
Юзсиз қолган бу дунёда юзим маним,
Кузим маним,
Кузимдаги сўзим маним —
Англа,
Биз ҳам замонанинг зайлидирмиз,
Бир севгидан иккимиз ҳам айридирмиз,
Кажрафторнинг каж қисматга хайридирмиз,
Фақат йиғлаб —
Майли, дермиз,
Майли, дермиз...
Тангри йўли исёнимиз — фақир шеърмиз,
Бизни ёдлаб улгурган йўқ ҳатто Термиз,
Ҳукмфармо осмон тепса, қаро ермиз —
Майли, дермиз,
Майли, дермиз,
Майли, дермиз...

Фироқ етди —
Жовдирама, кўзим маним,
Пичоқ етди —
Юм кўзингни,
Кўзим маним...

* * *

Сомон йўли — шаршарани
Шопурар боғ узра тун.

Қучоғига капалакни
Босиб-босиб ухлар гул.

Чумчуқ мизғир
Дарахтларнинг
Шовуллаган кафтида.

Кўкдан тушган ой ариқда —
Ишонмайди бахтига.

Фақат меҳр улашмоқлик
Дунёнинг режасида...

Сени эслаб ухлолмадим
Бу бахтнинг кечасида...

* * *

Дунёни тўзитди
Тунда
Тирамоҳ...
Тонгданоқ
Ҳовлини этдинг саришта.
Қоқиб-сидраб
Бердинг уйингга оро —
Меҳмонга келгуси гўё фаришта.
Кўзга сурма қўйдинг,
Юзингга — ғоза,
Койидинг кузакнинг тинмаслигини.
Уззукун
Очилиб турди дарвоза—
Ҳеч кимга айтмадинг
Келмаслигимни...

* * *

Жавонларда идишлар янги,
Янги рангда товланар девор.
Янгиликни рўмолдай таңғиб,
Ивирсийди хонада рўзғор.

Уйимизда салқин устивор —
Паст келмайди совутгич ёзга.
Суприлар уй. Кечаги ғубор
Хокандозга тушади аста.

Хиргойида билмаганим куй —
Ўтган ғамнинг сўкилган чоки.
Қайтиб келар уйдан кетган уй —
Ошхонада чой ичар сокин.

Енгил тортиб — ариб эскидан —
Чарақлайди рўзғорим маним...
Каравотда ётар юзтубан
Илдиз отиб ҳориган таним.

* * *

Умримизда ҳеч нарса
Бўлгани йўқми содир?
Келгин, сени шу тарзда
Эъзозлашга мен қодир.

Ғамдан кўзимни узмай,
Тик боқаман — ботирман...
Ҳеч нарсани унутмай
Яшамоққа қодирман.

* * *

Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Орзунг эртакларнинг чўнтакларида,
Бахтинг — армонларнинг тилакларида.
Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Менгзовчи дарахтнинг куртакларига.

Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Сандикда матолар тахт эмас эди,
Орзулар насия — накд эмас эди.
Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Неки қолган бўлса, бахт эмас эди.

Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Сен ўқир китобда эрмак йўқ эди,
Бу бўм-бўш дунёга кўнмак йўқ эди.
Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Суйиб баланд тутсанг — гўдак йўқ эди.

Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Оппоқ кафтларингни беаёв тилиб,
Бу дунё қўлингдан тушганди синиб...
Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Магарким, кафтингнинг тафти ҳам тиниқ.

Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг —
Аммо топмоқ истаб йўқдай кўнглимни,
Безовта баҳорга кўмиб ўнгимни —
(Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг)
Худди гулдастадай тутдинг қўлингни.

* * *

Юлдуз учса қўрқмагин,
Менинг юлдузим йўқдир.
Болтага тиз чўкмагин,
Шоху илдизим йўқдир.

Қишдан хавотир олма —
Ёзим ҳам қиш, кузим ҳам.
Ўртаниб қулоқ солма —
Меникимас сўзим ҳам.

Бу кўнглим девонадир,
Борадир мени ташлаб.
Дунё ҳам бегонадир —
Умримни қурди тошдан.

Кучинг етса кечиргин,
Мажбур этма қарорга:
Сенга нохос суяндим —
Суянгандай деворга...

* * *

Осмон чўғ элайди. Тунни тирналаб
Учқунлар — оғритиб — ботади кўзга.
Мен сезиб турибман — титранмоқда лаб,
Ўчган юлдузлардай ёш оқар кўздан.
Тундан қаро бўлди бизнинг бахтимиз!
Шунчалар қароки, кўринмайди йўл.
Чўзсак — ўзимизга келиб раҳмимиз —
Бир совуқ қайғуга дуч келади қўл.
Қайга боришини билмайди шамол.
Дарахтга урилар. Баргларни юлар.
Унинг ғазабидан бўлмайди поймол —
Бизнинг жим туришдан учган қайғулар.
Интиҳо — ўртаниб — умрдан келар,
Юракдан наридан келар улоқиб...
Бошимиздан эса оловни элар
Қоп-қора, даҳшатли осмон тутоқиб.
Бул фалак тагидан кетмоқлик маъқул,
Чироқ қолган эрса, ёнига қайтсак...
Тоқати етмайди — қулаб тушар ул,
Агар «ХАЙР» деган бир сўзни айтсак.

* * *

Ҳолингизда маъюслик мўл —
Ким учун бу ғам — аза?
Мана сизга покиза кўл,
Мана сизга қалб — тоза.

Юрагимнинг ҳорғин вазни
Дунёга, сизга аён.
Баъзан баҳор, баъзан ҳазин
Куз баҳрида намоён.

Бунча нафис, бунча ростсиз —
Чиройингиз — ботартиб.
Юрагимда тиниқ ёшсиз,
Йиллар қуёлмас артиб.

Бу паришон ҳолингизда
О, кетасиз қайтмасдан.
Рухсат беринг, ёнингизда
Юрай — бир сўз айтмасдан.

Қор кечади ялангюрак —
Кўчалар қиш — кетгунча.
Айтинг, неча умр керак
Биз манзилга етгунча?

* * *

Дунё яралмасдан аввал ҳам
Бор эди
Бу шамол.

Дунё ҳануз
Учиб борар
Унинг шаштида.

Бўлмаса,
Биз — икки бебахтнинг
Дунёси бўлмоққа
Кўнармиди у.

* * *

Бир қуёшман — чиқарим йўқ, ботарим йўқ,
На ҳаётдан, на ўлимдан хатарим йўқ,
Сен келибсан, сен кетибсан — хабарим йўқ —
Кетишингдан кўнглимда тун қолди, жоним.

Кўчаларда маъюс-маъюс ўйинг қолди,
Ҳаволарда атир-атир бўйинг қолди,
Юрак сезди — сендан айёр ўйин қолди —
Кечаларда узликсиз мунг қолди, жоним.

Ойлар билан тунни нурга белашганман,
Сен тарафга кетар елга илашганман.
Сенсиз жами Мажнун билан йиғлашганман —
Армонларинг — узун-узун — қолди, жоним.

Келишингда — соғинч деган шитоб йўқдир,
Кетишингда — видо деган хитоб йўқдир,
Ёзсам дафтар, ўқий десам китоб йўқдир —
Юрагимда бесўз тузум қолди, жоним.

Унутолмас юрак мудом шўхлигингни,
Баҳорингни, гуллигингни, кўклигингни...
Қандай йиғлаб, қандай айтай йўқлигингни —
Қисматимда дунё маҳзун қолди, жоним.

Кулма мендан — қайда қолдиноласизлар,
Қалби доғсиз, юрак-бағри воласизлар...
Йиғламагин, кўзи қуруқ — жоласизлар —
Соғлар ўтди, фақат мажнун қолди, жоним.

* * *

Бу кеча қанақа хатар келтирди?
Шомданоқ ўзини йуқотди йироқ.
Шомданоқ мўлтираб уйга бекинди,
Симёғочга шошиб тирмашди чироқ.

Подшоҳ тун — созбеги — этдими имо —
Қай хатарни сезди — бўзлади мақом.
Ёзнинг иссиқ тани қўйнингда, дунё,
Нечун юрагимни музлатди бу шом?

«Хотира — хатарми?» — чарх урди савол,
«Ҳа», дедим — чангаллаб шўрлик бошимни.
«Қайдасан?» — йиғлади қайси беаъмол,
Қайси бетақдирнинг артдим ёшини.

Бу кеча келтирди қанақа хатар —
Қай олис аламлар эзар жисмимни?
Қалбга яқин келди қай унут кадар? —
Жонимдан бир ингроқ узди исмингни.

Қайларда юрибди саргардон умид,
Қай зулмат дардида бераяпти жон?
Жоним бир сесканди — улув тортди ит,
Қай фожени сезди, йиглади мақом.

* * *

Сен кетган тарафлардан
Шамол келса қарайман.
Ҳали-ку мен тирикман,
Завол келса — қарайман.

Сен кетганинг йўлларни
Тикон босди, хас босди.
Дунёни соғинч деган —
Дилни ўртар сас босди.

Толе лозим кўрмасанг,
Армон ичида келгин.
Чинни билмайсан... Майли,
Ёлғон ичида келгин.

* * *

Урилиб тўхтади деразага тун,
Соғинчнинг бесабр даъватин тинглаб,
«Қайдасан?» — дунёдан сўрадим беун
Ва чиқдим кўчага болададай йиғлаб.

Чироқларни осмиш симёғочларга —
Кўча тунги даҳшат касби-ла машғул.
— Қайдасан? — қоқилдим ҳорғин тошларга,
Йиғладим — ҳол йўқдир ҳолимга масъул.

Йўқлик ичидасан. Оқиб ўтар Вақт,
Гуноҳкор — кўзимга боқолмас бир дам.
— Қайдасан?
Вақт билан кетайинми, айт,
Хафа бўлмайсанми, ажралиб қолсам?

* * *

Бахт каби гуллади боғимда баҳор,
Жанубдан қучоғи илиб қайтди ел.
Ҳамма ғашликларни
Енгдим бу наҳор,
Ҳамма эшикларни очиб қўйдим —
Кел!
Туманни кўтардим —
Кўчалар равшан.
Ҳасану Ҳусанга чулғадим кўкни...
Кўзларим толиқди —
Нега келмайсан?
Худо хоҳласа ҳам учрашмоқ йўқми?

* * *

Ўтган кунларим
Елкамга бош қўяди майин.
Ўтган кунларим — сенсан.

Бугуним —
Мендан хафа,
Жимгина йиғлайди бурчакда.
Бугуним — сенсан.

Эртанги кунимда эса —
Ҳеч нарса йўқ.

* * *

Севги баҳорида
Гул каби очилдинг.

Севгининг ёзида
Боғ бўлдинг кўркам.

Севгининг кузида
Сарғайганинг йўқ.

Гап шундаки,
Севгининг ёзида,
Кузида,
Қишида,
Баҳорида
Мен хазон бўлдим.

* * *

Кўп йўллардан кетдинг:

Бирининг исми — Макр,
Бирининг исми — Жаҳл,
Бирининг исми — Ёлғон,
Бирининг исми — ...

Узилай - узилай дейди,
Қайтишнинг
Биргина йўли —
Кўнгил.

* * *

Мени етти дўстинг ёмон кўради,
Менинг саккизинчи ёруғ кундузим:
Етти ёв теграмни, қара, ўради.
Мени етти дўстинг ёмон кўради:
Етти болта зарби — оғрир илдизим.

Мени етти дўстинг ёмон кўради —
Ғазабдан қалтираб қўллари тугун.
Ҳафталик умримдан зиндон қуради,
Мени етти дўстинг ёмон кўради,
Аммо мени севар саккизинчи кун.

Мени етти дўстинг ёмон кўради,
Етти кун — нафрати асрдай узун.
Қалбимнинг ёнида улар юради...
Қабримнинг устида ғамгин туради
Саккизинчи куним, саккизинчи кун.

* * *

Сен тушимга кирдинг —
Сенлигинг ўнгим қадардир.
Васл онидур, гарчи
Соғинчинг сўнгим қадардир.

Қизғандим мен сени...
Жону жисмингни бу онда
Оламдан бир юлқиб
Жон аро кўмгум қадардир.

Бу туш шундай гўзал,
Бу туш шунчалар тансиқ...
— Бу тушдан айирма! —
Ҳаётни бўлгум қадардир.

Сен сокин бир боқдинг,
Тақдир янглиғ қарошинг —
Гоҳ тошқин умр қадар,
Гоҳ сокин ўлгум қадардир.

Сен кетай демагин,
Тушлар ҳам сенсиз ёмон, —
Сенсиз умрим қўрқинч —
Даҳшатли мунгим қадардир.

Ҳаётдан баландсан,
Ҳаётлиғ бўлмайсан менга ҳеч,
Демак, туш давомлиғдир —
То азал — сўнгум қадардир.

* * *

Қувондим — вужудим баҳорга тўлди,
Қўл чўздим — кафтимга йиқилди осмон.
Сени бир бор кўрдим — муродим бўлди —
Тирикман — ғамим йўқ, ўлсам — на армон!

О, майин шиддат бор сенинг кўнглингда,
Кўзингда олов бор — беаёв, пинҳон.
Нохос қўлларингни қўйдинг қўлимга —
— Қўрқинчли эмасдир ҳижрон ҳам... Ишон!

Мени қай савдога мангу боғладинг —
Айт, қачон макрингда йитди давроним?
Кўзингга боқдиму бирдан англадим:
Тирикда — ғамимсан, ўлсам — армоним...

* * *

Сўзимиз мавжланиб шитобга ўтди,
Кулгумиз қийналиб азобга ўтди,
Дил — ғамга, ишқимиз саробга ўтди —
Жоним, кунларимиз тундан ёмондир.

Билмадим, не учун олди қасдига —
Тақдир кўнглимизни тутмас дастида,
Ўтган онларимиз оёқ остида —
Оҳ, ўтар онимиз ундан ёмондир.

Тириклик — аёнмас, завол — аёнмас,
Ўртамизга тушган малол аёнмас.
Нечун мунглидурсан? — савол аёнмас —
Бизнинг бу ҳолимиз мунгдан ёмондир.

Сенинг кетишларинг — қуёш юриши,
Жон чиқиб, танимда қоннинг қуриши.
Шунда кўзларимнинг беёш туриши,
Бебахтлик шу бўлса — шундан ёмондир.

Мен сендан заҳмату меҳнат тиладим,
Менгамас, ўзингга роҳат тиладим,
Тангрим деб — ёлвориб — мадад тиладим,
Дунёда туришим чиндан ёмондир.

Қайрилиб қарадинг — ёшларинг оқди,
Ҳар томчи — бир гулхан — умрингни ёқди, —
Дединг: — кўзни очгин — дунёга боққин! —
Энди айт — аҳволинг кимдан ёмондир?

* * *

Сен шундай гўзалсан, шу қадар нафис,
Сен шундай ғуссали, шу қадар ўйчан,
Сен шундай дарддирсан — йўқотмоқ хавфи —
Қалбимни ўртару тарк этмас бир дам.

Сўзлайсан — ўзингга сўзлаған мисол,
Қаршимда турасан ғамларга банди.
Ишқингда бир кун-ку тириклик маҳол,
Аммо ҳар лаҳзада ўлмоқлик камми?

Сен шундай гўзалсан, шу қадар ғамгин —
Кўзимда ёшдирсан, юрагимда — зор...
Сен шундай дарддирсан — йўқотиш мумкин,
Сен шундай дарддирсан — топмоқлик душвор.

* * *

Қай қаро кун санго кўзим тушди —
Дилимга йўқотган сўзим тушди.

Наслинг сўрдим, дединг: — Руҳим кўкдан,
Ошуфта кўнглингдин юзим тушди.

Сабрим йўқ эрди висол онида,
Лолманки, юракка тўзим тушди.

Бахту бебахтлик не эрур, ёраб —
Ки, бахтдан бебахтроқ рўзим тушди.

Ой қиз, мендан зарра хатар кутма,
Танимга руҳ тушди — ўзим тушди.

Қул эрдим — юрагим сени топди —
Кўксимга бир озод тузум тушди.

* * *

Уйингни ўради қорнинг тўрлари —
Тирик қиш — теграңгда — айланди рақсда.
Сени ҳам уйинга пинҳон чорлади,
Енгил шамол билан тушаркан баҳсга.

Эшик очиларкан, кирди югуриб,
Совуқ қўлларини печкага босди.
Палтони кийгизди сенга — ўргилиб,
Бўйнингга ангори шарфни ҳам осди.

Пойингга — этикка—боқди синовчан —
Озор етмадими панжаларингга?
Сени ҳар мақомда ўраб-чирмовдан
Етди бахт-иқболнинг қанчаларига?

Йўлингга чўзилди бор бўйи билан,
Оппоқ борлиғини йўлингга ёзди.
— Олгин, сенинг учун шундай оқ танам!..—
Бу қиш марҳаматда ақлдан озди.

Ҳатто вужудингга аралашди қиш:
Икки ёноғингда гуллади алвон.
Бунчалар севади сени совуқ ищ —
Қорланган югурдак, музлаган армон...

Сен қайтиб келасан. Кўчалар қолар,
Ишларинг қолади идораларга.
... Тасаввурда менинг юрагим ёнар,
Аламим сиғмайди ибораларга —

Атрофингда ёмон ўралашди қиш:
Эшик очганида қандай ҳол кечди?
Сенга ким кўргазди асру навозиш —
Этикни ким ечди, шарфни ким ечди?

* * *

Макр кўпдир ҳур ўйинингда —
Чиндай келар тилингга ёлғон.
Жоним, қордай оппоқ бўйинингда
Қайдан пайдо беш тизим маржон.

Кулгу учса дудоқларингдан
Дилдан ғашлик бўлади халос.
Аммо қайдан қулоқларингда
Ялтиради исирға — олмос.

О, эртани қайдан кўраман,
Ишқнинг борми аниқ тузуги —
Бармоғингни маҳкам ўраган
Кимнинг, кимнинг, кимнинг узуги.

Омонмисан, бечора бошим,
Соғ қуйдими кўнгилнинг ғаши? —
Ғам ўтади юракдан ошиб,
Пешонамни кесади ажин...

Тунда кўча кезаман безиб,
Дунё бағрин кўмаман ғамга.
Куз ёмғири ёғади эзиб —
Тошкент билан менинг елкамга.

* * *

Ҳамма тасодифга айтилди узр,
Ҳамма жин кўчага қолмади хизмат —
Ҳаёт юз ўгирди — қуймади ғужур —
Юрак бир энтикди — бошланди қисмат.

Қисмат дарёсида саросар суздим,
Сенсиз оқар сувлар ботди кўнглимга.
«Ё нажот!..» — соҳилга қўлимни чўздим —
Соҳиллар узилиб келди қўлимга.

Сен — йўқсан... Сен — йўқсан...
Сен—йўқсан... фақат
Сенинг йўқлигингда бошқаси бекор.
Юрак бир энтикди — бошланди қисмат,
Сўнг бор энтиккунча йўқдир ихтиёр.

* * *

Кўкда — шамол дарёларида
Қанот қоқмай сузади булут.
Ишон кўнгил шамолларига,
Бошқа ҳамма дунёни унут.
Қанотингни ёзсанг бўлгани,
Рўбарўнгдан чиқади висол.
Учрашамиз нохос тўлғониб,
Биз — иккита беғубор шамол.
Тунд фироқнинг шотири — ситам
Қўлларидан ситилар дилим...

Шамолларда аммо ором кам,
Балки тошлик яхши, севгилим?
... Шамолларни айлаю орзу
Қанотингни кесгину тинчлан.
Кўришмоқлик баъзида оғу,
Ажратади бизни соғинчдан...

* * *

Мен титрадим. Тўлиқди ўпкам.
Яна мозий етди — қасоскор.
«Қачонлардан» айрилган кулкаинг
Юриб ўтди кўксимдан такрор.

Эс-ҳушидан озди бу соя,
Тақдир каби келар изма-из.
Насиҳатга этмас риоя,
Вақт ҳукми ҳам азмида ожиз.

Ташвишларда қураман девор,
Турмуш ичра қазийман чоҳлар —
Унинг азми бўлсин деб бекор
Юрагимдан кетсин деб оҳлар.

Деворларга урилар кулка,
Йиқилади чоҳларга бесас...
Бутун жоним оғриққа тўлган —
Ўжар кулка ғамни англамас.

Чоҳ тубида кимнинг вужуди,
Оғриётган, айт, қайси юрак,
Нега яшаб бўлмас унутиб? —
Ҳеч ким билмас оллоҳдан бўлак.

* * *

Севар ёрим, кузги анҳор
Суви монанд тиниқдирсан.
Шамол каби тўзғиндирсан,
Кўнглим каби синиқдирсан.

Менинг қошимда тургайсан,
Талабинг йўқ, сўзинг йўқдир.
Бу жим ғусса қароринда
Ғуссали бир қилиқдирсан.

Баҳор каби шамоллисан,
Оловлисан саратондай,
Қисматимда фақат кузсан —
Сўниқдирсан, сўниқдирсан.

Саволинг —йўқ, жавобинг — йўқ.
Шодлигинг зарра ҳам йўқдир.
Кўзинг ёшга тўлиқдир... Воҳ!
Ўзинг оҳга тўлиқдирсан.

Ғаюрларнинг ғийбатидан
Карахтсан — йиғлагайдирсан —
Оҳ, кичиксан — ёмонликдан,
Яхшиликдан йирикдирсан.

Суварим, кел, ишқ боғига
Хазонлар кетмайин токи,
Ҳасратлар жонга йўлдошдир —
Тирикдирсан, тирикдирсан.

* * *

Энг аввал тераклар
Баргларин тўкди.
Сўнгра хазон бўлди гилосу ўрик.
Шиддатим
Қалбдаги хазонга чўкди,
Юрагим увишди
Дунёни кўриб.
Хотира тўридан
«Келгин, кел» дединг —
Мен сени севганман. Зарра тонмайман.
Баҳор бўлганда ҳам бир гапи эди...
Энди кузак келди.
Бора олмайман.

* * *

Севги ёзи кузга кўмилди —
Омон қолдинг ёнғинларидан.
Сен жунжикдинг — елканг чўмилди
Қора сочинг ёмғирларига!
Бегонадай турди олисда,
Чўчиб боқди сенга тийрамоҳ.
Сендай ғамгин фасл бўлишга
Қайдан журъат топа олсин, оҳ!..

* * *

Нима бўлса бўлди. Сўзлама бекор.
Жами сирли сўзнинг сири аёндир,
Жаъми қонли ёшнинг тарихи ошкор —
Ўтган кунимиздан ғамли баёндир.
Ажралдик. Мадад йўқ ғойибдан бу он.
Ҳеч ким тополмагай дунёдан таскин:
Қанча омад бўлса — ҳаммаси ёлғон,
Қанча ҳасрат бўлса чиндир!.. Чиндир!.. Чин!..

* * *

Тунми? — Деразадан
Ошиб тушар ғам.
Ҳамон мен билансан,
Ҳамон мен билан...

Ғамнинг шабнамлардан
Юзу кўзи ҳўл.
Юракка ўтади
Узатмасдан қўл.

Бармоққача етар
Юракнинг учи...
Шеърлар ёзилади
Ҳамон сен учун.

Кўндаланг — энг қийноқ
Сўзлар — томоққа.
Ғам ҳануз жон сари
Ўтиб бормоқда.

Ҳар сўз — жон парчаси,
Бесўздир алам...
Ҳамон мен билансан,
Ҳамон мен билан...

Юрак чидолмайди
Бундай борликка...
Чўкдим юракдаги
Қонли ёриққа...

Вафодор ит каби
Бесас тўлғаниб,
Ғам йўқлик устига
Ётди тўлғониб...

Худованд, кечиргин —
Мангудир ғамим...
Мангу мен билансан,
Мангу севганим.

* * *

Сени тутмоқ истадим
Бағримда — ночор чоҳ каби.
Сен бироқ бўлдинг аён —
Беихтиёр бир оҳ каби.

Хонаи дилга магар
«Алвидо» айтар даминг —
Воҳ, кетарсан жон мисол,
Воҳ, чиқарсан воҳ каби.

Тошдин маскан қуриб,
Шарпа мисол даврон надир? —
Хотири севгим мудом
Эргашгуси арвоҳ каби.

Танҳоликдин қўрқмагил,
Улким сукут дашти эмас,
Мен қуюндек чарх урарман
Бир ғуссали ҳамроҳ каби.

Бу ситам юртини эл
Тарк айлади — кетди йироқ,
Бул юрак қолди, худо
Урган ғариб даргоҳ каби.

Бу садо етмас манго,
Дардим ўтлиғ беҳад —
Минг садомдин ўрлагай
Танҳо садо — «Чоргоҳ» каби.

Ваҳм аро етди булут,
Говгумни барпо айлади —
Кўлка — ул бошимдаги
Тақдир — мисли подшоҳ каби.

* * *

Айрилиқ. Кутилган айрилиқ.
Юракда, тақдирда тутилган айрилиқ
Ниҳоят келдию — келтирмади бахт.
Биз ғамгин яшадик — муз эди ҳаёт.
Ўйладик — айрилиқ ҳасратдан нажот —
Озод лаҳзаларга қалбни этдик тахт.

Видо. Оғир видо. Кўкда ой порлар.
Синади аёзда тиришган қорлар —
Совуқда музлайсан — ичкарига кир.
Кузатиш керакмас — кетаман ўзим.
Асло... У тарафда йўқ зарра тўзим...
Ахир, у томонга кетди-ку тақдир!

* * *

Эртаксевар жоним,
Сен мени ўлдирмоқ истайсан.

Мен минг бир кеча эртак айтаман.
Минг бир кеча
Биринчи нигоҳнинг эртагини.

Эртаксевар жоним,
Мени ўлдира қол.

Аммо такрор айтаман —
Кўзларнинг илк учрашувидан бошқа
Муҳаббатнинг
Эртаги йўқдир.

* * *

Тазарру керакмас:
Чин ҳам, Ёлғон ҳам.
Тазарру — беумид,
Чин — улкан алам.
Ёлғон — хушомадгўй —
Фош бўлгай оғир...
Кўзингни бир кўрсам
Бўларди охир...

Ҳасратингни ҳайдаб
Кетказолмадим.
Англадим — ҳасратинг
Жонимдир маним.
Бегуноҳ — гуноҳни
Яратган шайтон...
Кўзларим кўзингга
Тушсайди бир он.

Бошимни шамолдай
Ўрайди тақдир.
Шарҳла — шарҳи йўқдир,
Чизгин — бетасвир.
Ҳамма сўзлар аён
Минг йил муқаддам...
Майли, тушларимда
Кўзингни кўрсам...

Юрак дашти узра
Қайғу тўзони.

Уфқни йиқитган —
Йўқдир тўғони.
Кўксимни дунёлар
Келмоқда босиб...
Кўзингга бир боқмоқ
Бўларми насиб?

Кўзингни бир кўрсам,
Кўрсам кўзингни —
Термулсам йўқотиб
Ақлу сўзимни.
Балки бу охирги
Оғриқ — баҳс эди...
Тақдир қандайлигин
Кўрсам бас эди.

ВАЗНЛАР ҲАҚИДА ИЛМИЙ ИШ

Сени куйламоққа «бармоқ» соддадир,
«Аруз» оҳангида ўзга тил юқи.
Олифта «сарбаст»нинг сири ёддадир,
«Мансура» — насрнинг адашган юки.

Юрагим сезмоқда — вазнлар ўзга,
Исмингни сўзларкан юрак ёрилар —
Умр бир томчи ёш — урилар кўзга...
Шу вазн шаштида шеърга борилар.

* * *

Виқорлисиз ўзгалар билан,
Мағрурликнинг гўзал аршида.
Аммо маъюс тортасиз, эркам —
Ғуссалисиз менинг қаршимда.
Бош эгасиз мунглиғ бир тарзда,
Ўлтирасиз унутиб ўзни.
Мен билан ҳеч тушмайсиз баҳсга —
Айтолмайсиз кескин бир сўзни.
Умрим узра узун чақинсиз,
Ўзи ёниб — топган қаноат.
Юрагимга жуда яқинсиз,
Ҳаётимдан олиссиз фақат.

СЕВГИ

Бу — шовқиндан толган дунёга
Ойдин сукут тўкмоқдами ой?
Ёки кўкка чиқиб пиёда
Раҳмат нурин сочмоқда худой?

Соғинч дилни тортади дорга,
Вақт умиднинг риштасин узар.
Деразанинг расмин деворга
Ойдин қўли билан ой чизар.

Қилич сермар қайдадир чақмоқ,
Тўзиб келар булутлар — банги.
Деразанинг расмини бироқ
Ўчирмайди девордан тангрим.

Тунги баҳор осмонида, оҳ,
Ола-тасир — ёнғин, отишма,
Оёқ ости бўлиб кетар ой
Олиб чиқилмасдан отишга.

Менга чўзди ёмон дастини
Худо урган қисматнинг танги...
Бироқ деразанинг расмини
Ўчирмайди девордан тангрим.

Ёзнинг уйғоқ фасли ҳам ҳатто
Тадбиридан тамом адашиб,
Ўн беш қаро кеча — бехато
Чиқармайди ойни талашиб.

Қибла қолиб, бош оққан томон
Тавба-чун тиз чўкаман гангиб...
Деразангнинг расмини ҳамон
Ўчирмайди девордан тангрим.

Кузнинг бесар кечаларида
Туманларга қоришган тубан,
Ердан ҳам паст кўкнинг қаърига
Ойни банди қилади бирдан.

Мен хонамда ёқаман чироқ —
Кўланкалар чекинсин ёниб ...
Деразангнинг расмини бироқ
Ўчирмайди шафқаткор холиқ.

Қорлар ёғар ҳавода ўйнаб,
Қорлар ёғар — бир осмон — тўзғин.
Лабларингга нохос қўяр лаб,
Муз фалакдан кўчган бу учқун.

Ойни қисмат титратиб ютар,
Ғижирламас тишида чанги...
Бироқ, деразанинг расмини
Ўчирмайди девордан тангрим.

Бу умрдан энди кеч, кўнглим,
Деразадан нари — ҳаёт бор.
Деразадан ўтмоқчи бўлдим—
Манглайимга урилди девор.

Яшамадим, ахир зиёда —
Қодир эгам, айлагин карам.
Балки гамдан фориғ дунёда
Азобларим топгуси барҳам...

...Бу — шовқиндан йироқ дунёга
Ойдин сукут тўкмоқдами ой?
Ё бошимга келиб пиёда
Раҳмат нурин тўкмоқда худой?

Лаҳадимнинг ичида сокин
Фаришталар хаёлдан сузар.
Менинг тирик руҳимга тангрим
Деразанинг расмини чизар.

Мен розиман, ўжар тангридан!
Деразадан соғинчинг тошар —
Етти қават ернинг тагидан
Мен юзингни қилгум томоша!..

* * *

Бунчалар тўзғиндир сенинг сочларинг —
Хаёлдай бешакл, қайғудай чалкаш.
Туманга чўккандай гўё бошларинг —
Мумкин эмас тараш, мумкинмас тахлаш.

Бул туман ичида адашдим мен ҳам,
Олис қийноқларга ўзимни чоғлаб...
Сен овоз бермасдан ўлтираркансан,
Туманни елкангга ташлайсан боғлаб.

Шафқат қил! Кўз ёшим қуриди маним,
Кўнгил қайтиб келди — осмонга тегиб...
Ўлимга тайёрдай ўлтирасан жим,
Туманга кўмилган бошингни эгиб.

* * *

Бир денгизга — бир осмон керак,
Бир юракка — бир бутун худо.

Марина Цветаева

Мен севгидан олгандим таълим.
Аммо нафрат — жаллод муаллим
Қилич солди — йиқилди ярмим:
Жоним — ярим,
Юрагим — ярим.

Сен фалакда бутун тур, карим,
Заррангдан ҳам бўлмагин жудо.
Гарчи менинг юрагим ярим —
Унга керак бир бутун худо.

* * *

Гумроҳлар кулади:
«Курашдим... Енгдим!..
Зўрга ошно бўлдим, омадга маҳбуб...»
Мен эса англадим:
Енгганмас ҳеч ким!
Ғолиб йўқ! —
Ҳаммамиз мағлубмиз, маглуб!
Мен эса англадим:
Осмон мовиймас,
Тош юмшоқ —
Бемалол еявер тишлаб.
Билдим — душман эмас душманга бир кас,
Ҳақиқатни эса бўлмайди ушлаб.
Англадим,
Мен сени севишим керак,
«Кетма», деб йиғлашим керак зору зор.
Бошингни елкамга қўйсанг-чи, тентак...
Ахир, ўлим бордир,
Ўлим бордир,
Бор.

ЁМҒИР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Булутлар кифтида этдим саёҳат,
Осмондан ергача йўлни тарадим.
Учиб деразангга етдим ниҳоят,
Мен — ёмғир! Қарагин, жоним, қарагин!

Деразангни чертдим — берилиб чалди
Кузнинг баётини ҳўл бармоқларим.
Кузак — ғам яратар баҳайбат чолғу,
Гулханида ёнди, воҳ, оёқларим.

Деразангни чертдим. Ғуссаларинг мўл —
Сени асрагайлар дунёдан узиб.
Ташқарига қара, ёноқлари ҳўл —
Ойнаға юз босмиш соғинчнинг юзи.

Тўрт девор ичинда мендан мосуво,
Яшайсан бир сирни юракка ютиб:
Мендан яшириндинг шифт тагига, о —
Деразага ҳайрон пардалар тутиб.

Ташқарига қара! Тенгман тупроққа—
Ҳижрон билан оғир баҳсларга тушдим.
Самони унутдим—келдим сўроқлаб—
Қандай осмонлардан пастларга тушдим!

Мени эшитмаслик мумкинмас... Охир
Эшигинг очилди—кўрдим кўзингни.
Аммо сен жунжикиб, энтикиб оғир
Соябон тагига олдинг ўзингни.

Сен мени севмайсан... Ёмғирман ночор—
Соябон сатҳида бекор уриндим.
Гоҳо этагингга етдим беозор,
Гоҳо этигингга бебахт суриндим.

Сенинг либосларинг қандай чиройли,
Уфурар бўйингда қандай атирлар:
Борасан—гўёки бир гўзал ойни
Авайлаб чулғамиш ҳарир абрлар.

Ёзлик сургунимда—дилларим пора—
Соғиндим мен сени—юрагим тақир.
Сўра, майда қолган майсадан сўра—
Мен ҳам ёмон ёмгир эмасдим, ахир.

Энди куз севгимни солди қўшиққа,
Ҳажрингда вужудим тобора равшан...
Манзилга етасан. Ногоҳ эшикда
Мени соябондан силкиб ташлайсан.

Сени остонада қучади биров.
Гул каби ҳидлайди сени—тўймайди.
Ёғаман, ёғаман—равишим йиғлов—
Бундан кетай десам соғинч қўймайди.

Кўчада изғирин бўлди аламинг!
Олам—ғаминг тўла бир байтулҳазан.
Деразани тутди туманли таним,
Деразани чертдим:
—Сени севаман!

Оқ учқун танимни ўтди оралаб,
Музлаган лабимга бири қўнди жим:
Тақдир шу кечада етди оралаб—
Фожиа етишди чоғи, севгилим!

Умрим тугаянти—йўқдир дарагинг,
Сенсиз вужудимда қанча тоқат бор?
. . . Тонгда деразани очдинг. Қарадинг—
Ташқарида қордир, ташқарида қор.

ЦИРК. КЎЗБОЙЛОҒИЧ

Афсунга тўлди цирк. Боғланди кўзинг.
Менинг юрагимга туташдинг нозик.
Қалбимдаги титроқ — лабдаги сўзинг,
Ҳар босган қадаминг — севгининг рози.

О, мен — кўзбойлоғич — юксак санъатман:
Ўтмагай сеҳримнинг таъсир чоғлари —
Кетасан юмалоқ бу иморатдан,
Кўзларинг боғланиб, кўзинг боғланиб.

Сезмайсан — кўчанинг гирдибодида
Вужудинг тегарми ҳавога, тошга.
Фақат бир илтимос қолган ёдингда —
«Кўзимни очмагин. Кўзимни очма»...

Бу дунё айланди бахтиёр тушга —
Оғриғи бор бўлса, қувончга тегиш.
Одам бу дунёда юрмаса, учса —
Бахтли яшамаслик туюлар эриш.

Аммо яшаб бўлмас мудом сеҳрда —
Сени қутқазмоққа шаҳд билан юрдим.
Юрагим эриди бироқ меҳрда —
Сени уйғотмоққа етмасми қурбим?

Менинг ҳам дунёда умидим бордир —
Афсуну сеҳрлар кетмагай бекор...
Сени суйлаганинг бир ширин зордир:
— Мени бу уйқудан уйғотма! Зинҳор!..

О, оғир ғуссалар босди бағирни,
Ёқамга ёпишған кўз ёшми, чўғми?
Уйғонгин, сўрайин сендан бир сирни:
—Мени ҳам сеҳрлаш иложи йўқми?

Жодусиз яшамоқ ёвдир жонимга,
Ҳушёрлик заҳмидан юрагим безган.
Фожиа шундаки, мен ҳам ёнингда
Кўзим боғлангандай кезганим кезган.

Фожиа шундаки, юрак—насрда,
Сўз тилда назмдай янграйди бироқ.
Фожиа шундаки, ишққа асирдай
«Сени севаман» деб йиғладим бу чоқ.

О, бизни оқизган бу дарё—Ҳаёт,
Кажлиғ ўйинини ўйнади Гардун.
Дунёни йиқитиб солгим келар дод—
Сен тушга маҳкуму, мен ҳушга маҳкум.

* * *

Шивирлайди майда қор,
Оқаради елкамда.
Тангрим! Ўзинг мадад бер,.
Қиш тунида кетганга.

Мен айбдорман—кўнглимдан
Ғуссанинг бори кечган.
Совуқ тунда қолмасин,
Кутиб ол уни, печка.

Шамол—меҳрибон шамол
Судрар ёқамдан тутиб.
Қўй, баҳор келгунича
Турай кўчада кутиб...

* * *

Ҳали сиз йўқсизу
Соғинчингиз бор...
Висолга чиқаман юрагим ёниб,
Сизга тутқазаман
Ям-яшил баҳор,
Ерга туширасиз—қўлингиз толиб.

Ҳали ёнимдасиз.
Аммо бир савдо
Бошимда айланар чангалин ёзиб.
Мен тортиқ этаман ёзни...
Бепарво
Ўтасиз—
Августнинг кўксини босиб.

Ҳамон дил толпинар
Сиздай оламга.
Ишқнинг андуҳига ҳамон жон боғлиқ.
Сизга куз бераман...
Кузги оламдан
Олиб қололмайсиз бирор-бир оғриқ.

Энди фаслларим қолмади маним—
Уфқда энг сўнгги кундузим адо.
— Қишинг қайда қолди? — бўзлайсиз...
Жоним!
Билмайсиз,
Уч фасл берганин оллоҳ.

ОРФЕЙ

Сўраб олдим буюк худодан —
Қаро ердан сени айирдим.
Эвридика, соғинч нидомдан
Чекиндими охир айрилиқ.

Сен ортимдан келасан зор-зор —
— Сабр... Сабр... — тасалли сўзинг.
Эвридика, бир армоним бор —
Тушармикан кўзингга кўзим.

Фожиани севади қўшиқ —
Дор тагида туғилади дард.
Эвридика, тоқатни қўшиб,
Умримдан шарт узилмоқда қалб.

Зевснинг ўзи қўйган шартдир бу —
Ортга боқсам, бўласан ғойиб...
Эвридика, қучсам бўлмасму—
Қучоғимни дунёча ёйиб.

Ёлворасан: — Тоқат қил... тоқат...
Соғинч айлар тоқатни майда —
Ўгриламан сенга... Воҳ! Бебахт
Эвридикам, қайдасан, қайда?

Эвридика! Мангу тундаги
Бахти қаро сукутман—абгор.
Бу ҳолимга боис шундаки,
Мен қўшиқни кўрдим... Бетакрор!

* * *

Юрак, сен — мавждирсан, мавждаги ойсан,
Дарёсан — қудратсан, мангу ҳаракат.
Тиниқ оқишларга ҳамиша бойсан,
Қақраган дунёга мадад — баракат.

Юрак, айт, армонинг борми сенинг ҳам?
Шодлигу ҳасратинг бунчалар тиғиз,
Тақдири азалинг бунча бекарам...
(Соҳилда дераза ялтирар ёлғиз).

Сен — кетган сувларнинг армон шовури,
Ўтаётган тўлқиннинг ташвишидирсан,
Келаётган мавжларнинг умид ҳовури—
Ишқнинг дунёга бош уришидирсан.

Сувўтлар силкинар сени оралаб,
Балиқлар тушади эрмак қармоққа.
Сен соғинч бўласан... (Жонни яралаб,
Соҳилда дераза ялтирар якка.)

Юракка энг мудҳиш қармоқ—ёруғлик!
Ёруғ юзларингни, дераза, юмгин.
Қалбни асир этса тундан форуғлик,
Юлдуз ҳам кўрмасдан ўтади тўлқин.

Ҳар он дарёликда тўлғонадурсан
(Соҳилда дераза ялтирар ғамгин).
Тўрга тушган каби уйғонадирсан,
Юрак, айро тушма юракдин — шаъндин.

(О, яна соҳилда дераза ёниқ,
Ёруғ ҳам ўзини қийнарму шунча?..)
Юрак дарёликдан кечасан — аниқ,
Шу жойда қоласан денгиз бўлгунча.

Фақат ўзлигингдан айрилмай тўлғон,
Уммонга минг шўриш-ғавғо ёр эмиш —
Оламда бор эмиш Оқ денгиз, ишон,
Қора денгизлар ҳам ҳатто бор эмиш.

Бунда қоладурсан дунё тургунча.
(Дераза — фожели қисматдир, ҳайҳот!
Дераза қўймайди қонинг тўккунча —
Сендан Қизил денгиз этгунча бунёд).

* * *

Ботартибдир ҳасратингиз ҳам —
Дард ичинда сўзингиз — қисқа.
Андуҳ ичра нигоҳ — хотиржам —
Турарқансиз фаришта тусда.

Озодадир видо онингиз,
Қафасдадир ғазаб шиддати.
Оғримаган гўё жонингиз —
Сиз — мағрурсиз, поксиз, жаннати.

Эзгуликка суянчсиз — карам,
Сизда йўқдир гина, адоват...
Ҳамма дунё кетар сиз билан,
Менинг билан қолар фалокат.

* * *

Тун бўйи гувлади тақдир шамоли.
Тушимда,
Жонимда,
Қалбимда эсди.
Учди сукунатнинг бахтли камоли,
Жимлик вужудини шовқинлар эзди.
Демагил зўравон шамолни ҳақли.
Тошдай ёпишмаган йўлларига — мен.
Ҳатто
Иккимизнинг
Кичкина бахтни
Ушлаб қололмадим қўлларимда мен.

* * *

Менинг кўзим қуп-қуруқдир,
Йиғламас кўзим.
Кўнглим йиғлар кунлар келди —
Тангрим, бер тўзим.

Менинг лабим қимирламас—
Йўқдир овозим.
«Хайр» дейман — ич-ичимга
Оғриқни босиб.

Юрак сени сезмас, гарчи
Ўша-ўшаман.
Марҳумларнинг қаторига
Сени қўшаман.

Юрагимдан борар жойинг
Йўқликларга тенг...
Йўқликда ҳам энди сенсан.
Йўқликда ҳам сен...

* * *

Дунёда Вақт беэга,
Тентираб кетди кунлар.
Боғда турар—беэгар—
Қора тулпорлар — тунлар.
Алвидо. Мени кутма —
Сени худога солдим...
Ҳатто худо унутган
Кетмас кунларга қолдим.

Ҳаво тиғиз — оралаб
Ўтолмайди шамоллар.
Фақат мени қорала —
Гуноҳсиздир ёмонлар.
Қарғамадинг. Тинч куйдинг —
Сен ҳам худога солдинг.
Армон аталган турғун —
Келмас кунларга қолдим.

* * *

Фақат сенинг учун яшамоқ бекор!..
Ерга қарай десам, пайқадим, ер бор,
Осмон бор — бир эмас, еттита қават —
Аммо ўзларини айлашар ошкор,
Сенинг кўзларингга термулсам фақат.

Айриликқа мени кузатма, бебахт,
Аста-аста кетгум унга пиёда.
Энди аста-аста кўникмоғим шарт.
Осмонсиз дунёга,
Ерсиз дунёга...

* * *

Букилгану эгилган
Зотлар мўл-кўл дунёда
Юраклари тўзинган
Бир аёл бор — зиёдай
Фалакларга чўзилган.

Зорликларни сезмаган,
Одамлар орасида
Ҳали бедил кезмаган,
Муҳаббат қаросидан —
Ёругидан безмаган.

Тоғлардай улкан эдим,
Тоғлигимдан уялдим.
Ғамларга тўлган эдим,
Тоғлардай тўлган эдим —
Тола нурга суяндим.

* * *

Айни шамол каби учдим ҳаётда,
Ўзимни — довдираб — ҳар сори урдим.
Шиддатим шовуллаб кўчди баётга,
Руҳим кўчаларда маст каби юрди.
Дарахтларни қучдим, баргларни ўпдим.
Ёғди қор — учқуни бағримни тирнаб.
Ёруғ деразангнинг ёнидан ўтдим —
Сокин саодатнинг шарпасин тинглаб.
Сен, эй, уйлар қурган менинг кўлимсиз,
Столларга оппоқ дастурхон ёзган!
Сен, эй, шамолларга боққан — кўнгилсиз!—
Деразага рангин пардалар осган —
Чироғинг мунча хуш ёғду сочдилар...
Ўзимни мен отдим дунё четига —
Мўътадил ҳаволар қучоқ очдилар,
Ҳушёр ёмғирларни уриб бетимга.
Ётдим беҳаракат — тупроқдай вазмин.
Қаро ер тагида кўринди ёғду.
Тупроқнинг тагида «йилт» этди аслим—
Илдизим борлигин ҳис этдим, ёҳу!
Илдизимга айтдим: — Қаддингни кўтар,
Бу тупроқ — зич олам — тиғиз тириклик...
Оҳиста ниш урдим. Ўсдим бехатар —
Ҳар битта баргимда кўм-кўк тиниқлик.
Дарахтман... Оҳ, қандай меваларим бор!—
Оллоҳ меҳрин солиб этганман бунёд.
Бу — қишим, бу — кузим, мана бу — баҳор...
Вақтнинг ҳар мавсумин ёд биламан, ёд.
Аммо гоҳ япроғу шохлар оралаб,

Олис деразангдан нур етар — сим-сим —
Эсимга тушади шамоллик чоғлар,
Илдизни суғириб келади кетгим...
Сен, эй, муҳаббатсиз дунёсин қурган,
Шамолга тақдирин кўрмаган раво!
Мен энди чироққа айланмоқчиман,
Уйингда шифт борми—осилгани, оҳ?..

* * *

Дунё чўкар мўътадил ҳолға,
Сентябрга бағрини очиб...
Кўзим тушди таниш аёлга
Ва йиғладим — Хадрада — очиқ.

Цирк олдида — кўкка отилиб —
Нени излар фаввора суви.
Чақирмадим отини тутиб —
Тўхтатмадим аёлни қувиб.

Тўрт тарафдан мошинлар оқди,
Театрлар қўйди томоша.
У аёлнинг ортидан боқдим,
Трамвайлар елкаси оша.

Юрак — улкан оркестр — чалди
Бор чолғуда таслимлик розин...
Мен ўзимни ғилофга солдим —
Жўр бўлмоққа етмай овозим.

Турмуш минг-минг занжирда ботди —
Қўзғотмади — лол қотди таним.
Мен танидим совуқ ҳаётни
Ва ёшимни тўхтатолмадим.

Йўл четида бир кекса дарахт
Суҳбат қурди бошқаси билан:
— О, кифтига қўнди қандай бахт,
Йиғлаяпти кап-катта одам!

Дардим етди дарахтлар қадар,
Тураверсам — умрим охирдир...
Ерга қўйдим авайлаб қадам —
Дардим — оғир, жуда оғирдир.

* * *

Ҳа, дунё ҳам сенга ошиқдир —
Ҳар мақомда этади имо.
Туришларинг аммо босиқдир —
Сен мағрурсан, гўзал фуқаро.

A la Paris иқтибосида —
Нағмаланган жами либосинг.
Сен дунёнинг илтимосига —
Парво этмай қадамлар босдинг.

Туфлиларнинг даъф уришида —
Юришларинг озода, текис.
Бош айланиш, лаб қуришига
Мумкин эмас юракни эгиш.

Сен ҳақинда орзую режа
Ҳаётимга зарра инмади.
Навоийдек йиғладим: «Кеча
Келгум... дебон... гулрў келмади».

Сен ўтасан — тақдир алмашди,
Сен ўтасан — қисматлар қаро.
Боқай десам, кўзим қамашди—
Ёруғликсан, гўзал фуқаро.

* * *

Сесканиб
Бир лаҳза тўхтади шаҳар
Олисда қисинди
Тоғлар елкаси.
Армон бу дунёга
Қайтди —
Муқаррар —
Қалблар эшигидан кирди
Энгашиб.
Танбурдан машшоқсиз яралди нидо,
Дарёлар йиғлашди тошсиз соҳилда.
Юрак,
Нега жимсан?
Булар акс садо —
Ишқнинг тун оралаб ўтган «оҳ» ига.

* * *

Руҳимнинг
Осмони кўк.
Сен ёнимда —
Қайғу йўқ.

Булут келди —
Осмон йўқ.
Сенсизликда
Қайғум кўп.

Келган сенми,
Тор булут?
Ғамдан бўлмас
Қутулиб.

Овутмоғинг
Бекордир.
Энди фақат
Ғам бордир.

* * *

«Йўқ» десанг — йўқликдаман,
«Ҳа» десанг, жоним—борлик.
Сендан бошқа кенгликлар
Руҳимга этгай торлик.
Сенинг ёруғ шуълангга
Фақат жонимни сотсам.
Бор дунёмни йўқотиб.
Ёлғиз сени-да топсам...

* * *

Мошинлар ухлашга бир-бир кетдилар —
Югуриб, ҳайқириб
Темирлар толди.
Тунги чироқларнинг нурларига ғарқ
Қатор толлар билан
Кўчалар қолди.
Боролмайман.
Кечир.
Тундамас гуноҳ.
Жонимни ғашликлар ўртади тамом.
Бу тун темирларни ухлатди оллоҳ,
Бу тун юракларни уйғотди ёмон.

Боролмайман.
Кечир.
Тундамас гуноҳ.
Дилда яралмади ёруғ ибора...
Тонггача тўлғониб йиғладим:
«Эвоҳ!
Наҳот, менинг умрим ордан иборат?»

* * *

Тоғларни ваҳима булутлар босди.
Сойларда
Сел оқди
Ўйнаб тошларни.
Боғлар
Гулли бағрин
Оламга ёзди —
Орзулар чулғади
Телба бошларни.
Юракнинг тўлғонган мамлакатида
Майсалар кўкарди
Руҳимни ўраб...
Сен ҳамон севгининг ҳалокатида
Турибсан —
Кузакдан жонимни сўраб.

* * *

Итлар ҳуришади қоронғуликда—
Нимадан безовта улар бемаҳал?
Тераклар ойдинда туришар тикка,
Бошлари зарҳалдир, сочлари зарҳал.

Соғиндим. Ўртада жон бўлди абгор.
Сен билан тўлгандир ботину зоҳир.
Ҳижрон оғирми, деб сўрама зинҳор,
Ҳатто елкамдаги ойдинлик оғир...

* * *

Дилимда фақат армоним —
Сиз йўқдирсиз.
Ўтмоққа давру давроним
Сиз йўқдирсиз.

Сиз келар ёққа — қўрқаман —
Боқолмайман,
Йитди қуёшим, осмоним —
Сиз йўқдирсиз.

Мени турмушга бандликдан
Излагин, ёр,
Тугади руҳи жаҳоним —
Сиз йўқдирсиз.

Ҳатто ғусса аро бизга
Висол бордир,
Унмагай ғами равоним —
Сиз йўқдирсиз.

Борлик ичра муродиға
Дил етмади,
Видога тўлди давроним —
Сиз йўқдирсиз.

Тирикликни ўзга қандай
Ваъда айлай —
Сиз йўқдирсиз, сиз йўқдирсиз,
Сиз йўқдирсиз...

Бу дунёда висол йўқ дея
Кўнгандим,
Кетар, воҳким, воҳ, ҳижроним —
Сиз йўқдирсиз...

* * *

Сенинг туфлиларинг —
Иккита ҳадик.
Бир чўчиб учсалар
Келмаслар қайтиб.

Сенинг соябонинг —
Кичкина осмон —
Бурчакда — йиқилиб —
Олади ором.

О!.. Сенсиз палтонгнинг
Қисмати ёзиқ—
Қозиққа қўяди
Ўзини осиб.

Келишинг — саботдир,
Кетишинг сабот...
Туфлини авайлаб,
Учасан озод.

* * *

«Оҳ» имда додим битмас,
Фарёдим сенга етмас.
Сенингдек келмас ҳеч ким,
Сенингдек ҳеч ким кетмас.

* * *

Хайр ҳам айтолмас —
Оқариб ранги,
Оёқ яланг, бесас —
Аламдан гангиб,

Палтосин унутиб,
Қишга чиқди ишқ —
Рашкка бир урилиб —
Қалқиркан беҳишт.

Севгига хор — банди —
Душман хотира
Ёвликни бошлади
Туйқус довдираб —

Қувончлару мунглар,
Баҳслару гаплар...
Барчасин бир имлаб,
Рашк қайта сафлар.

Оҳ! Шайтон йуллари
Яна ёришган...
Шалвираб қўллари,
Куяр фаришта.

Дунёни забт этар —
Ташқарида қор.
Ўтган кунлар — душман,
Бугун эса — дор.

Мени осмоқликдан
Балки йўқ маъни —
Бу кечани бироқ
Ўлдирар — аниқ.

Тонгда боқ, тарновга
Осиқ сумалак
Ўхшамасми ўтган
Кечага, юрак?

Қарагин синчиклаб,
Қара, чўзилиб —
Бир ўзими, фақат
Битта ўзими?..

АВТОМОБИЛ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Фақат соғинч ойдин кечада,
Фақат армон —
Ушалмас дийдор...
Ажиб авто чиқди кўчага —
Муюлишда турди беқарор.

Чироқлари ёнмас безиё,
Темирлари занглаган — эски.
Аллақандай маъноли аммо,
Алланечук туриши эсли.

Ойнасидан кўринмас нега
Мудроқ босган кечки йўловчи?
Чамбараги ҳатто беэга —
Ҳайдовчи йўқ,
Йўқдир қаровчи.

Худди тушдан тушгандай — енгил.
Юрган каби ўзи ҳам тушда.
Ўтган каби фожега тегиб,
Ғилдираги тўрттамас, учта.

Гувилламас мотор бесамар...
Аммо оллоҳ бердими равиш,
Авто кетди оралаб шаҳар —
Тегиб-тегмай ерга — бетовуш.

Йўлчироқлар — фақат яшилда —
Йўлни очиб — ёндилар мустар...

Авто борар сокин яшиндай,
Ботин оташ унга муяссар.

Чстлаб ўтар кўчалар тошин,
Қоқилмайди дайди тўнкага.
Қарши чиқса санқиган мошин,
Ўзин олар дарҳол четкага.

Бир соғинчли ойдиндир дунё.
Чувалмишдир ўкинчлар рози.
Кўчалардан боради авто —
Таралмасдан ситамли «оҳ»и.

Кўчалардан ўтаркан сокин,
Кезиниши тобора сароб —
Пичирлайди дуолар бетин,
Бекатларни айлайди тавоб.

Бурилади қабристонга,
Чақиради — келдим! — бесабр...
Тош ҳайкаллар йўқроқ томондан
Тебрангандай бўлар бир қабр.

— Келдим! Боқма менинг ёшимга,
Бу тун такрор айтаман, такрор —
Ўшанда сен янги мошинга
Мени ташлаб ўлтирдинг бекор.

Сендан билди тезликни авло,
Ҳаётингни айлади абгор.
Мен ҳам сўнг бор келдим — алвидо! —
Охиратни этдим ихтиёр...

— Мени кечир... Қулласа оллоҳ,
Арвоҳларнинг учрашар роҳи...

— Темирларга руҳлар ёрмас, воҳ,
Темирларнинг йўқдир арвоҳи.

— Кучим етмас — чиқиб қабрдан,
Қуёлмайман сенга бошимни!
Фақат... Айтгин, қайси шопирда —
Ким бошқарар янги мошинни?

— Қуй, қабрдан чиқма... Алвидо!
Ҳаётимнинг мангу эртаги...
Қабристондан қайтади авто,
Қисирланиб қирқ минг терсаги.

Йўлчироқлар ёнмас яшилда,
Нур тарамас ёруғ кўзлари.
Авто — руҳнинг осий лошидай —
Чиқиб борар шаҳардан нари.

Вужудидан кетар ҳаракат
Ва юзма-юз келади йўққа...
Учиб ўтса арвоҳлар фақат,
Умид билан тикилар кўкка.

Жону жисмин кесиб ўтаркан,
Автогеннинг оловли учи —
Узмаса ҳам нигоҳин кўкдан,
Ўлмоқликка етади кучи.

* * *

Сенинг ўжар лабларинг алвон.
О, шафақми эрка таоминг!
Ё шафақни ёзги тонг мисол
Ўпмоқликни этдинг таомил?

Икки қошинг — иккита қанот.
Икки кўзинг — икки умидқуш.
Қай умрни айладинг барбод,
Лабинг нега қондир, йирткич қуш?

Сендан фақат бир сўз кутарман,
Ҳижрондаман — унутиб ўзни.
Қандай макр қиличи билан
Шартта кесдинг лабдаги сўзни?

Дунё каби кўнглим ёришсин,
Қон ичида кулгу ярат... Кул!
Лабларимда маним очилсин
Шафақ рангли ғунча — қизил гул.

* * *

Севги — гуллаган боғ.
Қайғу — йўқ.
Фақат осмон...
Келиннинг кўйлаги — оппоқ.
Куёвнинг кўйлаги — оқ.

Турмуш ҳовлида айланиб юрар.
— Чой қўй.

Эшикни очиб кирар.
— Ишга кечикманг.

Турмуш (ташвишланиб) кўчади сўзга.
— Бозорга бир кириб ўтсангиз.
Мана...
«Рўйхат:
— Олма (бир кило)...
— Ҳолва (бир кило).
— Беш кило картишка.
— Беш ўрам қоғоз (ҳар хил ишга)...»

Пичир-пичир...
Уй қуриш маслаҳати.
«Рўйхат:
— Ўн куб ёғоч.
— Ўн мошин тош.
— Бўёқ — қирқ идиш.
— Ғишт...
Фалон сўм, фалон тийин»...

Кўз тегмасин!

Турмуш юракни забт этар.

Пичир-пичир...
Тўй маслаҳати.
«Рўйхат:
— Гурунч (икки қоп).
— Гўшт (юз кило — фақат қўйники ҳисоб).
— Ўн қути ароқ.
— Бир синтир ёғ.
— Йигирма тўн»...
Қарз — фалон сўм!

Турмуш яйрабгина сочларда оқарар.

— Рўйхат...
— Рўйхатинг кимга керак?
Воҳ, юрагим!.. Юрак...
Борини чиқар!
Оҳ, қариндошим!
Айланди бошим...
Ҳар тараф ташвиш —
Қуриди ёшим.

Турмушга уй тўлди.
Ҳовли тўлди.
Дунё...
Жонимдан тўйдим!

Юраклар яра...
Қара...
Кўйлакларимиз қоп-қора.
Уйдан қораликни қув!
Юв, онаси, кўйлакларни юв.

Бир онда
Айвонда
Кўйлаклар осилар —
Оппоқ!
Оппоқ...
Гўё оқ байроқ!

Гўёки турмушга ишора —
Бас қилгин,
Бас қил!..
Юз бора,
Минг бора
Таслиммиз,
Таслим...

* * *

Бахтли кунлар ўтади...
Булутдай чўкади ғам.
Алам келар — тўпланиб —
Ўксиб-ўксиб йиғлайсан.

Сўзлар келади тилга
Худди ёш каби титроқ.
Қараб бўлмайди дилга —
Бесоҳил, бесар қийноқ.

Кўчада қор эзилган —
Ҳамма этик босган — кир.
Дунё шундай тузилган —
Поклик зўрликка асир.

Рўмолинг қайда? Ёҳу!
Сочингга қўнди қиров.
Йиқилдинг қоронғуда —
Сени тутмади биров.

Устингни ўксиб қоқдинг —
Хўрланган, ғамгин эдинг...
Менга олисдан боқдинг... —
Оҳиста «раҳмат» дединг.

Оҳ, эски одатни буз!..
Оҳ, қайдасан, қайдасан? —
Нега қийнайсан? Ҳануз
Менга раҳмат айтасан...

Иккинчи дафтар

Боғлардан келган шеърлар

ҚИШГИ БОҒДАН КЕЛГАН ШЕЪРЛАР

* * *

Шомда бошланган қор боғларни кўмди.
Фонуслар ғирдида учқунлар — шитоб.
Ҳамма соғинчларим
Шу кеча сўнди,
Қор кечиб
Бир ўзи кетди изтироб.
Шеър ҳам ёзолмадим —
Қийналмади жон,
Юракнинг қошида ғафлатда толдим.
Йўлакдан сирғаниб жўнади армон...
Қишнинг кечасида
Бир ўзим қолдим.

* * *

Тоғларга қор тушди.
Тунлар совуди.
Совуқ бир ёлғизлик кирди уйимга.
Муздай қучоғида
Жонни қовурди,
Қўллари чирмашди

Эгик бўйнимга.
Чақирсам — бўшлиқда сасим бекордир,
Ўтган йилларимга сингиб кетар жим.
Мени ёлғизликка қуллуғим бордир,
У ҳам келмаганда...
Келар эди ким?

* * *

Қай балога
Мени этдинг банд?..
Боғлар аро кезаман маҳзун.
Юрагимдан оқар тинмай дард —
Навоийнинг сатридай
Узун.
Фалак узра
Ғамдан қорайиб
Йиғлагудай турибди булут.
Жонга етар дунё торайиб —
Тақдир сори
Чиқаман кулиб.
Йўқлигингга кўникаман жим —
Қорнинг оппоқ шивирин тинглаб.
Юрагимга қор ёғар бетин,
Навоийнинг сатридай
Йиғлаб...

* * *

Дарахтлар ортидан қорлар тўкилди,
Туманнинг ортидан юз очди қуёш.
Қисматим қайтадан яна ўқилди —
Шеър ёздим
сен ҳақда
йиғлаб — беовоз.

Шу кўйи ўлтирдим девона, гирён —
О, қани йўқликнинг қаърига чўксам...
Муҳаббатнинг йўли қалбдами ҳамон? —
Фақат қалбдаман-ку...
Нега сен йўқсан?

* * *

Кўзимга тушди қуёш.
Тонг ювилган — озода.
Қўзғолма. Ухла бир оз,
Юрак — эрка шаҳзода.
Боққа қўнмиш — бир текис —
Қор — биллуртан фаришта.
Ташқарига чиқай, қиш,
Шеърларимни олишга...
Бошимга, тангрим, тўкдинг
Нуру қорни бу чоқда.
Шундай бахтлиман... Қўрқдим
Юракни уйғотмоққа.

* * *

Илиқ тун.
Эриди ҳам қор,
Ҳам юрак.
Орзу-умидларга ҳаёт чўлғонди.
Қишнинг томларидан кўчган сумалак
Баҳорнинг бағрида —
Ерда уйғонди.
Қишдан қайтмоқчиман, ўзимча, мен ҳам —
Тақдирнинг уйини
Гуё қўлимда:
Пойингда майсадай кўкарсаммикан,
Дарахтда гулласам ёхуд йўлингга.
Қалбу қор

Баробар
Эриган бу дам
Қиш ташлаб кетмоқда
Кўнгил боғини...
Яхшиси,
Кетсамми
Мен ҳам қиш билан,
Қўшиқлар ёзсамми,
Сени соғиниб...

* * *

Қор ёғди.
Дераза музлади.
Совуқ.
Печкага ўт ёқдим.
Исиди хона.
Сен тоғлар тарафга кетгандинг.
Қайтгин.
Тоғ бўлган эрсанг ҳам,
Исингин кириб...
Қор ёғди.
Йўллар ҳам музлади.
Ёраб!
Йиқилма...

* * *

Жоним,
Қор ёғди.
Эшитяпсанми,
Қор.
Юзларингни музлатиб
Кўчадан келмайсанми —
Кафтларим орасига
Босмайсанми юзингни?

Хазон фасли,
Ахир,
Кетгандир?
Ёхуд ҳануз
Хазон этиб
Тўрт фаслни ҳам,
Мени соғиниб юрибсанми
дунёда?

ДЕКАБР БАЛЛАДАСИ

Шафқат йўқдир ғусса рўзида,
Бўлди. Кетдим. Қолмади сабр...
Ташқарида асфалт устида
Беҳуш ётар совуқ декабр.

Намхушгина тумандан яна
Кичираймиш дунё қафаси.
Музладингми, шарфни ол, мана,
Шамоллама, мана, нафасим.

Ўрнингдан тур, бағримга босай,
Мен ҳар ҳолда кабирман, кабир.
Устингга қор оқ чойшаб ёзар...
Шубҳа тушди дилга, декабр.

Ўн беш кунлик умринг шаҳдида
Хаққинг йўқдир сени йолишга.
... Ғизиллаган мошин тагидан
Улгураман тортиб олишга.

Сўнг устидан қорни қоқаман,
Силкитаман: — Керакмасми жон?
Ёлғизмассан — сенга акаман.
Танидингми? Мен — Усмон! Усмон...

Насиҳатлар айтаман унга,
Келтираман мисоллар — оқил...
Бу туманлиғ, заҳарли кунда
Туманлардан фориғ бўлди дил.

Аниқ билдим, ўзгарди тақдир,
Ўз азмидан тўхтади қарор.
Қайга ташлаб кетаман, ахир,
Бу дунёда менинг укам бор...

ҚАНОТЛИ КЕЧА

Англамадим: қорлар ёғдими,
Ё Ер учди самовот сари,
Учқун-учқун дунё бағрини
Тирнаб ўтди дарахт барглари.

Хиёбонлар, дарахтлар учди,
Иморатлар учди, кўчалар...
Тилинганча деразалари
Ўзин отди кўкка кечалар.

Дарёлар ҳам учди—осилиб
Ирмоқлари ёнбошларига...
Бир силкиниб мен ҳам қўзғолдим—
Қорлар қўнди кўз ёшларимга.

Ва ҳайқирдим ортимга қараб
(Айриликда ўртанди дилим):
—Учгин!.. Бир уч!.. Учсанг-чи яйраб,
Қанотсизсан нега, севгилим?

Қор бўралар... Сен—олис шарпа.
Атрофингда гувиллар шамол.
Ер ҳам учди мен билан бирга
Музлаб турма!.. Сен ҳам уча қол!

Сен ёлғизсан. Ёлғизлик—ёвуз...
Мен заминга ёлвориб айтдим:
—Қолиб кетди ёлғизим ёлғиз—
Мени ташла! Ёнига қайтгил!..

...Деразадан тонгда боқасан,
Қувончингдан кўзинг ярақлар:
Ер—жойида. Боғларда пурғам
Қор кечиниб турар дарахтлар.

Сен қийналма!
Яшагин эркин,
Чорбоғларда қорлар от беғам.
Сенга қишни, заминни бердим—
Гард тегмаган қорлари билан.

Мангу видо!
Севганим маним,
Соғинганман... Юрак тўймайди...
Ерга туш деб қийнайди жоним,
Қанотларим аммо қўймайди.

Фалагимда мен ҳам бахтиёр —
Юлдузу қор айланди бошда...
Бу юксакда ҳамма толе бор,
Сендан бошқа... Бир сендан бошқа.

* * *

Қордай ёғиб келди ишқ,
Изғириндай сўзладим.
Қордай ёғиб келди ишқ,
Аёзида музладим.

Қордай ёғиб келди ишқ,
Кўчаларда қолдим мен.
Қордай ёғиб келди ишқ,
Музлаб-музлаб ёндим мен.

Қочма мендан, тақдирим,
Таънам йўқ — аламим бор;
Айт, қорни эритди ким,
Нега эриб кетди қор?

* * *

Фалакка юз бурдим —
Тўзғин вужудсан,
Заминга қарадим —
Юмшоқ тансан,
Қор.
Жонимнинг қатида ғамгин булутсан,
Қалбимда...
Қалбимга қарадим бекор.
О, бекор қарадим...
Йиғладим дилхун —
Қалбга оралама,
Қор, қандай кўрсан?..
Юракни сезмасдан яшамоқ мумкин,
О, яшаб бўлмайди —
Ҳолатин кўрсанг...

* * *

Ўталарда — йўлнинг четида —
Оппоқ қордан оппоқ кошинлар.
Қор уради кўча бетига,
Йўл пайпаслаб борар мошинлар.
Ихтиёрим йўқдир ўзимда —
Қордай учди умр—қанотли.
Вақт кўринди бу чоқ кўзимга
Қучоқладим азиз Ҳаётни.
Қор тилида ўткинчи дунё
Ўқир мангу оятларини.
Илғагандай бўламан ногоҳ
Жоннинг буюк сайёдларини...
Қор ёғади эркину озод,
Қор ёғади қалб учун—махсус.
Қор ёғади — жимгина фарёд,
Қор ёғади—энг беҳуш маҳбус.
Бу дунёга мен ҳам сиғаман,
Мен ҳам қорнинг битта учқуни.
Итармагин, дунё, кўксимдан,
Юрагимда ёғмоқ мавсуми.
... Мана, қўндим йўлнинг четига.
Тўхтаганга яқиндир завол —
Қарамагин энди бетимга,
Босиб ўтгин, Ҳаёт... Бемалол.

* * *

Қор учқунин кафтида
Тутади дарахт.
Мен кечикдим, афтидан... —
Куз ҳам йўқ, ёраб!

Қор — тўзонли. Кўринар
Руҳинг тумандан.
Юксагингда мен ҳам бор —
Кечдим тубандан.

Сен кутгансан... Бироқ қор
Ютди изингни.
Айт, юракка берасан
Қачон измингни?

Қаердасан? Чорлагин.
Магрурлик — бекор.
Фақат сенинг елкангга
Ёғар огир қор.

* * *

Боғ бошига дунё тўкди
Ойдин-ойдин савдолар.
Қор ёғди, қор... Боғда тинди
Куз қўзғаган ғавғолар.
Мен қўлимга қорни олдим —
Кафтга тутгандай дилни.
Даҳшатли бир ғам бор эди,
Жонда оғриғи тинди.
Самовотдан мени йўқлаб,
Тинч сочилган пок мактуб —
Дарахтларга фақат — маҳбуб,
Фақат юракка — матлуб:
Бир учқуни тасаллидир,
Бир учқуни меҳрдир.
Бир учқуни шеърга тегиш —
Мўъжазгина сеҳрдир.
Юрак, юргин, уйга кирдик —
Сеҳрда қолдир боғни.
Йўлакка боқ... Йўлакка боқ...
Изларим шунча оқми?

* * *

Омонлик йўқ дунёда! —
Шамол томда изиллар,
Қор учқуни ҳавода
Ханжар изи — чизилган.
Қоронгулик чалкашган —
Ҳилпирайди — бетартиб.
Ер-осмон ёқалашган,
Бўронга оёқ артиб.
Том устидан ким ўтди,
Деразани қоққан ким?
Сас чиқармай Жин ўтди,
Ажина ўтди, Тангрим!
Шамол тарар тароқда
Ажинанинг сочини —
Қишнинг бағрига — богда —
Ойдай ҳусн сочилди.
Қичқиради аллаким,
Юракларни оздириб.
Наҳот, беомон ҳусн
Тушга кирди бостириб?
Жин эса ялангликда —
Бўрон билан баҳсма-баҳс —
Қаддини букмай — тикка —
Чир айланиб тушар рақс.
Битта қўлида ханжар,
Бир қўлида гулдаста —
Рақсга тушади бесар —
Йиғлайди аста-аста.
Икки кўзи аламдан,
Ёхуд соғинчдан — гулхан...

Эвоҳ, қайси оламда
Сочини тараб кулган?
Ажина — гўзал жоду —
Тўзғиган — теваракда:
Қорда бўлурму ботин,
Ўрмаларму теракка.
Қорли рақсга Жин тушар
(Йиғлайди аста-аста),
Ўқталар (кимга?) ханжар,
Гул узатар (қай касга?).
Рақс чиқмасин авжига,
Шунчалар ҳазил етар...
Сочларини Ажина
Боғдан йиғару кетар.
Рақс тушишдан тўхтайди,
Боғда Жин якка — ҳайрон.
Ажинани йўқлайди,
Инграб юринар ҳар ён...
Сўнг дераза ёнида
Тўхтатади сайрини:
— Шу ёруғ мўъжизага
Гуллар берсам, майлими?..
Кўзим тушади тонгда —
Қандай гўзал манзара!
Бошимда гуллаб турар
Биллур рангда дераза.

* * *

Ташқарида бўралади қор.
Иссиқ уйда, оила, чой ич!
Гувиллама, юрак. Беозор
Ўтга айлан — ёнавергин тинч.

Ўтини йўқ саратонларда
Ҳар бир чўпни топдим — тиланиб.
Печка ичра қамалган гулхан —
Менинг ёзги пинҳон тилагим.

Юракяланг — ўтинлар тердим,
Ғам тикандай кирди товонга.
Шаън оила, чой ичавергин,
Ўрлайвергин, тутун, осмонга.

Сингиб борар фалакка тутун,
Йўқлик ютар паришон розин...
Олиб кетар умримни тутиб,
Аллақандай тутун парвози.

Ҳамма нарса тўғри... Эрталаб
Печка совуб қолмасин бироқ...
Ўтин каби ўзни орқалаб,
Болам, нега кўзғолдинг бу чоқ?

* * *

Қишга ҳам айтгули гапим бор экан...
Бекор тавозелар қишга керакмас —
У мени тинглади қорлари билан,
Совуқлари билан баҳс айлади, баҳс.

Аёзли кечада боғларни кездик,
Юлдузлар чирсиллаб учди фалакда...
— Азиз қиш, ёзда ҳам дилни муз эзди,
Ҳарорат қолмади зарра юракда...

Кифтимга қорлари оққушдай қўнди,
Елкамда сирғанди совуқ қўллари:
— Дунё тўрт фаслдир — бу ҳолга кўнгин,
Ўтар тўрт фаслдан умр йўллари...

Бу содда насиҳат этмади ҳайрон,
Аммо бу жўнликда кўпдир саволлар:
— Саратон чоғида туйдим қаҳратон,
Юрагимга тушди нечун заволлар?

Баттарроқ сочилди қишнинг қорлари,
Шамол ўйинларин бошлади — тўзғин.
— Энди кимга керак, оғам, зорларинг,
Умрингни шошириб яшаган ўзинг...

* * *

Аёз қучоғида яраклайди ой,
Ниш отган — тупроқда музлайди буғдой.
«— Ухла, ухла, ухла...—алла айтар қиш,—
Ўсмоқ, бошоқ тортмоқ, уну нон бўлиш... —
Ҳали ташвишларинг кўпдир, ҳойнаҳой —
Баҳору ёзинг ҳам, кузинг ҳам юмуш...
Ором ол! Ишонгин, совуқ меҳрим бой».

Қишда ҳам ям-яшил — шошқин сиёқли
Майса қаҳратонга тутмиш қиёғин.
«— Ухла, ухла, ухла... — алла айтар қиш, —
Уйғонмоқ, кўкармоқ, сўнг хазон бўлиш... —
Ҳали бошингдадур ҳаёт қийноғи.
Интиҳонг бор-йўғи хасликка кўниш...
Ухла! Муз оромда чиқсин чарчоғинг».

Боғда қорлар кечиб тўхтамиш дарахт.
Ўзини билмайди — кун кўрар карахт.
«— Ухла, ухла, ухла... — алла айтар қиш,—
Барг ёзмоқ, гулламоқ, мевалар тугиш... —
Олдинда қанчалар юмушларинг тахт.
О, умринг заҳматдир, о, умринг — ташвиш...
Ором ол! Ишонгин, совуқ меҳрим бахт».

Сизни балолардан асровчи қаср —
Совуқ ҳам меҳрдир — энг юксак таъсир...
«— Ухланг, ухланг, ухланг...» — алла айтар қиш.
Буғдой ҳам, майса ҳам, дарахт ҳам беҳуш —
Улар туш кўради — ёз ҳақида туш.
Бир лаҳза бўшатса эркларин қадр —
Илтижо этишар — «Тангрим, ёмон иш,
Ҳатто меҳрга ҳам тушмоқлик асир!..»

БИР ШЕЪР ТАРИХИ

Фақат атрофингда очиқ жой. Ботиқ
Торликда — ҳибсда — қотган шабода.
Туман қуюқ, оғир — мум каби қаттиқ —
Болта ур — қадалиб қолгай ҳавога...
Аммо дил негадир мойил навога —
Туман ичра изғир қўшиққа ботиб.

Туманни ҳўкиздай сузиб ўтади —
Ариқни ёқалаб — бақалоқ тутлар.
Қушнинг шарпасини туман ютади —
Шовуллаб тўкилар ерга сукутлар.
Кўзга кўринади мавҳум сурудлар —
Менинг юрагимни сўзлар тутади.

Бўшанг ариқда ҳам умуртқа пайдо —
Тикка қўй — осмонга бўлади устун.
Туман афсун этди — пастлашди само —
Бошимга ўралди — вужуди тўзғин.
Аммо қай дунёда яралди сўзим,
Қайси кенгликлардан келмоқда нидо?

Мавҳумликдан оҳанг бўлмоқда озод,
Яққол кўраяпман бўю бастини.
Сўзни кўраяпман — ёруғ шаштини —
Дилимга келтирар бир эрка нажот,
Қувиб сўзсизликнинг даҳшат қасдини,
Миямда қуёшдай чарақлар ҳаёт...

Кўнгил учратади ўзининг сўзин,
Қофия узатар сатрга сатр.
Оҳанглар тарашлар маънони — чўзиб,
Ҳар битта товушда топади қадр.
О, бу чоқ яратиш бўлмоқда содир!.. —
Туманга айланиб боряпман ўзим.

Туманга айланиб боряпман. Яқин
Руҳга ҳар ҳужайрам қайтарар садо.
Миямга нур ташлар — кўнгилдан — чақин.
Бу ҳол — вужудимга қайтгунча вазним,
Сўзлар қайта мавҳум бўлгунича то,
То ташлаб кетгунча менинг энг аслим...

СОҒИНЧ

Қор. Ой. Гуллар.
Хазонрез. Шамол.
Туғилмоқлик.
Ўсмоқлик. Завол.

Оқшом. Кеча.
Саҳар. Кундуз. Шом.
Оғрир. Оғрир.
Оғрир. Фақат. Жон.

Ўкрик. Нола.
Хўрсинмоқ. Сукут.
Азоб. Азоб.
Азоб. Беҳудуд.

Сенингсизлик.
Дунёлар. Адо.
Соғинч. Соғинч.
Юрак. Руҳ. Худо.

БАҲОРГИ БОҒЛАРДАН КЕЛГАН ШЕЪРЛАР

* * *

Қуёш чараклайди — яратқу тарзли —
Кенг зангор афсунни тутганча кифтга,
Ғайрати беқиёс — курраи арзни
Боғлаб кўтаргуси бир заррин ипга.
Ёмғирсўнг ўтларнинг бадани тоза,
Шамолга — тараниб — ўранди дарахт.
— Мен сени севаман! — солдим овоза,
Ўтлоққа йиқилдим — шаштимдан карахт.
Мен бу учта сўзни ким учун айтдим?
Ўзим ҳам билмадим — ҳайқирдим тошқин.
Ҳар жонли гиёҳдан жарангим қайтди —
Йироқ хаёлларда бир балқди аксим.
Чексизлик бурилиб менга қаради,
Олисга сурилди йўқлик сарҳади.
Менинг иқроримдан борлиқ яйради —
Чўзилиб кетгандай яшаш муддати...
— Мен сени севаман! — солдим овоза,
Тебранди фалакда тақдир бешиги,
Бу ҳолим дунёга буюк дарвоза —
Эзгулик киргучи нажот эшиги.
Ўтлокда ётибман баҳорларга тенг,
Сенинг соғинчингга бор дунём тўлди.
«Мен сени севаман» — шивирладинг сен —
Менга ўз товушим қайтгандай бўлди.

* * *

Офтобдан елканг исиди,
Олам аро баҳор хандаси —
Бегонадай турма қисиниб,
Банд-бандингдан тамом узилиб —
Эй, оллоҳнинг содиқ бандаси!

Бу дунёнинг жаъми ғурури
Қалбу ақлинг, қўлинг коридир.
Сен ташвишга тушма суриниб —
Ким яшаса ҳар он уриниб,
Худованднинг қутлуғ ёридир.

Оғир... Оғир фалакнинг юки! —
Киргазади оқибат ерга.
Фалакни даст кўтарган телба,
Бу заҳматинг — қалбингнинг юки —
Олий мадад — қолажак элга.

Улуғ Ҳаёт иморатига
Қоришгандир — тупроқдай — тафтинг,
Шиддатингу меҳнатинг, фаҳминг —
Эзгуликнинг ибодатига
Имом тургай раҳму шафқатинг.

Сен дунёнинг асл ғояси,
Банда, фалак каломидирсан.
Оҳ, эҳтимол султонидирсан —
Қўрқмагин, бу оллоҳ сояси,
Сен оллоҳнинг давомидирсан.

* * *

Юрагимнинг ёшларида
Кўкарган боғим —
Япроғиму илдизиму
Баргим, тупроғим:

Баҳорлигим, кузаклигим,
Ёзиму қишим,
Фалакларнинг кўриб келган
Руҳимнинг иши:

Кўрким маним — чорбоғларнинг
Ичида сарам,
Сен ҳам фақат ўткинчими?
Фақат ижара?..

* * *

O!.. Қандай йўнғичқа!
Қандай йўнғичқа!..
Баҳор — жуда улкан.
Ёмғир — ингичка!

Боғларда эгилиб
Келди камалак.
Йўнғичқа сочида
Минг бир жамалак.

Ёмғирнинг тугашин
Кутади ари —
Болларини сўрса
Гулларни ёриб.

Йўнғичқа! Ўсавер
То мен ўлгунча —
Сенда барпо бўлай
Умрим сўнгунча!

Йўнғичқа! Энг яшил
Хаёлим маним,
Ердан ўсиб чиққан
Шамолим маним.

Тинглагин, бедана
Сайрайди, сайрар!
Тинглагин, ўроқчи
Ўроғин қайрар...

О, қандай йўнғиқча!
Қандай йўнғичқа!..
Баргингдан бир ўпай
Дунё ўтгунча...

* * *

Менинг юрагимдан бошланди баҳор,
Қор кетди—жонимни ёмғирлар қучди.
Баҳор хабарини этгани ошкор
Қалбимдан қалбларга турналар учди.

Бугун кўкка боқиб қолдим саросар,
Хазонда ғамим кўп — айтгим келмади.
Менинг юрагимдан учган турналар —
Менинг юрагимга қайтиб келмади.

* * *

Эзилиб-эзилиб ёмғирлар ёғди,
Эзилиб-эзилиб адо бўлди жон.
Кечани гоҳида чақмоқлар ёқди,
Гоҳида «оҳ» урдинг — ўртанди жаҳон.

Умринг қоронғу кўчаларида
Муҳаббату нафрат ҳорғин кезинди.
Баҳорнинг ёмғирли кечаларида
Эзилди... эзилди... юрак эзилди.

Тақдирнинг беомон шиддат ёмғири
Айтар видомизни айтди тонггача.
Энди бу ёмгирнинг йўқдир охири —
Эзилиб йиғлайди сўнгги онгача.

Сўз кимга керакдир? Лаб очмагин. Жим.
Тақдир сўзга лойиқ қолдирмади сир —
Мен ҳам ёмғир каби бир ёғиб ўтдим,
Сен ҳам ёмгир каби йиғлаб ўтдинг бир...

* * *

Қанчалар машаққат — қайта кўкармоқ.
Тун бўйи боғларда уринди ёмғир.
Илиқ бир сезгида сархуш тортди боғ —
Уйғонмоқ оғирдир, уйғонмоқ оғир...

Мен ҳам бир боғ эдим ҳаёт бағрида,
Тун бўйи бошимда уринди ёмғир.
Тун бўйи ўртади мени ваҳима —
Уйғониш оғирдир, уйғониш оғир.

ТУРНАЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Булутлар осмонда тоғлар каби — зич,
Заминда туманнинг йўқдир адоғи.
Қайдадир турналар бўзлади нотинч...
Худойим! Фалокат рўй берди чоғи.

Турналар йиғлашди:
— Кўтар тўшингни,
Сингилжон, қанот қоқ! Учгин биз билан!
Келгин, арғамчи бўл, сафга қўшилгин,
Кел, фалак тоқида ясайлик гилам.

Қанот қоқолмайди ерда қуш — ғариб,
Юксакка боқару бўзлайди нолон:
— Қанотим учолмас мени кўтариб,
Хайр, опажоним! Хайр, оғажон!

Турналар галаси булутни кечар,
Турналар галаси қирқар туманни:
— Худованд — табиат шимолга қувар,
Сингилжон, заминдан кўтарғин танни!..

— Қаноти синганнинг тақдири мушкул,—
Туманда қичқирди ярадор турна, —
Майли, учмоқликда бўлингиз машғул,
Бошимда айланиб саросар турманг...

Осмонни тўлдирди жон ўртар нола,
Арғамчи узилди, гиламчи толди...
— Илоё, шимолга бўлманг бегона!..
— Сингилжон! Кузгача соғ-омон қолгин...

* * *

О, боғлар гуллади,
Илиди шамол.
Ёмғирга елка тут — ўсасан, юрак...
Сен қандай яхшисан —
Мана, бемалол
Айланиб-айланиб
Турибсан, фалак.

КИЗҒАЛДОКЗОР

Тунда пари ўтлоққа чопди,
Тиканларда товони қонаб...
Паризодим, қай чақмоқ чопди —
Даштда қонинг донаю дона.

О, қонингда ари — болрежа!
О, капалак! — ўғри — гулпараст!
Паризодим, ўзингни тежа —
Вужудингни сарфламагин маст.

Паризодим, ачин ўзингга,
Дунё учун қон тўкмоқ бекор.
Умринг бунча гўзал тўзинган...
Наҳот, сени ўлдирар баҳор?

МАРТ

Ҳаёт илдизларга қайтган, чекинган,
Боғлар ҳувиллаган, дарахтлар озғин...
Бу қатъий дунёда эмин экилган
Булут самовотда бошлади босқин.

Фалакни тошқинга кўмди бир онда,
Тоғларга аямай босди тўшини —
Гўё Самарқандга — Ироқдан, Шомдан —
Соғинчда етгандай Темур қўшини.

Мушаклар учирмай — ҳали пайти бор —
Жангга киргизмасдан замбаракларни —
Буюрди: — Вақт етди, тезроқ эри, қор,
Йиғиштир ҳамма оқ капалакларни.

Музокара бўлди — бир сўзли — шундоғ —
Ишонмасанг, ана, дунёга қара —
Бу аҳдни куртакка етказган чорбоғ
Шамолга юз тутди шохларин тараб.

Нима, довонларни босдими туман,
Мени танимасми, йўлларми басир?
Озодлик керакмас, даврон, кетаман —
Баҳорга, баҳорга тушаман асир...

* * *

Ёруғлик тунга тенг келди —
Етишди навбаҳор фасли.
Жаъми жим-житларим унли,
Жаъми оғриқларим сасли.

Гар хазон кўнглига етдим —
Мени хазондин ўйлама,
Куртаклар бағрида дардим,
Руҳим чақмоқдадир асли.

Бошимдан ёғса оқ ёмғир,
Қуёш сочса зиёларким —
Дарахтдек новда отурман —
Самовотга чўзиб дастни.

Қандоғким чаппор гулладим —
Гуллашдан армон қолмади! —
Гулим бори умидлиғдир,
Навдамнинг барчаси — шаштли.

Тириклик! Хуррам ўсгинким,
Бул ҳаёт илдизим ўлди,
Баҳорнинг авжида бул кун
Ўлимнинг борлиги баҳсли.

Руҳимдай ўссам, термулсам,
Турмуш рўйиға юксакдин,
Фиғон этсам: — Нечун, тангрим,
Вужуднинг қисмати пастли...

* * *

Шовуллаган баҳорги дунё
Дил боғига ташлайди салқин —
Менинг қирқ минг томиримга жо
Оғриқларим тортади салқи.

О, ўтдими ёвнинг қаҳри — қиш,
Куз — дўстларнинг доғи ўтдими?
Фақат баҳор — тангрига хос иш —
Кўкартирди мени — ўтинни.

Хатардаги жонимни сўраб,
Сўзлар етди — тақдирларга тенг.
Ҳамма мени унутди... Ёраб!
Унутмадинг фақат сен, сен, сен...

* * *

Ўтиб борар жонга — кўзимдан —
Совуққина ёмғир найзаси.
Тушунмайди «Видо» сўзига
Бу баҳорнинг яшил майсаси.
Куйлагингдай ҳўл бўлди юрак,
Шамоллардай музлади дардлар.
Менинг майсам! Олов муборак! —
Кўкда чақмоқ ханжарин чархлар.
О, бу фалак! Ўтларми отар —
Қиличлайди жонни доғингда...
Ҳамма дарахт ловуллаб ёнар
Кўнглимдаги яшил боғимда.
Мен — боғимдан мосуво одам,
Кезинаркан олам аро жим,
Бу ҳаётга беҳуш талпинган
Сени — беғам майсани севдим...
Севдим! Билмам, ҳолим не кечар? —
Гар англадим ғамнинг зайлини...
Бошларингдан — мен ҳам — бир кеча
Ёмғир бўлиб ўтсам, майлими?

* * *

Болари тентирар — гулларга чўри,
Капалак жонсарак — боққа хизматкор.
Қуёшнинг тилларанг жисмини сўриб,
Намхуш ҳаволарда кўкарар баҳор.
Юргин, юриб ўтгин кўксимдан, шамол!
Тириклик не эрса, хоки пойиман.
Бугун тошларда ҳам кўргувчи камол,
Дунёнинг тошқинсел телба сойиман.
Менга бегонадай турмагин ҳаргиз,
Ям-яшил жаҳоним, не юмушинг бор?
Қара, ҳатто ари гулларга каниз,
Ҳатто капалак ҳам боққа хизматкор...

ЁЗГИ БОҒДАН КЕЛГАН ШЕЪРЛАР

* * *

Заминда салқин оз,
Кўкда булут оз.
Дарахт кўлкасида
Ухлаб ётар ёз.

Бир парча ерга мен
Сувни тарадим —
Боғдан қарзга олиб
Шамол тароғин.

Меваси бир томчи
Арғувони май —
Баргин сувга ёзди
Эрка қулупнай.

Йўнғичқа ўйнайди
Муздай сув кечиб.
Ўлтирдим —
Боғланган
Кўнглимни ечиб.

* * *

Қайрағоч—
Қуюқ соч,
Иссиқда
Чатнаб келдим,
Боғингнинг
Эшигин оч.

Қайрағоч —
Қуюқ соч,
Ҳовузларинг
Лиммо-лим —
Шамоллар
Отар қулоч.

Қайрағоч —
Қуюқ соч,
Мизғиб олай
Кўлкангда —
Жонимга
Кирсин ривож.

Қайрағоч —
Қуюқ соч,
Мабодо
Уйғонмасам —
Бошимда
Бўлгин оғоч.

* * *

Кечқурун қушлар қайтадилар.
Чорбоғда кечки базм.
Чуғур-чуғур —
Саргузаштлар ҳикоя бўлар:
Ким қаерга учди,
Ким қаерга тушди,
Қаерда дон кўп,
Қаерда мева...
«Қўриқчи»дан ҳуркканларини
Кулиб-кулиб сўйлаб беришар—
Чуғур-чуғур...
Чуғур-чуғур—
Аралашига!
Одамлардан кулишади
Боғларини деворга ўрашган —
Биз учиб ўтаверамиз,
Учиб ўтаверамиз —
Аммо бирор бола
Девордан ошиб ўтса,
Кўринг томошани!
Чуғур-чуғур...
Чуғур-чуғур...
Қандай гўзал ҳаёт!
Ўлим эса...
Дарвоқе, ўлим...
Қайтмаганлар қанча
Деворли боғлардан?
Сукунат. Тонгга қадар... Жим.

* * *

Ёқмадими бу хира сурат,
Қарғаларнинг қоп-кора изи —
Юзлаб югрик нуқтада — тирнаб —
Шом юзига тортдилар чизиқ.
Муросакор шаҳар боғлари
Қарғаларга кифт тутдилар даст.
(— Мана, елкам, қушнинг зоғлари!
Бир илтимос, ухланглар бесас).
Ёмонликка чегара маълум,
Яхшиликнинг йўқдир адоғи —
Боғда булбул сайради мажнун,
Боғ шамолда тебранган чоғи.
Дарахт ўсди булбул куйида,
Шамолларга руҳини эшиб.
Тебранди боғ ҳаёт ўйида —
Қарғаларни унутган бешик.

* * *

Навдалар ишкомдан ўзини отди,
Йўнгичқа ҳаётга ёйди ўзини.
Саратон танини қуёшга қотди —
Руҳида бир телба шиддат қўзиниб.

Саратон танини жонимга қўшди,
Сўз айтсам тилимни куйдирди оташ.
Кўнглим яшилланди — боғ каби ўсди,
Шеър ёзгим келмоқда бу ёзда яккаш.

Теракни укам деб қучгим келмоқда,
Гулларни қизим деб ўпсам эркалаб...
Аридай даврада учгим келмоқда,
Сайрагим келмоқда қушдай эрталаб.

Меҳр юрагимда бўлмоқдадир жам,
Мени бегоналик этмоқдадир тарк.
Тупроқдай дардлашгум дарахт, сен билан,
Сувдай суйишаман сен билан, эй барг.

Чарх эса айланар — айтмасдан сирин,
Нимани ўйлади у бахил сайёд?
Гар узун умрда Яшамоқ ширин,
Қолсам бўлмайдими шу ёзда, Ҳаёт?

* * *

Осмон — кенг,
Ўтлар — кўк,
Ариқлар — зилол.
Ўтди намгарчилик кароҳатлари.
Боғда учар, куйлар, яшар — бемалол —
Кўнгли кенг табиат ҳашаротлари.
Мен сени кутаман ёзнинг боғида,
Ҳар бир шарпасидан орзиқиб, ҳушёр.
Қушлар куй ичирган баргу шохида
Сенга айтадиган соғинчларим бор.
Учишга чоғланар хонқиз қиёқда,
Ўриклар мевасин тўкмоқликка шай.
Кетгим келаяпти сенсиз бир ёққа —
Ёзнинг иссиқ — қайноқ меҳрини олмай.
Тиғ тегди — анқиди беданинг бўйи.
Мовий учқунли гул — сачратқи — ўша...
Ётаман осмонга термулган кўйи —
Қуласа нақ тутиб қоларга ўхшаб.
Сенсиз ҳам боғларда бир хуррам ғулу,
Сенсиз ҳам самода қуёш порлайди...
«Ёз» дейман, — ўгрилиб қарамайди у,
«Ёз...им» демоқликка тилим бормайди.

* * *

Боғда нуру соя ухлар айқашиб,
Қушлар қўшиқ айтар дилгир мақомда.
Тоза ҳаволарга юзин чайқашиб,
Рангу бўй бахш этар гуллар жаҳонга.
Йўнғичқанинг сапсар гуллари — шода,
Мевалари ўтли — памилдорининг.
Ариқда туғилган гўдак шабода
Нохос чертиб ўтар кўнгил торини.
Дарахтдай ям-яшил кўнглим бу лаҳза,
Дилимга қўнган сўз қушдай учар шаҳд.
Худди бахтдай қалбга солади ларза
Йўнғичқа оралаб ўтаётган Вақт.
Кўнглимга нур тўла кенгишлик тушди,
Юрагим ҳис қилди мангу баётни.
Нозик белларидан оҳиста қучдим,
Лабларидан ўпдим гўзал ҳаётни.
Иккимиз жўнадик — боғ ародир йўл,
Боғдан ўтсак ҳамки, ҳаёт қайтмади...
Унга талвасада узатмадим қўл,
Менсиз кетажагин у ҳам айтмади.

* * *

Ёзда ўлтир боғда дилингни очиб,
Яшил хаёлларни қучсин юраклар.
Шамол ипларига осилиб — ажиб
Ҳалинчак учмоқда, ана, тераклар.
Ёзни тушуниб кўр... Ахир, ҳоридинг,
Аёзларда музлаб, мунграниб куздан.
Дилингда қолмади зарра ёруғинг —
Кўзингни чақнатиб, айланса сўзга.
Ўзингни сувга от — зилоллик кўчсин,
Тоблангин — юракка ўтсин аланга.
Жонингда ғуссанинг номлари ўчсин —
Худди эгасидай чўзил оламга.
Кечқурун чой ичгин хотининг билан,
Ўзингнинг даҳшатли узоғингдан қайт.
Айтгин: «Яқин кунда оламиз гилам»,
«Сенга кўйлаклар ҳам оламиз», деб айт.
Боланг билан гаплаш отадай вазмин,
Онангга кулиб боқ — тортмасин азоб.
Бажо этмоқликка тириклик расмин
Ўзингда куч топгин, ўзингда куч топ.
Гулларга тикилгин — боқма ғамингга,
Чанқаган полизга сув тара бекам.
Яшаб турганингга — ёруғ оламда —
Ўзинг ҳам ишонгин, ҳатто ўзинг ҳам...

* * *

Не учун бу қадар оғрийди бошим,
Миямда томирлар гўё узилар?
Дейдилар, қонимда қандайдир босим —
Танимда бир мубҳам иллат тузилар.
Оғриқ чангалидан бўларкан озод,
Сокин ором ичра ётаман ҳориб.
Олислар кетмагин, дўстгинам Ҳаёт,
Айт, турсам майлими ёнингга бориб.
Ёзнинг эпкинида шовуллар боғим,
Айвоннинг қошида тик турар ўрик.
Мени ташлаб кетма, ям-яшил чоғим —
Ахир, тўймадим-ку дунёни кўриб.
Ана, тўзғиб учар шамолда изим,
Аммо учиролмас заррача дардни...
Ҳаёт, бесадоқат дўстим, ёлғизим,
Сенга ҳам «алвидо» айтмоқлик шартми?

* * *

Ариқларда оқиб борар ой —
Ариқ борар кўтариб фонус.
Ойдин тунда — кечганича лой,
Пишқирмасдан сув ичар полиз.

О, қанақа эртакдан тушди —
Ёнарқурт-ку бу тирик олов!
Унинг митти шафағин қучди,
Юлдуз каби тўкилди қиров.

О, нақадар фароғатда дил! —
Дил ой каби сочади зиё.
Мени нега қийнадинг қирқ йил,
Бахтли бўлиш осон-ку, дунё...

* * *

Новдаларнинг титроқ танида
Сирғанади шамолнинг қўли...
Бу ҳолатким дунё дамида —
Барҳаётдир тириклик йўли.
Қара, дунё қандай тузилган:
Тўлғонаркан дард ичра мажнун —
Кўзларидан ёши тизилган,
Лабларида нурли табассум.
О, ўлмайди дард ютиб дунё!..
Яшилликнинг шавқли нидоси
Кўнгилларда бераркан садо,
Тўлгонаркан армон савдоси.
Фақат менман бу дунё ичра
Ўткинчи жон — муваққат тўзим.
Ночорликнинг талвасасида
Мангуликка интилар сўзим.
Кулгую ғам оралиғида
Мувозанат сақлаб борар Вақт.
Фақат мен — шеър қарамоғида —
Бу илмни унутган бебахт.
Дунёда ишқ бўлди намоён,
Ўйладимки, бекорми ўлим,
Шамолларнинг танида шоён
Титранаркан дарахтлар қўли.

* * *

Мудом сергак — ғофилмас ҳаёт,
Тасодифлар этолмас ҳанг-манг —
Ана, қуёш нур сочар бот-бот,
Ер остида ишлар чувалчанг.
Фидокор Вақт тинмай эмаклар,
Заррасин ҳам этмагай нобуд —
Бир лаҳзаси гўдак йўргаклар,
Бир лаҳзаси кўтарар тобут.
Асирликда — Вақт режасига —
Мос келмайди руҳимга очун.
«Оҳ» ураман ёз кечасида —
Бир оҳимда оқарар сочим.
Бу дунёнгнинг бир меҳмониман,
Суҳбат қургин мен билан, юлдуз?
Танимга-ку, қаро ер ватан,
Кўкда борми руҳимга кундуз?
Силқибгина сув ичмоқда боғ,
Тунни кечиб оқар ариқлар.
Юрагимга урилар бу чоғ
Юлдузлардан нари ёруғлар.
Бир садолар келар йироқдан,
Меҳр эсар — ердан таралган —
Мен англайман: вужудим тошдан,
Руҳим эса тушдан яралган.
Сергак ҳаёт шамоли елар...
Ёз, боғингда сескандим ногоҳ —
Тоғдай бир тош бостириб келар,
Аюргани тушимдан, эвоҳ!

* * *

Кун бўйи дарахтлар қуёшда турди,
Яшил елкасини тоблади чорбоғ.
Кифтимда соялар титраниб юрди,
Боғда сени эслаб йиғлаганим чоғ.

Мовий май — осмонни ичди саратон,
Юзтубан йиқилди йўнғичқазорда.
Менинг юрагимни ўртади гумон —
Қолиб кетмадингми, эркам, баҳорда.

Шамоллар келдилар бошимга юриб,
Баргдай ҳилпиради юракдаги доғ.
Худога минг шукур... Тирикман... Тирик...
Ўлимдан ёмондир бу соғинч бироқ.

* * *

Қоронғу. Кўринмас боғнинг этаги.
Дарахтлар ортидан тун боқар бу чоқ.
Айвон. Стол. Қоғоз. Руҳнинг эртаги —
Чироқ шеър ёзмоқда айвонда... Чироқ.

Тундан чиқиб келар сўзлар — анвойи,
Тирмашар столга, қўнар қоғозга.
Чироқ — юрагимнинг чароғон ойи —
Мадҳия тўқийди бу кеча ёзга.

Хурсандман. Қолмади зарра керагим.
Ўлсам, жасадимни ўртамас фироқ...
Айвон. Стол. Қоғоз. Руҳнинг эртаги —
Чироқ шеър ёзмоқда... Тун эмас, чироқ.

* * *

Кўкка отди ўзин дарахтлар,
Йўнғичқалар ривожида — ноз.
Яшиллигу нурда яраклаб
Девор ошиб кирди боққа ёз.
У чўмилди яйраб ҳовузда,
Йўлкаларда хаёлчан кезди.
Чигирткага — митти ҳофизга —
Куйлатдию дунёни эзди.
Капалаклар бўлиб учди у,
Ҳориганга соялар бўлди.
Кўнгилларда туғилган асру
Умидларга доялар бўлди.
Уч ойлик бахт тугади охир,
Қушлар учди жанубга — ҳориб.
Тилга кўчди ҳижрон қўшиғи,
Тилга кўчди дилимни ёриб.
Юрагимга эса бу чоғда
Босиб кирди хавотир нохос.
Девор ошиб кетмади — боғда
Жонига қасд этмадими ёз?

* * *

Чинорларни тиздим кўча четида,
Ариқларда сувлар оқиздим — зилол.
Осмонга қароқчи қўйдим... Еттита! —
Ҳамма тасодифни енгар. Бемалол.

Фалакка қарасам — кўринди рўйинг,
Дарёларга боқсам — юзинг қалқиди.
Боғларнинг қўйнида солланди бўйинг,
Соғинчнинг ичида ойдай балқидинг.

Келгин, қисмат ғавғо солмасдан аввал,
Умидни тасодиф ютмасидан кел.
Чинорлар тик туриб толмасдан аввал,
Чинорларнинг умри ўтмасидан кел...

* * *

Уятчан қамишлар
Сувга яширдилар
Хипча белларини.
Балиқ юзин босди нозик оёқларига:
Сен сувга тушдинг —
Сочларинг ёйилар кўлнинг сатҳида.
Дарёнинг энг чиройли нилуфари,
Очилдинг — бирам гўзал.
Узиб олсам, майлими?
Ёхуд балиқ бўлгунимча
Очила турасанми
Хипча белларингни
Сувда яшириб?

* * *

Аввало —
Йўнғичқа гуллаганда
Келсанг,
Томоша қилардик
Капалакларни.
Ҳозир ҳам келавер.
Йўнғичқа гуллаган.
Капалаклар учишар...
Фақат
Энди кўролмайсан
Менинг учишимни...

* * *

Етдим охир дарё буйига...
Узун қўлин ўйчан мажнунтол
Узатганча мавжлар қўйнига
Бахш айлади дилга ажиб ҳол.
Кўк соҳилда соҳилдай ётдим,
Миямни тарк этди қафасим.
Зилол сувда сузаётган жим
Балиқларга келди ҳавасим.
Сув ичида — ёруғ уйқуда —
Жимирлади тошлар беовоз.
О, дарёнинг салқин тубида —
Ёз қўйнида ҳатто тошлик соз!
Фароғатда юмдим кўзимни,
Манглайимни ювди шабода
Ва бир лаҳза кўрдим ўзимни
Ёз қўлидан ичаркан бода...
Энг муҳими, тирикман, тирик,
Энг муҳими, жоним қийноқда.
Энг муҳими, озоддир балиқ,
Тушгани йўқ ҳали қармоққа.

* * *

Сувларингга кетдим қўшилиб,
Сайхун, баргдай мавжингда оқдим.
Асабимнинг ҳорғин қушини
Чарчоғини соҳилда ёқди.
Унут кунлар келдилар йўқлаб,
Гўё қайтди болалик дами.
Югуришдан бир лаҳза тўхтаб,
Секинлатди умрим қадамин.
Қуёш билан базм тузатдим —
Муз кунлардан олдим ўчимни.
Мен балиққа қўлни узатдим...
У — ҳадикчи нега чўчиди?
Руҳим билан жим суҳбат қуриб
Вақт ўқиди бошимда оят.
Қуёш худди елкамдан юриб,
Юрагимга кирди, ниҳоят.
Ёндим. Энди келар қўлимдан
Юрагимни най каби чалиш.
Сайхун, қайси соҳилингда мен
Бўлмоғим шарт бу кеча камиш?

* * *

Қайтмасликни кунлардан ўрган —
Кўнма ғамгин илтимосимга.
Қайси ёздан келган кўланканг
Соя солди яна бошимга.

Эй, меҳрибон дарахтим маним,
Яна нечун туришинг беҳол.
Бу тўзон не? — бешафқат самум,
Бу тош недир? — бир сўзли аъмол.

Беилож ёш келар кўзларга —
Тилдан сўзлар кетгани учун...
Тўкиласан ҳали кузларда —
Ёқмоқликка етмайди кучим.

* * *

Уюртмак боғлади
қоқи гуллари —
Ям-яшил алафнинг
оқарди боши...
Баҳорни чайқаркан
шамол —
Тунлари
Менинг ҳам уюртмак қалбимни сочди.
Қалбим тез яшади,
Яшади соҳир —
Андармон танимдан
кетаркан
Йироқ...
Вужудимга баҳор
етса
Етгандир —
Биродар,
Қалбимга куз етди бироқ.

* * *

Ҳавонинг руҳи карахт,
Осмонга чиқди булут.
Хомуш — чарчади дарахт
Шамолларда югуриб.

Ариқдан чиққан салқин
Қотди — алам доғида:
Япроқлар титраб тамкин,
Босмади қучоғига.

Қушларнинг шаън жаранги
Салқиди боғ арзида.
Капалак учди гангиб —
Сўниқ гуллар вазнида.

Жонимни тарк этди шаҳд —
Мен йиғладим айвонда —
Бу ёзда ҳам тансиқ бахт
Келмади-ку меҳмонга...

Видога бу холат мос
(Видонинг йўқдир сўзи).
...Чорбоғдан жўнади ёз,
Дўст-ёри йўқ, бир ўзи.

КУЗГИ БОҒЛАРДАН КЕЛГАН ШЕЪРЛАР

* * *

Куз — Навоий девони. Бедор
Ўқи. Ҳўнгра — қийнаса дардлар
Қатор-қатор кузги дарахтзор —
Даҳо ёзган фожеа байтлар.

Дил тақдирдан қайтишга мойил —
Хазон бўлдим! — қўллагин, наби!
Кезинаман боғда Навоий
Тополмаган ёлғиз сўз каби...

* * *

Бемақсад қоқар қанот
Карахт соз — қовоқари.
Кузакка кирар ҳаёт
Теру чангини артиб. —

Илиқ қуёш тафтига
Юрагин тутиб пинҳон,
Қарамасдан тахтига,
Боққа чиқар бедаврон.

Ҳар тонг чиқади, бироқ
Қуёшнинг йўли қисқа...
Кузга киради ҳаёт
Хазонрезликни истаб.

Томларда майизларнинг
Болини сўрар ари.
Боғларни судраб-судраб,
Шамол чопар кўпкари.

— Қутиларга жойланган
Меваларим, алвидо! —
Ерга маҳкам боғланган
Боғ қўлин силкир сипо.

Юргин энди, юр, сайёд.
Куз бағрида толпинма!..
Куздан чиқару ҳаёт
Йиғлаб кирар қалбимга.

* * *

Жавоб топди ёзги саволлар,
Дунё толди ўсиб, кўкариб.
Боғ ичига йигит шамоллар
Нафис кузни келди кўтариб.
Совуққина оқшом чоғлари
Дарахтзорга ёйилди тутун —
Ерга кирди, ишком, токларинг
Ўсишнинг бор захмини ютиб.
Наъматакнинг кузак кесмаган
Учларида меваси қонли —
Куз келишин дарҳол сезмаган
Бошчасига тиқилган онги.
Мен ҳам кузга чиқдим... Қаршимга
Куз, жамики ҳасратингни ёз.
Фақат ғамнинг олий аршида
Йиғламоқлик мумкин бепардоз.
Худо сени яратди махсус
Эшитгани дилнинг розини...
Фақат сенинг нозик елканг. куз,
Кўтаролар ҳорғин бошимни.

* * *

Дилимда мунг — хиргойи,
Ўлтираман ўйга ғарқ.
Кузакнинг тутқун ойи —
Дил кўкида — сариқ барг.
Менга етмай тўхтайди
Дунёнинг шамоллари.
Ҳорғингина йўқлайди
Тақдирнинг саволлари.
Туришар ботмай қалбга,
Чўчибгина жавобдан.
Кўтарилар тинч шафақ
Юракдаги саробдан.
Дилимда мунг — хиргойи,
Ўлтираман чайқалиб.
Руҳимнинг ёлғиз ойи —
Дардларимнинг сайқали.

* * *

Тераклардан
Учган барглар
Деразамга урилди.

Ким келди деб
Жон титради —
Деразага бурилдим.

Ой ёғдуси
Жим чўзилди
Тўшагимнинг ярмига.

Ярми эса
Нурсиз ётар
Қоронғунинг қаърида.

* * *

Шамол
Айвонимга
Япроқлар сочди.

Шамол
Эшигимни
Оҳиста очди.

Деразамга урди
Барглар галаси.

Чексиз
Ҳувиллади
Кўнглим даласи.

Недандир умидвор,
Недандир ғамнок —
Ташқари чиқолмай
Ўлтирдим узоқ...

* * *

Уйимда неча кун
Меҳмон — айрилиқ.

Қувонч йиғиштирди
Дилдан сайрини.

Сен келар йўлларда
Тиканлар ўсди.

Боғимда паришон
Туманлар тўзди.

Сен келар йўлларда
Оқарди қиров.

Қировни тўкмади
Соғинган биров.

Ёмғирда қорайди
Қирларнинг бети.

Ёшимни
Тўхтатиб
Ололсам эди...

* * *

Кетгин.
Майинлашди негадир осмон.
Ўсишдан тўхтади —
Дарахт овора.
Чорбоглар бир қўрқинч сезгида ҳайрон.
Дуиё бечорадир.
Дунё — бечора.
Ваҳ, жонга етишди
Бир совуқ
Эпкин.
Юракнинг қаърида
Йиглади турна...
Менга қарамагин.
Кета қол.
Кетгин.
Бугун кузак келар...
Бу боғда турма.

* * *

Алоҳида келди ҳар кимга бу куз:
Мени тутиб қолди ўтлиғ саратон.
Сен кетдинг — жунжикиб, қунишиб, маъюс,
Хазонрез ғамингда бўлгани хазон.
Боғларнинг қучоғи ҳамон ям-яшил,
Ҳали дарёларни келади қучгинг.
Сен кетдинг — саратон уфқидан ошиб —
Кузакка аксулфеъл қуш каби учдинг.
Вақтнинг қонунлари энди бетартиб —
Ҳар кимда бошланди ўзгача фасл.
Ёшингни мен қандай қўяйин артиб,
Мен — ўтда, сен эса хазонда восил.
Эвоҳ, тирикликнинг шўриши бисёр!
Тақдирнинг қўлида юрак талошда —
Борай десам — кузак этади афгор,
«Ёнимга кел» десам...
Ўзим оташда.

* * *

Чумолини қаро ер ютди,
Боларини кўмди хазонга.
Ниначини ёзда унутди —
Куз бир ўзи қолди жаҳонда.

Наҳот, йўқлик қаърига ботган
Бу дунёнинг яшил гулшани?
Мени тонгда куйлаб уйғотган
Қушлар — сархуш ҳофизлар қани?

Йўқотишнинг оғриқ доғида
Юрак баргдай жим-жит сарғаяр.
Йиғлаяпман — бу кеч боғимга
Қўнаётир фақат қарғалар.

Ҳаёт! Менга боқма зиёда,
Бу ҳолатга руҳим ўрганган.
Яшаш учун ёруғ дунёда
Мен ҳам ўзни кўп бор кўмганман.

* * *

Хазон етди.
Юрагим баргдай қовжираган.
Шамол, тегинма.
Учиб кетади
Баргдай.

Фақат юрагим...
Бошқа ҳеч нарса қолмади.
Меваларим аллақачон
Бозорларда сотилган.

Шамол, тегинма...

* * *

Бекорга қушларга паноҳмас дарахт,
Бекорга силкинмас шамоллар етса —
Ғофил илдизларни кўтарсаю даст,
Чексиз осмон сари учсаю кетса.
Унинг бу сиридан фақат мен огоҳ,
(Руҳ қалбга етганда бу сирни сездим),
Девона бўлдиму ўша кун ногоҳ
Ерга асир боғда «оҳ» уриб кездим.
Шамолда шовуллаб боғ ҳам ўртанди...
О, шамол! — Беармон эркнинг фарзанди!
Учмоқ хаёлини мендан ўрганди
Баҳайбат бу чорбоғ, бу яшил банди.
Бир сенга аёндир дарду пинҳоним,
Чорбоғ, ўртамизда фарқлар сўндилар:
Менинг ҳам боғимда учди хазоним,
Менинг кифтимга ҳам қушлар қўндилар.

* * *

Кузнинг дайди қуёши
Девор ошиб санқийди.
Ўзбекистон боғларида
Олма ҳиди анқийди.
Узумзорда май бўйидан
Майхўр бошим айланар.
Маст боғларга ҳушёр боқиб,
Тип-тик турар чайлалар.
Куйчи ари ғувуллайди,
Куз шарбати тилида,
Олма бўйли бол сатрлар
Оқиб кирди дилимга.
Зилол сувга ўзин отди,
Навдадан беҳи — шўх-шаън.
Ўйнаб қолгин! Бугун борсан,
Беҳи, эртага йўқсан.
Олма бўйли бол сатрлар
Оқиб мени этар тарк.
Куздан менга бир барг қолар...
Юрагим — энг сариғ барг.

* * *

Қоронғулик тушар... Қайлардан пайдо
Шаҳар осмонида қарға галаси?
Парча-парча тирик кўлкаю садо
Кузги чорбоғларнинг чир айланаси.
Боғим менинг,
Кузда қунишган боғим,
Шомги салқинларда туришинг ғариб.
Қарга шарпасидан увишган боғим,
Қишки кунлар сари юришинг ғариб.
Дарахтлар тақдирга кўникиб бўлди,
Шохларда қолмади битта ҳам япроқ.
Ана, бир дарахтга қарғалар қўнди —
Топмадинг исёнга бир бесас титроқ.
Боғим менинг,
Кузги тақдирим менинг,
Менинг кўнглимга ҳам намозшом қўнди.
Боғим менинг,
Азал-охирим менинг,
Қарғалар галаси қалбимга қўнди.
Энди сўровим кўп. Туришим — сабр.
Ҳаёт чорбоғида мунгли торишдим.
Суяк-суягимга сингишди тақдир —
Қаргалар тушига бедор қоришдим.

* * *

Кузнинг ҳазин қўшиқлари
Чорламайди гаштларга.
Боролмайман — бобом хоки
Қолган бўм-бўш даштларга.

Юрагимга ботар теран
Кузакнинг жим-жит «оҳ»и.
Бир тепада мени кутар
Падаримнинг арвоҳи.

Йироқдаман — бўшашдими,
Ҳаёт, менсиз совутинг?
Қўлим тегмас — кетиб борар
Дўстнинг интиқ тобути.

Жимирлайди ҳоргин кўнглим
Кузнинг терс гаштларида.
Эгарсиз от салт кезади
Қуралай даштларида.

У — Бойчибор — мени кутар —
Соғиндим деб кишнайди.
Мени кузда чоҳдан баттар,
Қисмат маҳкам ушлайди.

Олисларга бугун боқиб
Ғамгин сўзлар айтгайман.
Насиб этса, олисларга
Хотирада қайтгайман.

* * *

Боғимнинг барглари
зумда тўкилди.
Шохда қолгани ҳам энди омонат.
Ҳовлига —
қуёшга чиқиб ўлтирдим.
СЕНИ,
Ёлғиз сени ўйладим фақат.
Мезонлар ғуссалар ташлаб ўтдилар.
Қушлар ҳам кетарлар
боғни ёндириб.
Еллар тўзғин ўйин бошлаб ўтдилар —
фақат
соғинишни менга қолдириб.

* * *

Ёмғирдан сўнг кўчалар нафис,
Нур чайқалар фонусларида.
Юрагимга қайтади азиз
Ғусса — унут олисларимдан.
Шамол кузни оралар боғда,
Ҳўл баргларни бошимга отар.
Юрак оғрий бошлаган чоғда
Руҳга етмай туманлар ботар.
Бу куз туни йўлдан адашди —
Нақ юракдан отин солди Вақт.
Тақдиримга жим аралашди,
Хазон кечиб йиғлаб юрган бахт.
Мен кўчада шамолдай кездим,
Ҳар дарахтга сочдим танимни.
Бу боғларда бахт бордир — сездим,
Ва унутмоқ бўлдим ғамимни.
Мен сени ҳеч кўрмаганман, бахт...
Дилга кирди шубҳали ғулув.
Кўкламимдан йироқ қочган шаҳд,
Кузакда ҳам йўқми учрашув?
Бутоқларга жонимни тилдим,
Интиқлигим толега — чиндир.
Бу кечада бахт бордир — билдим,
Бахт бўлмаса... Йиғлаган кимдир?

* * *

Тунги намхушликда кузнинг юзи ҳўл,
Зулматда — пайпаслаб — артдим ёшини.
Мен сени соғиндим. Сенсиз ғамим мўл.
Соғинч ҳар лаҳзага сотди лошимни.
Қандай оғир кеча. Сайрамас қушлар,
Шамоллар ҳавога сололмас титроқ.
Ҳаётга, наҳотки, кўчмагай тушлар,
Наҳот умр — фироқ, яшамоқ — фироқ?
Чорладим — сасимдан ёрилди гўрлар,
Нафасим тебратди жами бешикни.
Овозим йўқлигу борликда ўрлар —
Нега эшитмайсан? Оллоҳ эшитди.
Вақт ўтар... О, вақт ҳам беҳис оломон!
Беҳукм топтайди танимни нохос...
Мен сенсиз ҳар онни қарши оламан,
Ўлим қаршисига чиққандай пешвоз.

* * *

Ҳавода учдилар
чинор барглари,
кўчага тушдилар тўзғиб саросар.
Кенгайди дардимнинг
оғриқ ҳадлари —
энди мен қайғуман
кузга баробар.
Чинор баргларини териб ўйнадинг,
Хазонлиғ дастига
бекитдинг юзни.
Аммо бирор баргни менга қиймадинг —
ғамгин пичирладинг:
«севаман...
кузни...»

* * *

Бутоқда шамол йиртди
Шовуллаган шарфини.
Барглар учди, ҳавога
Чизиб хитой ҳарфини.

Дард кирди — юрагимнинг
Очмасдан эшигини.
Дунё!.. Дунё тебратар
Қайғунинг бешигини.

Қайғу тинмас — изиллар
Жонимнинг кўчасида.
Қутулмадим дунёнинг
Муножот кечасидан.

Кетсам бўларди, ахир,
Шамолнинг ирмоғиман.
Бутоққа жон санчилди —
Қон оқди япроғидан.

* * *

Шимол тоғларида совуқ ел эсди,
Қировлар тўкилди ўту ўланга.
Менинг юрагимни соғинчинг эзди,
Боғларни тутаркан кузги аланга.

Кузакка юрагим келолмайди тенг —
Совуган руҳимни тутаман кунга.
Оҳ, мени ҳеч кимга ишонмадинг сен —
Фақат ёлғизликка... Бошқа ҳеч кимга...

* * *

Ким дединг? Мен сени танимайман, куз.
Кунларинг кунимнинг бегонасидир.
Куз деган фасл йўқ. Боғдаги маъюс
Вақт асли баҳорнинг вайронасидир.

Сарғайди баҳорда туғилган япроқ,
Йўл юриб, вақт кечиб тиниди анҳор.
Куз йўқ. Ўриндиқда — чорбоғда — бу чоқ
Мунғайиб ўтирар қариган баҳор.

Белин салқи тугиб изғирин билан —
Гоҳида сочилиб, гоҳида тўзиб —
Боғдан кетаётган қушлар ортидан
Қўлларин оҳиста қўяди чўзиб.

Ўйчан кўзларида ҳижрон савдоси,
Хазон даврасида сукунат қурмиш —
Унинг жимлигида дунё савдоси,
Ўткинчи ҳаёту, синашта турмуш;

Видо сиёғида сабру қаноат,
Фалакка заррача йўқдир ўтинчи —
Тушуниб боқади — боғлар оралаб,
Беболта кезаркан мангу ўтинчи.

Ана, навдасида титранди япроқ —
Мерган вақт узган ўқ ўтди ўмгандан.
Куз йўқ (йиғлаяпман)... Куз йўқдир, бироқ
Қирқ уч баҳоримни мен ҳам кўмганман.

Видо онларининг теранлиги бор:
Юрагимга қадар ботди товушим —
Ана, мангуликка жўнади баҳор,
Хазон баргларига тўлиб кавуши.

Куз йўқ. Гарчи хазон ўтди хаёлчан,
Мезон дорларини фалакка осиб.
Куз йўқ... Баҳор билан видолашаман
Мавзун ҳолатини бағримга босиб.

О, кетсам бўларди шу хазон билан,
Жоннинг залворидан, қаранг, аридим.
Қаримоқ — қўрқмаслик бўлса ўлимдан,
Ҳа, мен ҳам қаридим, мен ҳам қаридим.

Қалбга томчи ёшдай тўкилди олам —
Руҳнинг руҳдан қуюқ қаърида дурман.
Куз йўқ (йиғлаяпман!)... Куз йўқдир (алам!),
Энди кузакдан ҳам нарида дурман.

* * *

Осмон кўм-кўк.
Қуёш ярақлар.
Куз гамини очди ёруққа.
Хазон тушлар аро алаҳлаб,
Сариқ барглар оқди арикда.
Боғнинг бебарг кифтида ҳазин
Титранади қуёш қўллари.
Қалб ўзгартар яшамоқ тарзин —
Бурилади шеърга йўллари.
Аралашар руҳимга ҳаёт —
Зиллиги йўқ, сумбати — ҳарир...
Мен ҳаммадан бўламан озод,
Фақат вақтга тушаман асир.
Унинг ботин ҳаракатини
Вазнларга соларкан юрак,
Тутолмайман руҳ шиддатини —
Юксакларга бораман қулаб.
Талвасада ўсар қанотим,
Фақат ростни пичирлайди лаб.
Шиддатимда тўхтар ҳаётим,
Бир лаҳзада бўлажакман сарф.
Осмон кўм-кўк.
Ярақлар олам.
Куз ғамини сочди ёруққа.
Умрим билан жаъмланай десам,
Ўтолмайман митти арикдан.

* * *

Кузак кечасида кезди саросар,
Шомдан тонгга қадар тинмади ёмғир.
Оқ чодир тагида мунғайди бесар,
Оёғи жиққа ҳўл мўйсафид Помир.

Кузак кечасида шамоллар юрди,
Ўнгирларга кирди хаслар — талотум.
Худди қўзичоқдай титраниб кирди,
Саксовул тагиға фақир Қароқум.

Мен мудом ўзимни кичкина билдим,
Ёмғирда бошпана этдим ихтиёр...
Дунёга сиғмаса агар юрагим,
Менинг гуноҳим йўқ, кузак гуноҳкор.

* * *

Бу ойнинг ҳеч кимга йўқдир даъвоси —
(Ёндирган ўзгадир, музлатган ўзга...),
Ҳали гуллар ҳидлар — кетар жафоси —
Қалбининг тўридан боқади кўзга.

Сентябр — бир ойлик сокингина бахт,
Сентябр — Оллоҳнинг маъсум тортиғи.
Кўз ёшларсиз қўшиқ, фожиасиз дард,
Кузакнинг дунёга огоҳ ёрлиғи.

Сентябрь эшикда тўниб турибди,
Сесканмас — фалакда турна тизилса.
Юрак бўлса... Юрак тўлиб турибди,
Қайларга боради бир барг узилса...

* * *

Ҳўл кеча ҳўл танин оламга ёзди.
Боғларда кезаркан руҳ каби элас,
Узун қўшиғини тун бўйи ёзди —
Энг ғамгин пардада ёғди куйпараст.
Кузнинг боғларида уйғонди мақом —
Юракка етдилар оҳанглар инжа.
Менинг юрагимдан бузилди маром —
Юрагим тун бўйи қоқмади мижжа.
Ёмғирнинг куз ҳоли... Латиф сеҳргар!
Сенинг ҳадисларинг ҳамиша ҳақдир.
Бу кеча қанчалар қочмай саросар,
Бир он бўшатмади умримни тақдир.
Беғам ташвишлардан яралган қафас,
Ёмғир сасларида эриди — кетди.
Бетақдир сўзларим бўлдилар абас,
Жоним бир ўртаниб тақдирга етди.
Ташқари чиқаман ҳозир... Ташқари!
Кузги ғамлар аро бормисан бу дам?
Қўрқмайсанми, чиқсам ёниб бошларим,
Куздан ҳам хазонроқ тақдирим билан!

* * *

Кўкдаги тирик булут
Аждарҳонинг ҳайкали.
Терак осмонни артар
Куз елида чайқалиб.
Чайқалиб борар кўнглим.
Чайқалиб борар бардош.
Чайқалар тушим, ўнгим.
Чайқалар кўзимда ёш.
Чайқалар ёруғ олам.
Чайқалар қора кеча.
Чайқалар дилда нолам —
Тилимга етмай ўчар.
Деразамда солланма,
Меҳрибон укам терак!
Кўнглимни супирмоққа
Бўйинг етмаса керак...

* * *

Қорга айланди ёмғир.
Хайр, кузги сўнгги кун!
Боғ — қушларсиз — бемазмун...
Ёздан қишгача қисқа —
Қишдан ёзгача узун.
Кўлим бормайди ишга...
Юзма-юз қолдик, гардун.

Учинчи дафтар

Тоғ ва дашт қўшиқлари

ҚИРҒИЙ

Ҳаво енгиллашган.
Қанотим ёзиқ.
Шиддатим мўл.
Қанотимни йиғиб улгуролмадим —
Ёлғизлик етди шиддатимда.
Ҳамма учиб кетган
Жанубга.
Бир осмонда бир ўзимман.
Осмон бўм-бўш.
Шундай мовийки,
Йиғлагим келади.
Шамолларда куз ғуссаси.
О, ерга отсамми ўзимни...
Аммо осмон...
Менсиз нима бўлади?
Худойим!..
Чиқинди бозоридан
Кўтарилди қарғалар галаси.

Ҳаво қуюқлашган.
Қанотим ёзиқ.
Йиғишга кучим етмас.
Барибир бир ўзимман...

ОТ. ЎЛИМ ВА ҲАЁТ

I

Йўлни қор кўмди.
Ғамгин бош эгиб,
Тўхтади от.
Қор уюри ичра
Бўриларнинг шарпаси —
Увлашар.
Ув-ла-шар!..
Қамчи
Отнинг жонидан ўтар —
Қортўфонни ёриб,
Интилар —
Хириллар жонивор.
Шамол шовуллайди
От ёлида сирғаниб.
Бўриларнинг шарпаси
Теваракда ўйнар соядай...
Худо ўзи қўлласин!
Қамчини бос!..
От йиқилар.
Хириллар жонивор.
Йўлчи
Пичоқни қинидан суғурар.
Бироқ...
Худойим! Ит ҳуряптими?
О, ҳавода тутуннинг иси.
Қор аралаш милтирар чироқ.
Соялар...
Қаёққа кетдилар?
Эриб битди кечада қўрқинч.

Фақат от хириллар.
Ҳаром ўлмасин —
Оллоҳу акбар!..

От ўйлар:
Бўрилар етишди,
Бўрилар...

2

Қор устига ёғар қор.
Отни ўлим қувлади.
Энг даҳшатли ярадор —
Бўри нохос увлади.

Йиртқич-мудом ярадор
Қасос! — ўртанар қони.
Қор устига ёғди қор —
Мангу қорнинг давоми.

Шамолда от кўзидан
Шовуллаб оқди учқун —
Телбалиги тўзиган
Қишни ёндирмоқ учун.

Камарларда — бепарвоз
Какликларнинг заволи...
Изғирин. Совуқ. Аёз —
Муз асрининг давоми.

Даштда сағирдир қўрқинч.
Даштда — қуйлакчан ҳаёт.
Увлайди мангу йиртқич,
Елиб борар мангу от.

Уларнинг ўртасида
Мувозанат чизиғи —
Бу мангу ўрдасида
Ўлим борар исиниб.

ИЛОН ОВИ

Қурол — учи айри заранги таёқ.
Ов асли меҳнатмас — ҳаяжон — санъат:
Босиқ ҳушёрликда ташлагин оёқ —
Фақат қўрқма, қўрқма, қўрқмагин фақат.

Саратон — илоннинг қутирган чоғи —
Ҳар шарпага айни ҳаракат лозим.
Аниқ ҳужумингдан — ақлдан озиб —
Илон айтолмасин қумга ҳам розин.

Илоннинг ваҳима ўйинлари кўп,
Вишиллаб — қаршингда обрўйин сақлар.
Авраса — кўнмагин, кўзи чиндан йўқ,
Шундан тилларини ханжардай чархлар.

Ўзим ўргатгандай иш кўргин чаққон,
У сени пойлайди — сен уни пойла:
Айри таёқ билан ерга босган он,
Бўғзидан тутгин-да, халтага жойла.

Энди у тутқиндир. Тутқинга ачин.
Магарким, у — илон, дўсти бўл. Йўқла.
Баъзан айтиб турсин дўстликка арзин,
Фақат қўрқма, қўрқма, қўрқмагин, қўрқма...

Аммо такрорлама сўнгги ишимни,
Дўстликни билдирма инсон тарзида:
Суғуриб олмасанг заҳар тишини —
Заҳрини олиб тур баъзи-баъзида.

БЕДАНА

Шувоқнинг тагида
Жим-жит
Ётибман.

Дунё хавотирга таслим бўлган.
Хавотир ёнимдан ўтар —
Юрагимга кириб излайди,
Тинтийди руҳимни
Осмонга қаролмайман —
Айланар бошимнинг устида.

Қўшиқ бўғзимдан қайтади қўрқиб.
Учсам — умрим тугайди.
Куйласам — ҳаётим.
Фақат йиғлаш мумкин беовоз —
Шувоққа титраган бошимни босиб.

Овчи,
Тўринг қайда?
Қафасга сол мени...

Куйлагим келяпти.

* * *

Қўлга ўргатилган бўри бу — кучук,
Қорни тўқ — сарқитнинг ҳар хили... Ялоқ...
Собиқ бўри, қани думингнинг учи,
Собиқ даҳшат, нега кесилган қулоқ?

Бўйнингда нишонлар — обрўйинг аъло,
Ўзлигидан кечган шунча азизми?
— Бўри! — деб чақирдим — қилмади парво,
Ит! — дедим... Қаради... Ишонасизми?

* * *

Ўнгга қара — қоя — фалак тоқида,
Сўлга қара — тубсиз дарёгача жар.
Йўлинг — икки қўрқинч оралиғида,
Умринг — тиғ устида турганга ўхшар.

Юриб ўргангансан тиғ устидан сен
(Изи қолган бўлса — пинҳон — юракда),
Бир ҳолни кўрсатай (қара, пастга эн) —
Арча шамол сочин солди турмакка.

Арчалар, харсанглар... Тирикми, ё тоғ
Безанди — бу нусха кўйлакни кийиб?
Пастга туш, тоғ узра юрмоқлик қийноқ —
Ҳолингга боқолмай, юз бурди кийик.

Ўнг тарафда — қоя, сўл тарафда — жар,
Ғурур — ортда девор... — қўймас изингга.
Йўл эса ханжардай — совуқ ялтирар,
Ёриб оёғингни чиқар тизингга.

Ўтин териб келгин — ёқамиз гулхан,
Ёругда қудрат бор — қалбга тегишли.
Мен яна бир сирни сенга айтаман —
Тиғлар парчаласа, ўзни йиғишни...

* * *

Бўронда адашган тоғ
Ўлтирар қорга ботиб.
Бўрилар ҳуркитган чоғ
Йиқитганмикан оти?

Қисиб келар қоронғу,
Яқин келар ваҳима.
Изғирин чалар чолғу —
Дараларнинг чоҳида.

— Юр отимнинг изидан —
Бизни қулласин наби.
Тоғ қалтираб ортимдан,
Эргашади ит каби.

— Ҳозир гулхан ёқаман...
Худо қулласа магар —
Сендай тоғлар ўлмасдан,
Баҳордан келар хабар.

АФСОНА

Мезбон суймайдими қуй,
Мезбон келтирмасми ош? —
Йиғлади бир художўй
Қозонига солиб тош.

Меҳмон уйнинг тўрида
Чойни ҳўплаб ютади...
Ўрмалади мўрига —
Намхуш ўтин тутади.

Илтижо этди банда
Самоворга қўл чўзиб:
Эгам, этма шарманда,
Кўриб турибсан ўзинг...

Қайнади... Қайнади тош...
Шафқатга зор бир банда,
Кўзларидан оқиб ёш,
Тошни солди лаганга.

Меҳмон ҳам деди: — Оллоҳ!
Бизларга кўрсатгин йўл...
Ё бисмиллоҳ... Бисмиллоҳ...
Лаганга узатди қўл...

ТУН. ДАШТ

Сомон йўли фалакда —
Кундузнинг гарди — юқи.
Тун айланар теваракда
Гулхан шуъласин ютиб.
Чойдўш жизиллар чўғда.
Кўнгилга бериб навбат —
Исён кўтармай кўкка —
Оқади сокин суҳбат.

Тепаларда қорайган —
Девларнинг чўнг шарпаси.
(Вужудлари торайган —
Бу гулханнинг зарбаси).
Тепаликка ёнбошлаб,
Оловга боқишар жим...
Даштга ваҳима ташлаб,
Учиб ўтар кўкдан жин.
Гулхан — жунунвор ёғду —
Тун ичра ажиб раққос —
Шамол томонга оғиб,
Учмасдан, айлар парвоз.
Жин гулханга тикилар —
На қўрқинчдир, на ёвуз...
Кечага зич тиқилар
Жардан чиққан ялмоғиз.
Чойдўш жизиллар чўғда,
Гурунг олисни енгиб —
Исён кўтармай кўкка —
Ўтар юлдузга тегиб.

Ялмоғиз — яғмо оғиз —
Руҳларнинг ўтпарасти!
Ёнига чўкади тиз
Ҳорғингина алвасти.

Гулхан ёнади беҳуш,
Беихтиёр — хаёлдай.
Суҳбат қилади юриш
Эртак кетган томонга.
Бўзлаб қолар дўмбира...
Эртак — ажиб капалак —
Даврага учиб кирар,
Қанотлари камалак.
Ботинибу ботинмай,
Ташлаб қаро эвларин,
Ҳам зуҳур, ҳам ботиндай
Даштнинг жину девлари —
Гулханнинг теграсига
Оҳиста ташлашар қур.
(Бир девнинг чаккасида
Липиллайди майин нур).
Эртак эса оқади,
Дўмбира сокин бўзлар.
Армон тундан боқади,
Умид пичирлаб сўзлар.
Ялмоғиз — ялма оғиз —
Қулоқ тутар эртакка —
Қулоқ тутади сўзсиз,
Чўғ тушса ҳам этакка.
Содда алвасти бир дам
Хаёллари сочилиб,
Силайди —
Уйқу элтган
Гулханнинг ўт сочини.
Дала-даштнинг руҳлари
Ўлтиришар мунглашиб,

Ўзлари ҳақидаги
Эртакларни тинглашиб...

Эртак туш билан уйғун.
Тонг етишган чоғида
Давра киради — туйғун
Уйқунинг қучоғига.
Ҳушёр тонг хабарига
Қоронғулар тўзғинар.
Эртакнинг сафларидан
Қайтиб руҳлар кўзғолар.
Кўзғолишар оҳиста,
Аста ташлаб қадамлар —
Эртакдан — гўзал тушдан
Уйғонмасин одамлар.

Кетаркан, мудраётган
Эртак устига улар
— Жунжикмасин! — армондан
Чопон ташлаб қўярлар.

ДАШТ ВА ТОҒ ҲАҚИДА ҚИССА

Қалбимга тўкилди соғинч — хазонрез,
Жонимга етишди қаро совуқлар.
— Тоғим, умр кетмай учрашайлик тез —
Бошимда айланди қўрқинч човутлар.

Тоғим қолган ёққа айладим нолиш,
Воҳким, дардим — баланд, нолишларим — паст...
Уфқдан мунғайиб келди бир товуш:
— Мен кетсам бир ўзи қолади-ку дашт...

Тақдирдан нарига гуллар тўкилди,
Тақдирнинг ичида энди саратон.
— Умрнинг китоби қарийб ўқилди —
Даштим, кўришайлик, тезроқ кел, бу ён!

Даштим қолган ёққа айладим нолиш:
Воҳким, умрим — қисқа, нолишим — узун...
Уфқдан айланиб келди бир товуш:
— Менсиз бу тоғларинг қандай кўрар кун?..

Кузак ўтиб кетди кўчамдан ҳориб,
Ҳаёту мамотнинг қолмади фарқи...
— Иккингиз ҳам келинг уфқни ёриб,
Кетарнинг йўллари бир тортсин салқи!

Тоғиму даштимнинг ўйлари неча,
Аммо қисмат они айтдилар чин байт:
— Биз кетсак, Бойсуннинг ҳоли не кечар? —
Ўзинг кел, оғажон! Оға, ўзинг қайт!

Сизнинг чорловингиз сўнгимга етди,
Сиз дунё кўргансиз, сўйлангиз бу дам:
Бойсундан келишга бир умрим кетди,
Қайтиш айиргайдир неча умримдан?

Юксак оғам ўзин булутга солди,
Вужудини тилди сонсиз даралар.
Кенгиш оғам кенгиш хаёлга толди,
Чўкди туманларга чексиз далалар.

Камтар бу сукутда кўпдир ҳақиқат —
Унда зил ҳаётнинг сурати зоҳир:
Бойсунда тоғ бўлмоқ қандай машаққат,
Бойсунда дашт бўлмоқ нақадар оғир!

Лаҳзалик мавжида ҳамма жавоб ҳал,
Юзимга урилди тоғу дашт ели:
— Бир бор яшамоққа гарчи қодирсан,
Қўрқмагин, овозинг келди-ку етиб...

Овунмай йиғладим Наврўз келган тун,
Туну кун тенг боқди гарчи ройимга...
Бир тоғ бўлолмадим бошингда, Бойсун,
Бир дашт бўлолмадим, Бойсун, пойингда.

* * *

Менинг Бойсунимда — туғилар булут,
Тогларга қадалган — осмони яқин.
Менинг Бойсунимда — кўк юзин юлиб,
Туғилиб-ўлишни машқ қилар чақин.

Менинг Бойсунимда тентакдир баҳор —
Селларни қувади сойдан ошириб.
«Эна» деб Алпомиш келар ҳар наҳор —
Эртаклар улашар дилга бош уриб.

Менинг Бойсунимнинг — кўчалари тор,
Менинг Бойсунимнинг — кечалари кенг.
Бойсун берган менинг битта дўстим бор —
Мени йўқотишда Қоражонга тенг.

Бойсунга етгунча сўнгагим чўпдир,
Йўлларим сувсиздир, йўлларим — энсиз.
Бойсунимда Бойсун тобора кўпдир,
Бойсунимда Бойсун тобора менсиз...

* * *

Бу юртни
Замонлар солгандир ўтга,
Фақат хоки қолган ерга кўмилиб.
Руҳини изласанг —
Тикилгин кўкка,
Юракдан бўзлагин —
Тушар тўкилиб.
Аммо тупроқ...
Тупроқ барибир азиз —
Беқанот азоблар шу ерга тушган...
Шунданми,
Бу юртда мени кўрсангиз,
Ерни босолмайман —
Учганим — учган...

* * *

Тоғлар этагидан бошланади дашт.
Айланиб қуюнлар тушарлар садир.
Саратон. Ўтгандир апрелдаги гашт.
Адир. Сувсиз адир. Бекадр адир.

Мана, яқин келдик... Мен туғилган жой —
Бағрини минг пора айлаган вужуд.
Шафақранг жарлару минг чувалган сой,
Тобалар — иссиқдан йиқилган булут.

Тўғри чизиқларни ғижимлаб отган,
Йиртилган, қирқилган, букилган шакл —
Бир учи мангулик ичига ботган,
Бир сўзи замондан айтади нақл.

Фалак чўчиб боқар сойлар тубига —
Булоқда титрайди ночор парчаси:
Осмон анграйганда ногоҳ тутилган —
Тубсизлик ютгандир шундан бошқасин.

Қанот қоқмас — кўкда қирғий муаллақ.
Турғун бу ҳолида ваҳшийлик пинҳон.
Чангали қалтирар — йўл берса барҳақ —
Қояни чангаллаб кўтарар бу он.

Кетдик. Кетдик. Боқманг ҳеч ортингизга —
Йиғлатмоқ одатин бу жой яширди...
Мен уни тангрига топширдим. Сизга
Айтмадими — мени кимга топширди?

* * *

Гулхан ёнар тун ўртасида,
Куйлаклари кукун — яланғоч —
Қоронғунинг қоқ ўртасида —
Зулумотни ямлаб ютар — оч.
Шиддат кўпдир арча ўтинда —
Юзни ўтди учқуни тирнаб.
Ўлтираман суяниб тунга —
Ўмганимни ёруққа тираб.
О, даҳшатли дунёман ҳозир!
Асир тушган зулматга елкам,
Ёруғ эса — азиз хавотир —
Иссиқ бағрин кўксимга берган.
Қуйиб юбор, қуй кафтимни, тун! —
Нохос қарор кўзғолди танда...
Тундан озод бўлмоқлик учун
Бир маскан бор... фақат... гулханда.
Аммо чўкди юрагим мунгга —
Сен нимасан жонда уринган?
Орқа миям суянган тунга,
Ёруғликка руҳим урилган...

* * *

Куз забт этган қишлоқда оқшом.
Хазон урди
Шамол бетига.
Ёлғизгина уйлар —
Беором —
Тиқилишди кўча четига.

Суворийлар қайтди улоқдан,
Ўчоқларда
Олов тўладир.
Оҳ, дўмбира! — бўзлаб —
Узоқдан —
Алпомишни излаб жўнади.

Қозон қайнар —
Худога шукур...
Бу юракми
Дунё талашган?
Ҳамма уйлар —
Бесўз,
Беузр —
Фалакларга қармоқ ташлашган.

Экранларда тўлғонар олам.
Алпомиш йўқ...
Чалмагин,
Етар...
Қозон қайнаб турибди,
Болам,
Дўмбирангни синдирсак, нетар?

Болам,
Феълинг жуда ҳам ўжар —
Такрорлайсан қандай тушларни?
Дўмбирангда
Бир азоб ўсар,
Синамоққа Алпомишларни.

Умр берган отангман,
Ботир,
Сўз айтаман мен ҳам беғараз:
Болам, сенинг қўшиғинг чоҳдир,
Алпомиш ҳам унга киролмас.

Дунё билан баҳслашмагин,
Қайт!
Армонингни шамолга едир...
Кучинг бўлса,
«Оҳ» урмасдан айт —
Қайнаётган қозонда недир?

* * *

Шамол бу маконнинг сўнгсиз меҳмони —
Ғувиллаб кун кўрар бужмайган шаҳар.
Тўзонни қучоқлаб тушади шоми,
Чангу ғубор билан юз ювар саҳар.

Бу шаҳарга йўллар илондай кирар —
Олишиб атрофнинг бархани билан.
Ангорлари кир-чир дарахтлар турар —
Қушлари — безовта арқони билан.

Бу ҳолнинг барига қуёш аралаш —
Ёнару — ичида барча тутуни —
Кўчалар устида аждардай яккаш —
Бир дам дўзахидан бўлмас қутулиб.

Худо унутганми яратган они —
Ҳар ҳолда ёдига тушмаган қайта...
— Қаранг, мен — Ҳамлетман!..
Ўзича ёниб
Ширакайф актёр монолог айтар.

У — нодон, жунунвор, гўдак, беақл,
Ҳаётнинг маъносин тушунмас сира...
— Ҳаёт ёхуд ўлим?..
Титрар театр —
Зўравон давридан қолган хотира.

Шимининг почаси «пўпак» боглаган,
Туфлисин пошнаси қийшайган — хунук.

(Аммо сидқидилдан тонгда ёғланган) —
Монолог ўқийди актёр кулиб.

Ҳозир забт этмоқчи бутун жаҳонни,
Шуҳратнинг эшиги яқин — бир қарич.
Омад нақ манглайга қўнгани они —
Шампан шароб тутиб чиқади Париж...

Қанотсиз каптардай ғувиллар шаҳар,
Чанг шамол сўйлайди сўнгсиз шарҳини.
Санъат — қадри баланд, бир сўз жодугар —
Ҳеч қачон айтмади аниқ нархини.

Вақт ўтар — жизғанак — бир гап айтмайди
Сочгани нимадир — ғуборми, орзу?
Актёр шивирлайди:
— Санъат қайтмайди...
Аммо содиқ қулдир — кутиб турар у.

Қум қувар афғони — муҳожир шамол,
Шаҳар ажинлари тўлади чангга —
Дунёда санъатнинг борлиги маҳол,
«Ҳамлет» ёзилган йўқ ҳали оламда.

Шаҳар теграсида тўлғонар чўллар,
Қадим умидларга таъни қоришар.
Шаҳар эшигидан ҳатлаган йўллар
Олишар... Барханлар билан олишар.

САҲРОДАГИ ДАРАХТ

Дарё йўлини бурди.
Дарё — хиёнат.
Қушлар, боғлар, воҳа... — хиёнатга қул.
Фақат саҳро қолди — тўзғиган офат,
Ёлғиз дарахт қолди — соғинчда машғул.

Қуёш шаршарасин дарахтга тўкди —
Севги изҳор этди шу тахлит саҳро —
Қумли лаби билан баргларни ўпди,
Оловли қучоқлар айлади барпо.

Дарахт жим термулди саҳро сатҳига:
— Қайда кун кўрмайин подшоҳдир тақдир.
Мени бўғиб ўлдир
Иссиқ бағрингда,
Ёхуд саксовулга тезроқ айлантир...

* * *

Тепаларнинг бетида
Шамол ухлар шувалиб.
Ёз иссиқда ўлтирар
Хаёллари чувалиб.
Суяклари шавшаган
Саксовуллар — бечора.

Мен саҳрода сарғайдим —
Сен деб бўлдим овора.

Саратоннинг ичида
Осмон мовий гулхандир.
Юрсам, бархан офтобнинг
Игнасига тўлгандир.
Шу игнадан бир тола
Кирса эди кўнглима...

Жондан айирди соғинч —
Иссиғида ўлдим-а!

Моя теваси билан
Сўзлашмоқда ғўлдираб.
Фалакда тирик нуқта —
Тўрғай сайрар чулдираб.
Елкамга ботиб борар
Ёзнинг оловли қўли...

Менинг кўксимдан ўтди
Соғинчнинг ҳамма йўли.

Инидан чиқар илон —
Пўст ташлади ёнимда.
Саҳро, саратон... — менинг
Ёнаётган жонимда.
Соғинчнинг қуёшига
Жону жаҳони тордир.

Бу-ку ёз... Армонингнинг
Ҳали кузи ҳам бордир.

* * *

Ям-яшил танини шамол супурди:
Минг ранг гуллар ичра тўлғанаркан маст,
Баҳорни симирди, майдай симирди —
Майсаю ёмғирда чулғанган кенг дашт.
Бошида ўт сочиб ёрилди булут,
Сел ҳиди уфурди сойлар бетида
Кимнингдир бағридан доғини юлиб,
Қизғалдоқ қизарди даштнинг четида.
Кўлмакда «ярқ» этган ёнғин — чақиндир,
Бағрига тўшалган — камтарин осмон.
Шундай кун яшамоқ бахтга яқиндир,
Шундай кун эрийди тоғлардай армон.
Ёҳуй!.. Тирикликнинг йўқдир поёни...
Мангу Ҳаёт, кўкар! Гуллагин! Ярал!
Менинг юрагимдан ўтаётган они —
Баҳор шиддатидан битмоқда ярам.

Баҳорги бахтда ҳам чегара расм —
Ёндирмай қўймайди даштнинг оғуши.
Қирларнинг ортидан таралар ҳазин
Кўганли қўзининг ночор товуши...
Кўзимдан йўқолгин ғамнинг сиёғи!
Даштга ярашиқман — бермагин озор.

О, мен ҳам баҳорнинг унут қиёғи —

Шу лаҳза дашт узра кўкармоғим бор.
Гарчи юрагимда хазонларим мўл,
Гарчи узоқ кетди умрнинг фасли,
Даштда санқиган Вақт, бир узатгин қўл,
Қайта кўкармоқлик мумкин эмасми?..
Баҳорнинг ям-яшил салтанатида
Турналар хаёлдай кўкда тизилди.
Менинг дардларимнинг қат-қатларидан
Камалак узилди — юрак узилди...

СУВ

Ўйлаб кўрмагандим булутлигимда —
Шамол — бадҳукмдан айрилсам басдир...
Учдим баланд тоғлар тиниқлигига,
Аммо музликлари олдилар асир.

Чўққилар қуёшга этмаслар парво —
Совуқда унутдим жонли рўзимни.
Митти томчиларга айлангунча то
Қанча уринишга қўшдим ўзимни.

Ҳайда! Тулпорингни, шўх ирмоқ, ҳайда!
Ўйноқ эгарингда мен — шаън суворий.
Қоялар ваҳима! Озодлик қайда?
Ташла шаршарадан, ташлаб юборгин.

Пешонам урилди тоштан тўғонга...
О, менинг пешонам! Бекисмат! Бейўл!
Бу хил бандилигим кирар армонга —
Харитада битик — мовий рангда — кўл.

Тўғон — вазмин, айёр; қилмиши — пастлик,
Айтгани фалакка мен ҳақда доддир...
Бир куни бу ҳолни этгани тасдиқ,
Тирқишидан — атай — танимни отди.

Яна ҳаракатга қўшилдим ўйнаб,
Орзу-умид — шиддат руҳимга дохил.
Мени ўз йўлига бошлади қийнаб,
Иккита жим соҳил — икки жўн соҳил.

Одамлар соҳилдан очди дарчалар
(О, улар макрда соҳилдан ортиқ!)
Ариққа солдилар мени парчалаб,
Ўзандан жисмимни олдилар тортиб.

Бормисан, соғинчим, эй баҳри улкан,
Тўлқинли ҳаётни бағрингда топдим.
Қийналган жисмимни яйратдим бу дам,
Тўлқинлар измида беармон чопдим.

Аммо қаерларда чеки йўқ сурур,
Чексиз озодликнинг маскани қаён?
Ўн кун у ён юрсам — муз тоғи турур,
Ўн кун бу ён қайтсам — иссиқ Ҳиндистон...

Бошимга сирғаниб етишди кема,
Бир кимса кемадан ёшини тўкди...
—Ғамгин дўст, бу ҳолнинг маъноси нима,
Нима, қирғоқда ҳам чексизлик йўқми?

Тўртинчи дафтар

ИККИ ХОТИРА

1

Хотирамда... Эрадан аввал,
Саноғи йўқ даврдан илгари —
Мен сузганман сувда — мукаммал —
Дил тусаган манзиллар сари.

Хотирамда — мавжларда синиб,
Қуёш акси ўйнар кўзимда.
Мен — балиқдай жонворман — сузиб,
Топаяпман ором — ўзимга.

Йўлларимни тўсмаган тўсиқ,
Тўрт тараф сув — ердан йўқ нишон.
Мовий кенглик осмонни қўшиб —
Тўрт тарафга отар ғалаён.

Раъйим ила жумлаи жаҳон
Кенг ҳаётдан айтади дарсни.
Қуёш билан — истасам — ишон! —
Айланаман курраи арзни.

Ва ухлайман... Мавжлар — бешигим.
Асабимнинг ҳар ҳужраси тинч.
Илон каби хавфли эшилиб,
Тушларимга кирмайди қўрқинч.

Хотирамда — элас-элас шу...
Эласликда оқар сўзларим,
Эласликда соғинч бор туйғу —
Ёшланади фақат кўзларим.

2

Хотирамда — эрадан аввал,
Инсон кўрган даврдан илгари,
Мен учганман кўкда — мукаммал —
Кўнглим истар уфқлар сари.

Қанотимни шамолга ювиб,
Эркин ёйиб ҳаводарёда,
Ерда сузган кўлкамни қувиб,
Қичқирганман озод дунёда.

Жоним ҳали билмас хатарни,
Завқу шиддат оқар томирда.
Қофқозбоғда кутсам саҳарни,
Дуч келганман шомда Помирга!

Кашф этмаган олам милтиқни,
Ҳали мени тўхтатмаган ўқ —
Қотмаганман ногоҳ интилиб,
Ҳатто мерган душманларим йўқ.

Ва... Ухлайман, учиб бораркан,
Шамол қўшиқ айтар чувалиб.
Сарҳадларни кўрмаган олам
Тушларимга кирар увалиб.

Хотирамда мен йўқман, аммо
Айланади менсиз парвозлар.
Шеърларимни ўртайди ногоҳ
Қушларданми қолган овозлар...

* * *

Агар дўстинг ноҳақ эрса,
Ҳақ сўзингни айтабер.
Дўстлик сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Агар ёринг ноҳақ эрса,
Ҳақ дилингда юрабер.
Севги сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Агар отанг ноҳақ эрса,
Ҳақ йўлингда боравер.
Отанг сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Агар юртинг ноҳақ эрса
Ҳақ руҳингда қолавер.
Юртинг сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Агар халқинг ноҳақ эрса
Ҳақ рўзингда қолавер.
Халқинг сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Агар дунё ноҳақ эрса,
Ҳақ дунёнгда турабер.
Дунё сени ерга урса,
Кўтаради қаро ер.

Тангри билан кўнгил боғла,
Кўнгилни ич — бўлгил маст...
Агар сени худо урса,
Болам, ер ҳам кўтармас...

ЛЎЛИ ҚЎШИҒИ

Бизнинг отга керак эмас
На қамчию на жилов:
Аравани тортаверсин —
Ўз эркида бу бедов.

Олам сирин ўқиб турсин
Ой — ўн кунлик талаба.
Кетаверсин шалдир-шулдир —
Тўхтамасин арава.

Ёзда йўлни чангитсин от,
Баҳор чоғи тойисин.
Мен «оҳ» уриб қўшиқ айтай —
Дунё кўнгли бойисин.

Шод чоғларим қўшиқ айтмоқ
Дилга эрка ўйиндир.
От эркида менинг эрким —
Бу кенг дунё уйимдир.

Ўзга қўшиқ айтмоғим бор,
Ғамим бўлса зиёда:
Қайга борса, отнинг ҳуши —
Уйим йўқдир дунёда.

* * *

Зириллайди юрак. Кўр қисмат
Жангга чорлар. Уради добил.
Кўзи бежо — нимадир истаб,
Деразамни қоқади Қобил.

Ёддан чиқар ҳамма сифатим,
Тақдирга ҳам мардман, одилман.
Деразани қоқар қисматим —
Мен — Ҳобилман,
Фақат Ҳобилман...

Безаради Қобилнинг руйи,
«Ука» дейди — ёмон боқади.
Мен огамни қучаман суйиб —
Қобил қандай яхши акадир!

Самовотдан қарайди Оллоҳ —
Хавотирда энтикар дам-дам:
Шайтон нима ўйлади, эвоҳ...
У ҳам ҳали англаб етмаган.

ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ МАҚБАРАСИДА

...Нажот сураб йуқладилар, анда қабрларидан «тирикмиз» деган садо келди. Айтадурларким, Термиз атоғлиқ шаҳар шу садога боғлиқдир...

Сим тўрлар чекинди. Агар Амуга
Қулни чўзар бўлсам, йиқитмасми ўқ?
Бобо, бутун умрим мастлик тонгида,
Мана, жоним очиқ — қўрғонлари йўқ.

Ўпсам тупроғингни — макруҳ бўлмагай,
Тиз чўксам, тизимдан қочмагайдир ер.
Менинг тинчлигимга аммо кўнмагай,
Зимиллаб ёпишди қалб бўғзига шеър.

Подшоҳлигим йўқдир шаҳар қурдирсам,
Ёхуд тош қўйдирсам оятлар ўйиб.
Минг йиллик дардларинғ жоним куйдирса —
Қурбонлиғ этайми ўзимни суйиб?

У ён — Чағаниён, бу тараф — Термиз —
Бешикдай тебратар тупроққа ётсак.
Тарих қават-қават тўшалган ермиз,
Қай аср кўмади ой каби ботсак?

Қалбимда қурилар ҳар дам минг шаҳар,
(Қоғозга етади аранг шовқини),
Қўрқоқлар имонин ютиб юборар,
Айтсам, Вақтга йўлдош юрмоқ завқини.

Учиб бораётир — қалбим — Самандар —
Гоҳ кулман, ғоҳ олов — йиғлайман из-из.
Асрлар қаъридан тасалли келар:
«Йиғлама, тирикмиз, болам, тирикмиз»...

ҚЎНҒИРОТ ДАШТИ

Қодир бахшига бағишладим

Лайлиланиб ёғади,
Лайли қору лайлак қор.
Қишни юрак ёқади —
Отлиқ ўкирар: «Эй, ёр!..»
Мажнунланиб ёғади,
Майда қору мангу қор...
«Сўзим ерни ёқади,
Сўзим ерда қолди, ёр!»
От устидан сўз айтар,
Отлиқ айланар шеърга.
Сўз кўкдан ерга қайтар,
Сингийди муздай ерга.

Узун-узун арғамчи —
Уззукун ёғар ёмғир.
«Мен куйингда тиламчи» —
Куйлади отлиғ оғир.
Сағирланиб ёғади
Сокин ёмғир, сас ёмғир.
«Даврон кимга боқади? —
Ғалвир бўлди-ку бағир!»
Дўмбира бир эмранар —
Отлиқ айланар шеърга.
Дашт бешикдай тебранар —
Сўз сингар юмшоқ ерга.

Куйиб-куйиб нур сочар
Куйган жонларга офтоб.
«Дунёни тинмай янчар
Тегирмонинг, изтироб!»
Ўйиб-ўйиб нур сочар
Уйилмагур бу офтоб.

«Оҳ, даврон илдам қочар,
Дайри дун мендан — шитоб...
Воҳ, ўлдирдинг!.. — куйлайди,
Отлиқ айланар шеърга.
Тупроқ «оҳ» га тўймайди —
Сўз сингар қаттиқ ерга.

Дунё — якка, дашт — якка,
Одам ёлғиздан-ёлғиз.
«Мен йиғладим фалакка,
Умрим — адашган ҳофиз...»
Қайғу — якка, куз — якка,
Ҳамма илинждан олис.
«Қўлин чўзди юракка
Бир ҳасратли ялмоғиз» —
Дўмбира йиғлаб турар,
Отлиқ айланар шеърга.
Куз ҳорғин тинглаб турар,
Сўз сингар қаро ерга.

Фасллар алмашади,
Йиллар ўтади тўзиб.
Асрлар чалкашади —
Бири-биридан ўзиб.
Отлиқ ўтади якка,
Отлиқлар ўтар йиғлаб.
Отлиқлар йиғлар ҳаққа —
Ерга киришар саф-саф.
Шеър сингар муздай ерга,
Шеър сингар куздай ерга,
Шеър сингар тошдай ерга,
Шеър сингар — ёшдай — ерга...

Ўлсам, тезроқ кўминглар,
Қутлуғ саройим ерга...
Аммо ётаман қандай
Шеърда, энг улуғ шеърда?

ШАЪН ҲАҚИДА ҚАДИМ БАЛЛАДА

Замбараклар гумбири — жўшқин,
Ноғоралар солар овоза.
Очилади нақшин дарвоза.
Дарвозадан чиқади қўшин —
Ярақлайди — анжоми тоза.

Даста-даста навкарлар борар,
Ёнларига қилич ярашиқ.
Теваракка ўйчан қарашиб,
Беклар — вазмин раҳбарлар борар —
Панжа билан соқол тарашиб.

Ёнбошида қадимий савдо
От устида борар валиаҳд.
Эл ишига улуғ умри тахт,
Салтанатнинг қуршовида шоҳ —
Ёв устига отлангандир шаҳд.

Қўрғон узра чувиллаб қатор,
Хотин-халаж айтар «оҳ» ини.
— Равон айла лашкар роҳини,
Элни этма душманига хор —
Фалокатдан асра шоҳини.

Қўл очади чоллар дуога,
Келинчаклар артар ёшини.
Кафтларига қўйиб бошини
Илтижолар қилар худога —
Маликанинг ғами тошиниб.

Лашкар кетар. Овора кунлар
Соғинч — узун. Айрилиқ — узун...
Шаҳарнинг тинч уйқусин бузиб,
Ғумбурлайди ногоҳ ноғора —
Хавотирда юракни узиб.

Тошқўрғондан боқар халойиқ:
Улуғ лашкар — навкарлар йўқдир.
Беклар —вазмин раҳбарлар йўқдир,
Валиаҳд йўқ... Қудратли Холиқ!
Подшоҳ — камтар халқпарвар йўқдир.

Қўрғонда халқ ув тортар — айтар,
Дунёларга ғамдан овоза...
Очилару нақшин дарвоза,
Кўк либосда Шон-Шуҳрат қайтар —
Яроқлайди — юракдай тоза.

Чанг юзида бир босиқ ҳолат,
Яйдоқ отда келади Мардлик —
Ўлим кўрган кўзлари дардлиғ.
Бир ёнида ҳазин Жасорат —
Тулпорининг ёллари гардлиғ.

Келаётир уч оға жонбоз —
Уч улуғ руҳ — қурбон — бекафан —
Ғолиб юртда мудом тирик шаън...
Учовига чиқади пешвоз —
Елкалари титраниб — Ватан.

«БАХШИЁНА» дан

* * *

Отамнинг энаси — Гулдона момомнинг алласи деб Элбек бахши биз шогирдларига шундай алла айтиб бергич эди:

Бу бешикнинг ичига
Юлдуз қўнгандай бўлди,
Эл-юртининг кўнглига
Кундуз қўнгандай бўлди —
Алла.

Бешигининг бошига
Фалак келиб эгилди,
Энасининг тилига
Юрак келиб эгилди —
Алла.

Қирқ фаришта соғиниб,
Хумордайин эгилди,
Давомчим — деб бобоси
Чинордайин эгилди —
Алла.

Отаси: гунг дунёда
Рубобим, деб эгилди.
Барча мушкул саволга
Жавобим, деб эгилди —
Алла.

Момоси: «Атир ўйли
Маъданим» деб эгилди,
Ватан ичида гўзал
Ватаним деб эгилди —
Алла.

Ватан ҳам суйиб-суйиб,
«Полвоним», деб эгилди,
Менга тушар тошларга
Қалқоним, деб эгилди —
Алла.

Энамнинг энаси Ҳайитгул момомнинг алласи деб Элбек бахши мана бундай қўшиқ айтгич эди:

Бола йўргаклаш савоб,
«Тангрим» деб қилдим тавоб —
Аллаё, алла.

Ой мўралар эшикда,
Тангрим ухлар бешикда —
Аллаё, алла.

Юлдуздай сўнмас бўлгин,
Элдайин ўлмас бўлгин —
Аллаё, алла.

Йиғласам ёшимда тур,
Ватандай бошимда тур —
Аллаё, алла.

Оллоҳ — ёлғиз, юрт — ёлғиз,
Она берган сут ёлгиз —
Аллаё, алла.

Турфа-турфадир олам,
Сен ҳам ёлғизсан: болам —
Аллаё, алла...

Бу қўшиқлардан ҳамманинг кўнгли тўлиқиб турганда, бир куни нариги ўтовдан Элбек бахшининг келини Гулсумнинг алласи эшитилиб қолди:

Дўмбиранинг тори бўл,
Нақши бўлмагин, болам,
Дўмбирани ерга қўй —
Бахши бўлмагин, болам,
Алла-ё.

Бахши бўлсанг — эл ичра
Зоринг бўлади, болам.
Элнинг яхши-ёмони
Оринг бўлади, болам —
Алла-ё.

Бахши бўлсанг — эл ичра
Номинг бўлади, болам.
Номинг заққумга тўла
Жоминг бўлади, болам —
Алла-ё.

Бахши бўлсанг — сўз ичра
Коринг бўлади, болам,
Айтганинг ҳар ёлғон сўз
Доринг бўлади, болам.
Алла-ё.

Бир бутуну, мингу бир
Каминг бўлади, болам,
Тангрим яратган дунё

Ғаминг бўлади, болам —
Алла-ё.

«Гулсум ёш-да, — деди келинининг алласини эшитиб Элбек бахши, — бу дунёни битта деб ўйлайди... Ҳар кимнинг ўз дунёси борлигини қаердан билсин?»...

ЭЛБЕК БАХШИ ҚЎШИҚЛАРИДАН

I

* * *

Тилим сўйлашга кетди,
Миям ўйлашга кетди.
Томоғимнинг торлари
«Ҳақ» деб куйлашга кетди.
Оёғим ишга кетди.
Оловим қишга кетди.
Керагага суяндим —
Хаёлим тушга кетди.
Лабим кулгуга кетди,
Кўзим уйқуга кетди.
Уйғонсам жами омад
Айёр тулкида кетди.
Қулоқ ғийбатга кетди,
Кучим ғайратга кетди,
Жанг кунида — бечора
Қорним овқатга кетди.
Очлик ош билан кетди,
Ғамим ёш билан кетди:
Не гуноҳим бор эди —
Таним бош билан кетди?
Кўнгил зор билан кетди,
Юрак ёр билан кетди,
Кўкрагингга урмагин —
Дунё хор билан кетди.
Умрим вақт билан кетди,
Дўстим нақд билан кетди.
Бебахт бўлиб мен қолдим,
Ҳамма бахт билан кетди.
Номард нолишда кетди,

Жоним ёнишда кетди,
Умрим зарра қолмади,
Умрим ҳар ишда кетди.
Куним ғам билан кетди,
Мудом кам билан кетди,
Шундай қуёшли феълим
«Милт-милт» шам билан кетди.

Шамолларда титилдим,
Бир «оҳ» урдим — битилдим.
Мен дунёнинг юзидан
Кўз ёшлардай ситилдим.
Дунё бунча майдадир,
Майда гаплар айтадир.
Бировга дунё қайтмас,
Биз инграсак қайтадир.

Кетган кетди — йўқолди,
Қисмат йўқотиб толди,
Бошимизда айланиб
Бир фаришта — руҳ қолди.

* * *

Сени кўтариб толди —
Ҳорғинликда бу олам.
«Ё, оллоҳ» де, ғайрат қил —
Дунёни кўтар, болам.

Сени кўтариб толди —
Ҳорғинликда бу олам.
Ҳеч бўлмаса, ўзингни
Кўтариб юр, жон болам.

* * *

Болалигим — сағирлигим
Тақдир берган тортиқдир.
Ғамим — тешик бағирлигим
Тақдирдан ҳам ортиқдир...

Ўқ отишса бормоғим тик
Орим берган тортиқдир.
Жонимдаги ногоҳ оғриқ
Ёвим берган тортиқдир.

Совуқ тунда ўтинлигим
Онгим берган тортиқдир.
Довлигиму бутунлигим
Қоним берган тортиқдир.

Ёв ел бўлса, шамоллигим
Юртим берган кўмакдир —
Бу кўмаклар жам-жам бўлса,
Бир йигитга юракдир...

Ўйинларинг кўпдир сени,
Болам, қорнинг бунча тўқ.
Сенга нима бермадим мен,
Болам, нега қайғунг йўқ?..

* * *

Бу дунёга қўл керак —
Қорни тўқ юрмоғига.
Оёқ керак — югурдак —
Хизматда турмоғига.
Кўз керак — ёв сиёқни
Орқасидан пойловчи.
Сўз керак — қўл-оёқни
Арқонсиз ҳам бойловчи.
Қулоқ керак — деворлар
Эшитмаса бўлмайди —
Сирли-сирли девонлар
Карликка ҳеч кўнмайди.
Билак керак — номарднинг
Эт-бетини чўзишга.
Бел ҳам керак — таъзимда
Бир-биридан ўзишга.
Куч ҳам керак — ҳар ҳолда,
Тегранг мудом хатарли —
Соврилмайсан шамолга —
Куч ҳамиша зафарли.

Фақат бежавоб эрур —
Бир савол мангу баҳсли...
— Дунёйи тентак қурғур,
Юрак керак эмасми?

МАШРАБ

Замон барвақт бўлмай деб таслим —
Ёлғон сўзга пинҳон суянган...
Мен замоннинг энг асил расмин
Пинҳон ўраб қўйдим миямга.

Менга аён ҳарому ҳалол —
Чигаллик йўқ, ечилган тугун.
У суратни олиб, бемалол —
Ҳатто ўлиб кетишим мумкин.

Одамзодни агар худованд
Яратгани рост эрса хокдан,
Бу дунёнинг сурати — бир вақт! —
Ўсиб чиқар шеър деган чоҳдан.

Аммо шубҳа кезар оламда,
Миям оғир рангларга тўлиқ...
Зил бошимни қонли елкамга
Қўёлмайди титраган қўлим.

МАРДЛИК ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Жаллод ханжарини қайрар берилиб,
Мулозим шоҳ ҳукмини этади эълон —
Ўн киши туради шундоқ терилиб,
Ўнта тақдирига тан берган инсон.

Навкарлар қичқирар:
— Тартиб сақланглар! —
Халойиқ устига суришади от.
Тошсупа устида босиқ одимлар
Барчанинг тақдирин ҳал қилгувчи зот.

— Қайсинг гуноҳкорсан? — у бсрар савол,
Қурбонлар кўзига боқади бир-бир:
— Биринг деб тўққизтанг топмагин завол,
Тўққизтангдан биринг гуноҳкор, ахир.

— Гуноҳкор — мен, тақсир!
— Йўқ, менман!
— Мен ҳам...
Ўндан тўққизининг эгилар боши.
— Гуноҳим йўқ, — дейди ўнинчи одам,
Ҳатто жилмайишга етар бардоши.

Салтанат ишонмас нима десанг ҳам...
Фақат орни асраш ўзингга боғлиқ.
— Гуноҳкормиз! — дейди тўққизта одам,
Ўнинчи одамга тилайди соғлиқ.

Мен ҳам тўққизтанинг бириман, ёраб...
Ўнинчи одам, ҳей, эшит арзимни:
Гуноҳинг бор бўлса — менга секин айт —
Тўққизта умрга айбинг арзирми?

— Гуноҳим йўқ, — дейди ўнинчи одам,
Жаллод қўзғалади ўрнидан шу он...
— Илоё, гуноҳинг йўқ бўлсин чиндан!
Кундага бош қўяр тўққизта қурбон...

* * *

Мўлжал кўзда қотди —
Босдим тепкини.
Юзимга урилди
«Воҳ»нинг эпкини.

Ким менинг юртимга
Келтирди хатар —
Тирик қолмагайдир...
Оллоҳу акбар!

Иягимни маҳкам
Қўндоққа босдим —
Миямни титкилаб
Ўқ чиқди бошдин.

Ким юртин ғанимга
Топширар магар —
Ўлимга маҳкумдир...
Оллоҳу акбар!

ҚЎРБОШИНИНГ ЎЛИМИ

Чархланади аёзда совуқ —
Ўтмас қилич — ўтади ялаб.
Шоширмайман — жиловни юлқиб,
Отнинг ўзи борар йўрғалаб.

Мусулмоннинг кўнглидай ёруғ —
Бошим узра рамазон ойи.
Ойдин. Қорсиз кечани ёриб,
От суришар тўртта ҳамроҳим —

Тўртта дўстим — баробар ишчан,
Тўрттаси ҳам (худойим!) — эсли.
Тўрттаси ҳам мени сотишган —
Омад кетиб қолганин сезиб.

Ҳув, йироқда — кўз ёшдай! — чироқ —
Артгим келар бармоғим билан...
Ярақлайди авғоний пичоқ —
Бир ваҳима отар отимдан!

Сесканмайди ҳеч ким оҳимдан,
«Лип» ўчади умримнинг шами —
Ўтиб борар кекирдагимдан
Совуққина пичоқнинг дами...

Бойсун! Қатл овозасидан
Ким мусулмон, ким бўлди осий? —
Бозорингнинг дарвозасига
Кофир қўйди бошимни осиб.

Бозорингнинг дарвозасида
Бошим турар — найза қадалган,
Босқинчилар андозасида —
Жим ўтишар ғариб одамлар.

Тўртта дўстим раста оралар,
Тўртта дўстим — тўрт эски ғавғо —
Сара-сара молни саралаб —
Қўллар силкиб этишар савдо.

Оёқлари титрагай бироқ
Босишгандай гўё яшинни.
Тўртта дўстим шу кечасиёқ
Ўғирлашар менинг бошимни.

Кўмадилар бошимни улар,
Йиғлайдилар чиндан — беҳудуд...
Нурсиз қисмат измига кирар
Душманларга топширилган юрт.

* * *

Мен деворга юзма-юздирман.
Гар кўзимни қора рўмолда
Жипс боғлашган — сезиб турибман —
Девор ўша, ўша томонда.

Пайдо бўлди елкамда эса,
Икки фонус — икки улкан кўз.
Тўппончанинг совуқ оғзига
Иккиси ҳам тикилган бесўз.

Тўппончанинг оғзидан боқар
Ўлим — юзда йўқдир пардаси —
Ундан титроқ жонимга оқар,
Юрагимга ўтар шарпаси.

Ўлмоғи шарт, ахир, енгилган —
Курашларнинг шудир сабоғи.
Икки елкам кўрар — тепкида
Қалтирайди дўстнинг бармоғи.

Жаллодликка дурустдир ғаним...
Дўст ҳеч хато қилмайди, ишон! —
Нақ мўлжалга уради. Маним
Жоним қайда — билади аён.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЙИЛ

Отлар елар. Шамолу шиддат...
Бейўлликнинг йўллари узун.
«Беражакмиз жонни — беминнат! —
Хўрликдаги она юрт учун...»

Шамол кўздан оққан ёшларни
Олиб учар даштнинг ичига.
Юртсиз қолган ғариб бошларни
Душман илди найза учига.

Қизғалдоқзор қонли дарёсин
Айланади отлар шатирлаб...
«Биздан кейин ўзбек боласи
Озод юртни кўрсин, ботирлар...»

Ўқлар янграр. Оғир вазият.
Отлар — йайдоқ. Бесўздир лаблар.
Ер юзида учар васият —
Мангулигин сезмаган гаплар.

ЧЎЛПОН

Вақт ўтар — узун-узун,
Арқоғ-арқоғ — қора-оқ.
Арқоғ-арқоғ туну кун...
Менинг тақдирим — қийноқ,
Фақат тун аро умрим.

Чарчадим. Суянмоққа
Борми сабрли дарахт?
Ҳорғинлик уйғонмоқда —
Куч етмас тўлғонмоққа —
Бори вужудим карахт.

Вақт ўтар тизим-тизим,
Дилимда етилар роз.
Вақт ўтар тузим-тузим...
Сўроқ қилма, Худойим,
Тунда яшаганим рост.

Бўзладим — кўксим урён!
О, охир бўлдим фориғ...
Қоронғу эди дунём,
Қоронғу эди дунём —
Қабрим ҳам ундан ёруғ

Бешинчи дафтар

* * *

Лаънати касб — сўзни куйлатиш —
Ўзни ёқмоқ одати — кори —
Фалак билан руҳни сўйлатиш —
Қават-қават дунёни ёриб.

Уйғотаркан ўзимни ҳар кун,
Юрагимни тангрига очгум —
Омборларда тўлганда дон-дун,
Мен, албатта, ўламан очдин.

Турмуш айлар эрмак машғулот —
Орзуларни қириб-қийратиб.
Мен ҳар лаҳза бўларкан барбод,
Улгураман сўзни куйлатиб.

Яшараман Вақт ўтган сайин,
Қартаяман кўнгилхушликда.
Ҳордиғим йўқ — йиғлаб ҳам — тайин —
Чиқаролмас қорним тушликка.

Юзма-юзлик — ҳар лаҳза жумбоқ,
Бирга оқмоқ — асрлар таниш.
О, дунёга тескари юрмоқ —
Лаънати касб — сўзни куйлатиш!

* * *

Меҳнаткаш эт — тирик ҳаяжон —
Тугилган қон — жароҳат чандиқ —
Бу юрагим... — Кўксимда пинҳон
Чўнг хазина — сеҳрли сандиқ.

Қоғоз эса оппоқдир ҳануз,
Оппоқ — тақдир бўлган йўқ сиёҳ...
О, ёнимдан ўтар куп-кундуз —
Бир-бир босиб қароқчи дунё.

Қуёшу ой шуъласиға ғарқ,
Ўтаяпти кунларим — тантиқ.
Қоронғуни этолмайди тарк,
Қоронғуга асирдир сандиқ...

Ўғирлади сандиқни пинҳон
Бу кечаси қароқчи дунё...
— Юрагимсиз мен бир нотавон —
Юрагимни ташлаб кет, сайёҳ!

Дунё эса дев каби учди,
Мен югурдим: — Тухта, урёним!..
... Оқ қоғозга ногаҳон тушди
Қисматимнинг қоп-қора қони.

* * *

Қанотлари кесилган қушлар
Ер ҳукмига этиб риоя,
Умрларин этагин ушлаб —
Яшайдилар монанди соя.

Само ҳануз хотирасида
Қолган тийрак дилларин алдаб,
Айтадилар Ерга қасида —
Ўзларига нажоткор далда.

Тушларида — энтикиш, парвоз...
Аммо тушнинг умри қисқадир:
Ҳамма ташвиш — бахтга иқтибос —
Чин ҳаётдан чала нусхадир.

Юлдузларни илғаса — баъзан —
Юракларда туғилар йиғи —
Уйғотади ором ғуссадан
Ҳушёрликнинг беомон тиғи.

Осмон тун-кун тепада сарсон
(Қуёш ботар, ўрмалайди ой)...
— Илдизинг нақ фалакда, ишон! —
Эслатмоқчи улар, ҳойнаҳой.

Алам ичра ўртанади кўк:
— Айт исмингни!.. Эслагин бир дам!..
Паррандалар — қанотлари йўқ —
Мағрур жавоб беришар: — Одам!

* * *

Ҳали чўкмади елкам,
Енггани йўқ бу ҳаёт —
Мен ҳамон тушларимда
Учаяпман — беқанот.

Йўқ, ҳануз қўрққаним йўқ —
На кундузу на тундан.
Мен ҳатто ҳушларимда
Ерга қўнганим қўнган...

* * *

О, нималар қилдим ўзимни!..
Ошно бўлдим зўру шўрларга —
Юксакларга тикдим ўзимни,
Тушдим қандай қаро гўрларга.

Дилда шеърни оғир пичирлаб,
Қўлда тутдим оғир насрни.
Суякларим синди — ғижирлаб,
Тилимдан сўз оқди — таъсирли.

Тўрт фаслда яшадим бирдан —
Умрим жаъми бир лаҳзага жо...
Ўйладимки, шундай яшасам,
Юраклироқ бўлади ҳаёт.

Оқар ўзин кўнглига қараб —
Адо бўлмас — дунё тўзимли...
Аксимга боқ — шеъримга қара —
О, нималар қилдим ўзимни!

* * *

О, эсламоқ оғирдир бу он
Туннинг қора қилиқларини...
Пасайтириб келмоқдадир тонг
Зулумотнинг пиликларини.

Биродарим! Чироқ... мен эдим! —
Тунга ёруғ ваҳима — юлдуз.
Наҳот, энди қисматим ўчмоқ?.. —
Биродарим... Шафқатсиз кундуз...

* * *

Тириклар ташвиши, марҳумлар ёди —
Тенглашиб бормоқда қалбимда мудом.
Тунлари тўлгонсам — ғамларга ботиб —
Бошимга хўрсиниб эгилар бобом.

Менга тириклардан етганда озор,
Мададга етишар марҳумлар шошиб.
Отам паноҳликни этар ихтиёр:
— Боламга тегмасин ғанимнинг тоши...

Қабрлар ёрилар... Келади дўстлар,
Теграмни ўрашар барчаси суюб:
Бири босиққина тасалли сўзлар,
Бири ол шаробдан узатар қуйиб.

Шароб талхиданмас бу ўтлиғ оҳим...
Марҳумлар фалакка боқишар ҳушёр:
— Оллоҳ, ёруғ этгин бу банда роҳин —
Унга тириклардан дўстликка ким бор?

* * *

Очиб қўйдим ҳамма деразаларни,
Ҳамма деразадан югурди шамол.
Ҳеч кимдан олмадим андазаларни,
Ўсди шамолларда юрагим ҳалол.

Шамолда ковжираб қувончим учди,
Шамолда ҳилпираб келди ғамларим.
Шамолдан армоннинг йўлига тушди,
Тақдирга қоришган оғир дамларим.

Неча умрларни яшадим шошиб,
Неча оғуларда қайта яралдим.
Юрак дупурига эгарни босиб,
Дунёга таралдим, ҳар он таралдим.

Шамолда тўзғиди — вужудим — булут.
Шамолда ёйилди руҳим — кўк само.
Ҳамма деразани ёпавер, сукут,
Ҳамма деразада бўлганман адо.

* * *

Ҳеч нарса йўқ қўлимда,
Кафтим ухлар бетўфон.
О, денгизми? Кўнглимда! —
Тўлғонади беомон.
Мовий кенглик қошида
Ўлтираман сўраб жон.
Тўш уриб ғам тошига
Чўккан кемаман — аён.
Тўлқинларнинг зарбидан
Тан оғриққа тўлгандир...
Мен бир улкан дарддирман —
Кўнглим мендан улкандир.

* * *

Ёқдим кичкина гулхан —
Бу имодир самога...
Коинотда бор бўлсанг,
Ёнимга келгин бу дам.
Ёп-ёлғизман дунёда,
Дўстим — самовий одам!

Дардни тўкдим гулханга,
Дарддан оғирини ҳам...
Келмаса бу оламга,
Дардимни — у одамга,
Нурга қўшиб хотиржам
Еткасзин шаън аланга.

Олис дўстим келмаса...
Ёқдим кичкина гулхан.
Имконим мўъжаз маним.
Дардим ўзимдан улкан —
Гар ёндириб турмасам,
Оламни босгай ғамим.

* * *

Йўқ, умрнинг йўли чалкашмас,
Эгри эмас — текису равон.
У боради — гўё қасдма-қасд —
Туғилишдан ўлимга томон.

Бир мендирман — йўлда бораркан
Саволим бор ҳар бир алафга.
Тўрт тарафга қўяман қадам,
Бош ураман тўрт минг тарафга.

Уриламан — чайқалар миям —
Яроқлайди туман хаёлим.
Бир ёруғ руҳ— мен орттирган ғам —
Бу жонсарак қалбим ниҳоли.

Кўз тикаман ҳамма асрорга,
Чалкашади барча ўнгу сўл.
Осиламан кўринган дорга,
Қичқираман: — Йўқ-ку бошқа йўл?

* * *

Бошимга тушган дунё
Энди кўнгил тарафга.
Мен одамга қарадим —
Руҳни чулғаб шаробга.

Ундан талаб этмадим
Фидолиғу худолиг.
Бошимизда айланди
Мангу қузғун — жудолиғ.

Хуш сўз айтдим одамга,
Адо этдим дўст бурчин.
Енгил тортди бу ҳолдан
Самовотнинг бир буржи.

Юлдузлар ёғдусида
Ҳукмлар оқди — қадим...
Мен одамга дунёда
Меҳмонлигин айтмадим.

Одам ҳам кулиб боқди
Кўзларимнинг намига —
Дунёни унутгандай
Гўё қорин ғамида...

* * *

Бу дунёда мастур-мастур
Яшаб ўтмоқ шарафли.
Сен ўзингсан буюк дастур,
Ҳаёт, қуйгин шаробни!

Тугамайсан— буюк хумсан —
Ичдим — кўнглим фалакдир.
Мангуликдан келган унсан —
Тинглаб жоним ҳалакдир.

Қай пардада маст бўлайин,
Асрорингга етмоққа?.. .
Менинг умрим ердан олис
Бир тарафга кетмоқда.

О, умримнинг тўлқинлари
Чексизликдан нарида...
Неча қават осмон бордир,
Ҳаёт, ернинг қаърида?

* * *

Кўнглимда бир ёруғ чироқ ёқдим мен,
Ҳамма чироқлардан йироқ ёқдим мен.

Ўйладим кўзимнинг чироғи ўчса,
Бунёдим — сўзимнинг чироғи ўчса,

Тунги заҳматимни тонглар ўчирса,
Кунги меҳнатимни шомлар ўчирса —

Борайин — тентимай умримда сарсон —
Кўнглимга, кўнглимга, кўнглимга томон...

Кўнглимда бир ёруғ чироқ ёқдим мен,
Оҳ, нега бунчалар йироқ ёқдим мен?..

* * *

Бошимизга зилдай кўкни ағдариб,
Қаро ерга ўзин кўмдими қуёш? —
Бир парча оловни шаъндай кўтариб,
Зулумотга қарши чиқди симёғоч.
Ишдан ҳориганлар — одамлар ғофил —
Ихтиёр берганлар қорину танга...
Гарчи иложлари тўрт бурчак соҳил —
Деразалар чиқди бу улуғ жангга.
Ким этди уларни отишга ҳукм.
Деворга боғлади — нурланмоқ айбми?..
Кўчада тан олмай кеча ҳуқуқин —
Хайрият, тинмади автолар сайри.
Авто кўчалардан тунни ҳайдади,
Узун ёғдуларни қиличдай сермаб.
(Ботир шиддатидан тун ҳам қайтади,
Жонҳолат йўлкага тирмашди ерлаб).
Тоғлар орасида — недан торикди? —
Кечанинг жуссаси бунда-ку улкан! —
Одамнинг хаёлкаш юзин ёритди
Байроқдай ҳилпираб тўлғонган гулхан.
Фалак ҳам ухлолмас — ёдида ҳануз
Мовий саодатга бурканган бағри:
(— Кўксимда умиддай сен ёнгин, юлдуз,
Сен эса юлдузни ўчирма, тангри!
Ҳар ҳолда осмонман — кўрмоқда кўзим —
Кундуз келар эрса ҳали Машриқ мўл.
Унинг хизматига чиқаман ўзим —
Сомондан бўлса ҳам қуриб ёруғ йўл.)
Осмон-ку майлига... Мана, ҳашорат —
Оти нима эди?.. Қурт-да... Ёнарқурт!
Ўзини ёндириб учди валломат —
Тундан озод бўлди бир митти ҳудуд.
Менинг ҳам чироғим порлайди — узун
Соғинчим улайди тонгларга тонгни.

Сўзимнинг сеҳридан туғилар афсун —
Нурланиш ҳолига қўшгани онгни.
Аммо келар кундуз мени севмайди...
Унинг назарида гуноҳим бисёр:
Гап шуки, бедорлик касбим туфайли,
Дунёни кундузсиз кўрганлигим бор.
Гап шуки, ўлмаган ҳали хотирам,
Шеърим — сезса ҳамки талафотларни —
Ўжар куйлайверар: симёғоч, гулхан,
Фалак, юлдуз... ҳатто ҳашаротларни!

* * *

Барча бунёдкорлик дояси шаҳддир,
Шиддатга ибтидо, энг аввал, аҳддир,
Заҳматга эргашиб келса керак бахт...
Қайда танҳо йўлим, ёлғизим—йўлим!
Йўл бунёд этайин — юлқинар қўлим —
Ҳали мен аҳдимдан адашмадим, Вақт!

«Ҳамма тасодифни айласанг уйғун,
Шунда яралади яшашга қонун»...
Бу — шўрлик тўқиган оғир баётдир.
Қутлуғ равишининг кўринса танги,
«Йўл бўл» деб инсонни яратар тангри —
Ҳамма ўз йўлида мангу сайёддир...

* * *

Кимки ёлғиз яралган бўлса,
Бу дунёдан ўтади якка.
Гарчи меҳри дарахтдай ўсар,
Қисмат уни боғлардан тўсар —
Яшил қалби фақат барҳаққа.

Ким ғуссада яралган экан,
Бу дунёда йўлдоши ғамдир.
У шодликка хатлар битган дам,
Хатни фақат ўқийди эгам —
Фақат унинг киприги намдир.

Ким яралган дайрда зиёда,
Ёруғлик деб кўтарар исён —
Токи умри бўлгунча вайрон...
Тортиқ этар бир кун дунёга
Шу бебахтнинг ёғдусин Раҳмон.

* * *

Бу нима кўргулик?
Бу нима кўрим?
Минг ўлим — туғилиш,
Юз мингдир ўлим.

Кенглик — бир девордир.
Чексиздир — торлик,
Улуғлик — қўрқинчдир,
Ўкинчдир — хорлик.

Аксулдунёларда,
Чўкади рўзлар.
Ҳаёту Мамотдан
Титранар Сўзлар.

Борлик — яшаш учун —
Йўқликни кутар.
Юлдуз юлдузларни
Аждардай ютар.

Дунё дунёларни
Тортар бағрига.
Дунё дунёларни
Отар бағридан.

Юрагим олдида —
Бесабр ёлқин! —
Улуғ музлар аро
Бу митти ёнғин.

Дўзах нафасида
Жунжикар этим...
Ишон,
Фақат нафас
Олмоқчи эдим.

* * *

Кўришдик яшамай,
Кўришдик ўлмай.

Дўст, энди ичайлик
Бир пиёла май.

Нимадан сўзлаймиз,
Не дард тубсиз баҳс?

Умрнинг арвоҳи —
Юрак — ёлғиз сас.

Жомлаб май ичамиз,
Тонглаб — беҳадик —

Яшамай кўришдик,
Ўлмай кўришдик.

* * *

Алдадими, оқибат одил
Аҳд туздими фалак билан ё —
Менга — кулиб — бўларкан дохил,
Юрагимни қайтарди дунё.

Шовуллади боғ каби таним,
Ҳаётимга югурди шовур.
Нохосликда тебранди ҳолим,
Қувончдан то қўрқинчга довур.

Не кунларни кўрмагай одам,
Тошдан бўлса боши — ўлмаса,
Юрак билан яшамоққа ҳам
Кўникаман, худо қўлласа...

* * *

Ўзиб бораяпман ўзимдан ўзим,
Руҳим дарёларин оламга ёйиб.
Пойимга илондай чалкашма, рўзим,
Яшашга лойиқман, яшашга лойиқ.

Ҳаётга юрагим тўкилди-кетди,
Топширдим, бесавдо — бебозордирман.
Руҳим шундай юксак ҳақларга етди —
Энди ўлимга ҳам сазовордирман.

* * *

Қўлим чарчади —
Ғишт тераверив
Кўнглим ўйлаб топган иморатларга.
(Менинг ғайратимдан балки ҳориган).

Оёғим...
Оёғим зирқираб оғрир. —
Саргардон рўзғорим югурдаги шу.
(Унга малол келар эҳтимол бу ҳол).

Кўзимга...
Кўзимга уйқу қадалар —
Армоннинг йўлига термулиб толган.
(Кўзим енгил қисмат истар эҳтимол).

Қорним...
Қорним очдир.
У доим очдир.
Овқатни ўйлади тўқлигида ҳам.
Очкўзроқ (Мешкайга қорин бўлмоқни
Балки пинҳон-пинҳон орзу қилар у)...

«Уф» тортиб, «уф» тортиб
Ўпкам ачишди.
Ҳатто жигарларим қон бўлди, ё раб!...

Шундан ухлашимни улар кутарлар,
Ёмон кўрадилар уйғоқлигимни.
Пинҳон ваҳима бор,

Ботиний шубҳа —
Уларнинг мен билан ухлашларида...

Аммо уйғоқ эрур менсиз ҳам юрак.

Ухлайман, юрагим кўксимда бедор
Қоронғу тундаги чироғим каби.
Менинг хиёнатдан олис юрагим:
Бир сўзли юрагим,
Холис юрагим...

Ҳатто милтиғим ҳам елкамда эмас —
Ана, у даҳлизда — қозиққа осиқ.

Содда юрагимга шубҳа келтирмас,
Ёнимда қиличдай жим-жит чўзилган
Менинг чарчоқ қўлим.
Асабий қўлим...

* * *

Қўлга ўргатдим балиқни
(ё у мени ўргатди) —
Бирғa дунё кезамиз иккимиз.
Балиқ англамайди — қуруқда яшаяптими,
Мен билмайман — денгиздами умрим...
Меҳмонга борсам,
Остонада итдай кутиб турар у.
Қўшиқ айтамиз —
Мен овозимни баралла қўйиб,
У берилиб куйлайди бесас.
Автобусга бирга чиқамиз —
«Кенг аквариум экан» — қувонар беҳад.
Бирга баҳам кўрамиз
Айёр чувалчангни.
Қармоққа бирга тушамиз,
Тўрга ўраламиз бирга...
...Агар омон қолсак.
Чувалчангдан қўрқиб йиғлаймиз,
Худо ўлим берган бўлса,
Қозонда қайнаймиз бирга.

* * *

Чироқни ёқиб қўй,
Қўрқмасин кеча.

(Ташқарида довул,
Нотаниш довул...)

Чироқни ёқиб қўй,
Нурчи тонггача,

Бир чироқ дунёга
Баъзан қоровул.

(Ташқарида довул,
Асабий довул...)

Тунни олам аро
Сочиб кетмасин:

Чироқ теграсида
Асир турсин тун —

Тонг етиб улгирмай
Кочиб кетмасин...

* * *

Денгиз тубида бир тош.
Денгиз тубида бир тош —
Тақдирнинг тош уйини
Биргина бузсам дейди.
Худованд берса ривож —
Худованд берса ривож,
Балиқ монанд эрк қучиб,
Тўрт тараф сузсам дейди.

Наҳангнинг ҳамласида,
Наҳангнинг ҳамласида —
Жисми чексиз муножот —
Бўзлаб улгурар балиқ:
— Жон ёвнинг ямлашида,
Жон ёвнинг ямлашида —
Мени тошга айлантир,
Тезроқ айлантир, холиқ...

ХАЙРЛИ ТУШ

Дунё — кенг, кенгликда
Кўнглим торикмиш...
Торикиш ичинда
Руҳим ёруғмиш.

Гарчи мен турсам-да
Ғамда қисиниб,
Куйлаб яшармишман,
Руҳга исиниб.

Жонимнинг риштасин
Ҳар дам узгудай —
Ҳануз борармишман
Кўнгил измидан...

* * *

Қалб ва Сўзнинг тўқнашувидан
Туғиларкан юракда оғриқ,
Икки дунё йўқлашувидан —
Кўча бошлар эртакка борлиқ.

Шунда — қанча тутмасин пинҳон —
Мен дунёни кўраман аниқ —
Бу телбаваш энг улуғ инсон,
Бу улуғнинг қори — бемаъни.

Гуллаётган боғни оралаб,
Худди куздай борётган одам —
Ҳоримайди қалбни поралаб,
Сезмас — дўстдир худованд билан.

Кўринади кўзимга аён
Юракларни ўртаган ташвиш:
Бу сархушми? Бу — инсон! — Ишон! —
Кашф этилмай қолган Алпомиш.

Ана, ниҳол экаётган кимса,
Сўзласа ҳам савобдан бот-бот,
Эзгу кунлар шамоли тинса,
Бир айланиб бўлади жаллод.

Мен ҳаммани кўраман аён,
Қадалмасдан шубҳакор кўзга.
Кимлигимни сезмас ҳеч қачон
Ўша маъшум боғбондан ўзга.

О, замони келганин сезса,
Нафратини айлаб ёлонғоч,
Дарахтларни аскардай тизар —
Ҳаммасидан ясар дорёғоч.

Жасоратми, ё бесас қўрқинч,
Юракларни оғир босади...
Жаллод мени унутмайди ҳеч,
Бир гуллаган дорга осади.

* * *

Ёмғирга чўмилган
Шабода келди.
Бўйнимга осилди — нақадар хушли.
Озода танидан
Жон руҳи инди —
Тушлар диёриға
Етказди ҳушни.
Дунёда дарахтдай турдим —
Суяниб,
Шаффоф шаббоданинг
Тиниқ кифтига:
Юракка айланди ҳатто суягим,
Ҳатто кулгиларим —
Ҳарир йиғига.

* * *

Булутлар йиртилди.
Ой ҳам кўринди.

Мен томон бир тола
Ёғду уринди.

Деразамдан ўтди,
Кўксимдан — бесас...

О, менинг юрагим
Бу кеча ўлмас.

* * *

Нима босиб турар
Елкаларимни —
Бандам турмасин деб
Дунёда бекор?
Бир-бир санаб чиққин
Телбаларингни —
Ҳаммадан илғорга
Ўтдимми, жаббор?

Оним ўтмагайдир
Бесавол аммо,
Яна жавоб талаб —
Келдим қошингга.
Не учун осмонинг
Ҳар кун — бехато
Қулаб тушаверар
Менинг бошимга?

* * *

Ёғиб адо бўлди
Ҳамма булутлар.
Юлдузлар чақнади,
Пориллади ой.
Шуълага ғарқ бўлди
Олис ҳудудлар,
Пастда шовуллади, шовуллади сой.
Ҳаммани тушундим ёруғ дунёда —
Ҳамдардман — кўзимда шафқат тўла ёш.
Аммо
Бу сой дардим этди зиёда,
Бағрига олгани тошдир,
Тошдир...
Тош.
Ўзи бу сувларга бир бало бўлган!
Денгизини кўрдим—
Бундан ҳам карахт.
Вужуди беомон ишқ билан тўлган:
Қумни тавоб айлаб,
Тўлғанар, бебахт.

* * *

Қуёш ботди.
Тушди намозшом.
Тоғларда гулханлар кўринди элас.
Уларни ким ёқди?
Жон биродарим,
Менинг уйимга ҳам
Намозшом тушди.
Келгин,
Суҳбат билан тонгни оттирсин—
Иккита гулхан.

* * *

Денгизларда юрдим пиёда;
Тўхтаб (баъзан)
Ҳордиқ чиқардим
 Балиқларнинг елкаларида.

Кўчаларда қайиқда суздим.
(Ҳаво етмай),
Нафасим қайтди—
Оломоннинг тўлқинларида.

Ўтда худди дарёдай оқдим—
Куйган сари бу ўжар юрак
(Соҳилларга сиғмай),
Тўлғондим.

«Севдим» дедим кўнглим йўқларга,
Суйганимдан
Йироққа қочдим.

Мени қулдай хўрлаган юртга
«Ватаним» деб
Суйкалдим — итдай.

Мени кечир,
Қаттиққўл дунё!
Билганимча яшадим —
Ўзим.

* * *

Ёмғир ўт ўстирди — навбаҳор унди,
Ботир шон ўстирди — ифтихор унди.
Шамол эрк ўстирди — минг девор унди —
Шамол ҳам мангудир, девор ҳам мангу.

Қуш қўнмай учолмас — замин қўймайди,
Бир умр бахт қайда? — ғаминг қўймайди,
Кулиб яшай десанг — каминг қўймайди —
Қисмат ҳам мангудир, афгор ҳам мангу.

Оллоҳим, гувоҳсан — бахтли оним кўп,
Санасам — шомимдан ёруғ тонгим кўп,
Аммо бу дунёга сиғмас онгим кўп —
Демак, дард мангудир, бемор ҳам мангу.

Қаранг, юрагимда минг бир жароҳат,
Дўст бир мададкордир, ёв — минг адоват,
Ҳар оним бир ҳадис айлар каромат —
Дўст-ёр ҳам мангудир, ағёр ҳам мангу.

Дунё ҳар кун синар саботларимни,
Аммо билмагайдир одатларимни —
Кўнглимда ўстирдим қанотларимни...
Ёҳу!.. Учмоқликка ашъор ҳам мангу.

* * *

Биламан, танимда бошқа дунёлар
Менинг турмушимга яшар қоришиб.
Эзгу сарҳадлардан эзгу зиёлар
Кўнглимга киради аста ёришиб.

Ёнимда яшайди ўзга дунёлар,
Сезаман — кенг дунём қолар торайиб —
Қора сарҳадлардан қора зиёлар
Кўнглимга киради тундай қорайиб.

Эзгу дунёдаги фаришта, айтгин,
Қора дунёдаги ажина, сўйла!
Кимнинг дунёсини мен-да қорайтдим,
Ёришдим кимларнинг дунёси бўйла...

Барча дунёларга тикка борурман,
Фақат ўз дунёмга боқиб ҳар ишда —
Ажина «уф» тортиб йиқилар бирдан,
Менга кулиб боқар ҳорғин фаришта.

* * *

Мен ўзимни сизлаганим йўқ,
Сенлашга ҳам бермадим рухсат.
Ҳеч қачон шеър излаганим йўқ,
Тақдиримни изладим фақат.
Аён! Ўтди сурурнинг пайти,
Севсам ҳамки фақат кундузни,
Икки қўлим яралган, айни
Қайтармоқ-чун кўкка юлдузни.
Мангуликнинг дилда овози,
Руҳ лабидан бахт олар бўса...
Шоҳликка ҳам бўлардим рози
Кечирмоқнинг имкони бўлса.
Олмошларнинг залвори оғир,
Яшагани қўймас яйратиб.
Гоҳ — олислаб кетганда тақдир —
«Мен» демоққа етмас ғайратим.
Уйқу босди, мана кўзимни,
Уйғонмоққа сўз топгин қутлуғ...
Қандай қилиб «сен» лай ўзимни
Худованддай бўлмасам улуғ?

* * *

Ақлни чорлаган қаро тун — ўтмиш,
Юракни қийнаган ёруғ — истиқбол.
Ақлнинг қисмати ишдир, қаро иш,
Юракка телбаваш учмоқлик аъмол.

Юрак қай самодан йиқилдинг толиб,
Қанотинг чопилди, узилди илкинг?
Йиғлайди бошингни тизига олиб,
Ақл — мушфиқ синглинг, меҳнаткаш синглинг.

Юрак учса яна самога гирён,
Унга қўл силкийди ақл — пок севинч.
— Илоё, орзунгга етгил, укажон,
Хавотир олмагин, уйинг тинчдир, тинч...

* * *

Билмадим, қайси баҳорнинг
Сатҳидан учди булут.
Бошима етди шитоб —
Олди магар ҳушни булут.

Офтобни ямлади,
Тоғлар бошига солди чанг,
Охири ютди фалакда
Эркҳаёт қушни булут.

Айриликнинг заҳмида
Ҳолим туман эрди, эвоҳ,
Тан ароким минг туман
Аҳвол ила тушди булут.

Не ажабким, эврилур,
Жонимда гар ёнғин эмас,
Руҳи гардим даштини
Кўз ёш каби қучди булут.

Мен кузак асносида
Бир ғуссали «оҳ» да эдим,
Йиғларида ғусса мўл
Бекорга етушди булут.

Не амалда кўринур? —
Йиғлабмидир, ёғибмидир —
Ёки оқ жодусида
Забт айлағой қишни булут.

Қор ичра, Усмон, майсаман,
Ҳар шарпага жоним ҳалак —
Ки баҳордан мужда етгай:
— Бош кўтар — кўчди булут.

* * *

Энди кўзимга ёш оқизмас ҳижрон,
Юракка чўкади сарғариб, қуриб.
Энди ғам даштидан учиб ўтмас жон,
Ўтади беқанот қуш каби юриб.

Энди чўғни босиб — куйдим! — этмас арз,
Оловда ёнару жилмаяр босиқ —
Юрак изтиробда дарз кетади, дарз,
Беғам давраларда топмагай озиқ.

Севгилим, ғамингни кўрмоғинг душвор,
Энди пинҳон йиғлаш фасли ҳам етди:
Бирини куз ютди, бирини баҳор —
Ёшимни айтгувчи дўстларим кетди...

* * *

О, ёлғизлик! Қачон бу тахтга
Қисмат менинг лошимни отди.
Ёлғон дунё — бўм-бўш пештахта —
Дўстларимни қанчага сотдинг?
Мен елкангга ҳорғин суяндим —
Тоқатим йўқ бу чарчоқ ҳолга:
Танимдаги ҳамма суягим
Томирларга чалкашиб қолган.
Уринмагин, уринма бекор
Ҳар бир сўзнинг мағзин чақишга.
Тақдирми? У — йўлдаги қимор —
Омадга бахт сотган фоҳиша.
Дунё эса оқар тескари,
Унда жой йўқ шеъру достонга —
Қуёш шомда ғарбдан чиқару
Тунда ёмғир ёғар осмонга.
Мен ётибман. Кўкрагимда тун.
Сўзларимни эзар танқислик...
Эгилади бошимга маҳзун
Танти душман — соқов ёлғизлик.

* * *

Фалак ёқиб қўйди ҳамма чирогин,
Ҳамма фонусини замон ўчирди.
Заминдан ариди ҳамма фироғинг,
Ҳамма фироғингни кўкка кўчирди.

Ўчир чироғингни, ўчиргин, фалак,
Айрилиқ онида — байрам зиёда.
Заминда қолмоқда чарчаган юрак...
Фалакка ўрмалар руҳим пиёда.

Кўзимга босайин, парча булут бер,
Фалак, ёшим келди бўғзимга тўлиб.
Менинг юрагимга қабр бўлган Ер,
Мени кузатмади бир чироғ бўлиб.

Асло қилганим йўқ унга хиёнат,
Дардига қурбондир қанчалар сўзим...
Ўзи юрагимга этмади шафқат,
Руҳимни фалакка ҳайдаган ўзи.

* * *

Ҳаёт, ўзинг олий тариқат,
Ҳар ҳолингда тангрининг саси.
Мен саждага бош қўйдим... Ёраб!
Осмон — юксак масжид гумбази.

Дунёнг билан тўлганман, ҳаёт,
Кулса — жаранг, йиғласа — ёшман.
Оллоҳ айтган бир ботин баёт
Дилга оқар чувалаб бошдан.

Юлдузлардан йироқ муҳитда
Мен муваққат яшашга кўндим —
Кўкка боқиб увлайди итдай
Юлдузларнинг парчаси — кўнглим.

Тўрт унсурдан яралган танда
Тўрт унсурнинг тўрт хил босқини.
Фақат дилдан таралар жонга
Худованднинг қутлуғ тошқини.

Мен кетаман тангри йўлидан,
Тугар умр — даҳшатли фироқ.
Ҳаёт!.. Ҳаёт, сенинг қўлингда
Қарзим қолар — бир сиқим тупроқ.

* * *

Кўкрагимда айланар
Бу чархи дун — тегирмон.
Фалагу ер остида
Бир заррадир тану жон.

Йўқ, ҳеч кимга омон бермас
Бу тегирмон — чархи дун.
О, бировнинг оғзи қондир,
О, бировнинг бағри хун.

Бу тегирмон аямайди —
Танни янчар — кўзи оч.
Фақат руҳнинг атрофида
Айланади беилож.

* * *

Кунимда минг ташвиш бордир,
Руҳу қалбда минг армон.
Шаштимда минг қилич бордир,
Шафқатимда минг қалқон.

Деворларга урилдим-о,
Ярақлади манглайим,
Ҳар сўзимда қурилдим-о,
Осмон бўлди танглайим.

Парвардигор ўзи, ахир,
Ҳам берган, ҳам талатган.
Сени ёв деб, мени дўст деб,
Бу дунёда яратган.

ОЗОДЛИК

Қанчалар бардамлик бор,
Равонлик бор одимда.
Муҳим — юриш мумкин
Алангламай олдинга.

Юракда неки дард бор
Юрсанг — топасан йўлдан.
Муҳими — кетса бўлар —
Бемалол — ўнгу сўлга.

Муҳими — биттадирсан —
Сенга қарайди тун-кун.
Сигаретни бурқситиб,
Жойингда туриш мумкин.

Муҳими — фарқи йўқ — тенг —
Ҳуқуқу мажбурият.
Янги манзил ёқмаса,
Қайтсанг ҳам бўлмас уят.

Озодликка улуғлик
Ва мўъжазлик муқимдир:
Дунёда не ташвиш бор —
“Энг муҳим» ва «муҳим» дир.

* * *

Ҳам тонгдир,
Ҳам шом.
Бу қонли...
Осмон.

Кун ботар,
Чиқар —
Хотир
Шафақлар.

Барибир
Қон... Қон...
Бу тақдир —
Ёмон...

Танимда
Бу чоқ
Минг битта
Қийноқ.

Тенг кечмоқда,
Бок,
Туғилмоқ,
Ўлмоқ.

* * *

Кимки
Ёзда ҳам костюмсиз юришдан қўрқса,
Шамоллашдан қўрқади;
Кимки
Қоғозга қараб гапирса,
Адашишдан...

Сен қандай ботирсан,
Ёзнинг қоқ ўртасида
Кўйлакчан кетяпсан,
Қоғозсиз гапириб...

* * *

Дунёга киради — бамайлихотир —
Одамлар кўрмаган нотаниш ҳоллар.
Дилларга тушади ногоҳ хавотир,
Мияга чекинар қўрқинч хаёллар.
Аммо топилади бир журъаткор мард —
Қаддини эгмасдан,
Рўю рост,
Тикка,
Ўзин ўйламасдан,
Кўзғолару шахт —
Юзма-юз чиқади нотанишликка.
Тошли туманларда ноаён ҳоллар
Чексиз синовларга солади уни.
Нотаниш гулханда —
Тириклай —
Ёнар,
Одамнинг бурқсимай чиқар тутуни.
Фожеа зўриқиб мияга ўтар,
Жонсарак юракка узатади қўл.
У одам йиқилар,
У одам ўтар...
У одам бор-йўғи энди йўлдир, йўл.
Жангларда елкадош бўлмаган оғам,
Боравер!
Ана, йўл — текис, беташвиш.
Энди ўлдирмайди — синашта! — олам,
Энди олам таниш,
Нақадар таниш...

* * *

Фақат тўрт тарафми?
Наҳотки?..
Фақат...
Фақат тўрт тарафинг борми, эй жаҳон?
Наҳот, тўрт тарафга қиласан тоқат,
Мени асир олган
Қулфаҳм замон?
Шимолинг — қор уммон — қалбим музлатди,
Жанубинг гул биланавради ўзин.
Ғарб ўзга худолар билан сўзлатди —
Ўяркан Шарқингнинг сурмали кўзин.
Бу қафас ичида нега яралдим? —
Янги дунёларга дилни қистайман.
Лаҳзада
Минг эпкин билан таралиб,
Минг тараф дунёда
Яшаш истайман.
Ахир, уч ўлчовмас,
Минг ўлчов танда —
Бу ғариб яшашим дунёга тақлид...
Тўрт тарафли дунё,
Ҳеч бўлмаганда,
Англа:
Тубанлик бор,
Бордир юксаклик.

* * *

Кимки тез югурса,
эрта ҳоригай.

Кимки кўп йиғласа,
кўр бўлгай эрта.

Барвақт гуллаганнинг
шўриши совуқ.

Эрта хазон бўлган
нима бўлади?

Худди билмагандай сўрайвераман —

Эрта хазон бўлган
нима бўлади?

* * *

У — осмон. Ҳаммамизнинг
Юлдузимиз ўшанда.
У қисматдай айланар
Юлдузёнар гулшанда.

Ҳеч кимга этмагай қасд,
Ҳеч кимни кўрмас ёмон.
Сенинг ғаминг ўзга — паст,
У омондир, у — осмон.

Бошимизда муқаррар
Умримиз саодати.
Юлдузларни ўчирмоқ —
Шунчаки бир одати.

* * *

Ёвдай келиб панадан,
Мени тақдир талаган,
Ёв бўлмаса, дунёда
Нега боврим қонаган?

Яшамаса ўйинга —
Марднинг кўзи ўйилган.
Кўзингни олиб қочма —
Нега сўзим сўйилган?

Ширин — ҳамиша жондир.
Жонни касбидан тондир.
Сенинг қўлларинг қонли,
Менинг юрагим қондир.

ОДДИЙ КУН

1

Ташвиш. Қорин. Оила. Бозор.
Юрак. Оғриқ. Оддийгина кун.
Ҳеч ким сезмас — қордай беозор
Ҳозир эриб кетишинг мумкин.

2

Суҳбат абас. Фақат нутқ. Бешарҳ.
Юракни сот — борми харидор?
Жон устидан айланади чарх,
Биз ҳам бормиз — қарагин, ғаффор.

Ўтаётган оғир тоғми, кун?
Даҳшат асрор қолди очилиб —
О, хоҳласанг яша — сен учун
Кўз ёш тўкмас ҳеч ким ачиниб.

* * *

Вақт дарё эмасдир,
Шамол ҳам эмас —
У менгзар оҳиста отилган ўққа.
Менга — мўлжалига етмоқда...
Бир пас
Тўхтагин, қотил Вақт,
Ўлдирма!
Тўхта!
Самонинг амрига сен ҳамиша тахт,
Юрасан оллоҳнинг айтган йўлига.
Кўзимга қара-да,
Жавоб бер фақат —
Мени отган
Милтиқ
Кимнинг қўлида?

НАСИҲАТ

Эҳтиёт бўл,
    деворнинг ҳам қулоғи бор.
    Деворнинг ҳам қулоғи бор
            (эҳтиёт бўл).

Эҳтиёт бўл,
    чин сўзни
    айтиб қўйишинг мумкин
        (худо хоҳламаса ҳам).
Бунинг учун
    ёлғон
    юзингга
    тупириши мумкин
        (эҳтиёт бўл).
Юзингдан тупикни артмасдан
    бахтиёр бўлишинг мумкин —
            (эҳтиёт бўл).

* * *

Икки темир арқонга
Кўчалар танғилган.
Трамвайлар ҳушёр кезинишар —
Қочиб кетмасин!

Дарахтлар ерга маҳкам қоқилган —
Ҳар йил
Бир қарич
(Зўриққанича)
Зич зулмотнинг қучоғидан
Сирғалиб улгурар.
Қўйиб юбормайди бу қаро ер —
Дарахтни ўтин этгунча.

Иморатларни томлар босиб турар
(Қутилиб кўрсин-чи!)
Кенгликларнинг қоқ ўртасида тоғлар
(Чегаранғни бил, дашт!)
Курраи арзнинг устида безрайган осмон
(Чексизликнинг ўзи торликка қоровул)...

Фақат мен озодман.
Ўз оёғим билан
Эркин-эркин бораман
Ўлим тарафга...

ТАЪЛИМ

— Ёмғир йиқди деворин,
Боғ нечун қочмагайдир,
Эй, дўст?
Ким олди ихтиёрин —
Нечун сўз очмагайдир,
Эй, дўст?
— Болта кесишин ўйламас —
Ўлимга шошмагайдир,
Эй, дўст,
Шул сабаб — қўрқинч ичинда —
Боғ зарра шошмагайдир,
Эй, дўст.
— Умрини йўлларга, афсус,
Бу боғким, сочмагайдир,
Эй, дўст...
— Бил, уни ушбу сабабдан
Кажрафтор янчмагайдир,
Эй, дўст.

* * *

Даҳо, масхарабоз, девона, алкаш —
Умрин майхонада ўлтирар сочиб.
Умрини шу қадар айлаган чалкаш,
Овора бўлмайди ўзидан қочиб.

Умри жонга теккан — шундоқ яланғоч,
Суянар шишцага беаъмол, берўз.
Унинг кўзи тўқдир,
Аммо кўнгли оч —
Юракка қайтар сўз,
Сўз бўлмаган сўз.

Дунё нималарни этмоқда талаб?
Қуяру ичади юмиб кўзини...
Ўзини асрайди шу тахлит. Ёраб,
Ёлғон қўшилмаган
Сўнгги сўзини.

ЕТМИШ ТЎРТИНЧИ ЙИЛДАН ХОТИРОТ

Пивохона. Ўттиз тийинга
Бўза турар тошиб, кўпириб.
Шоирликни олдик бўйинга —
Пиво ичар юрак ўкириб.

Сигарету май жўрлигида
Ўқилади мангу қийноқ — шеър.
У «оҳ» урар дард зўрлигидан:
— Кел, ичамиз! Қарзга уч сўм бер!

Рауф Парфи — сеҳргар — оқсоч —
Кўзойнакка солган кўзини.
У ҳамиша базмга ривож —
Сигаретдай пуфлар ўзини.

Пивохона. Шиша кулбага
Эгилгандир чинор гавдаси.
Пиво ичар ҳорғин шарпадай
Ориповнинг озгин гавдаси.

О, қувғинга кетганлар бунда —
Барча каби меҳмондир бу он.
Суҳбат қурар биз билан кунда,
Ҳаммамиздан озод зот — Чўлпон.

Кўчаларда туради қатор,
Душманларнинг жирканч ҳайкали.
Ўзбекистон рамзидай — бемор
Машраб Бобо борар чайқалиб.

Топмоқ мумкин ҳозир хато ҳам —
Ҳар ҳолда май, ҳар ҳолда тутун...
Ватан!.. Бу сўз аммо айтилган —
Худди қандай айтилса бугун.

Энди ҳазил: хиёнат у дам
Қай кўчада, кимни қучарди?
Ҳозиргидай айёрлик билан
Ресторанда коняк ичарди.

Яшар эди гуллаб, кўкариб —
Гоҳ ишда, гоҳ базмда эди.
Ҳозиргидай қўлни кўтариб,
Тўрт тарафга таъзимда эди.

* * *

Бир бевужуд шиддат
Боғнинг қаддини эгар.
Майсалар ерга ёпишди.
Япроқларда тўзғин ҳаракат.
Исми нима эди бу кучли шамолнинг?

Аммо
Ҳозир
Капалак қаерда?

Дарахт каби унинг илдизи йўқ эди.
Залвори йўқ эди тош каби.
Қарийб вазнсизлик ҳолатида
Гулга қўнарди.
Қарийб вазнсизлик ҳолатида
Қоқарди қанот.
Исми нима эди бу кучли шамолнинг?

Аммо
Ҳозир
Капалак қаерда?

Оллоҳга эса
Бошқа саволим бор:
Бундай кучли шамолли дунёда
Капалаклар
Қандай яшасин?

БУРЧ

Мен чиқиб жўнайман. Жала бўйнидан
Узар дурларини, отар қаҳрда.
Мен чиқиб жўнайман — юрак қўйнимдан
Ўзини отмаган бирор соҳилга.

Бир сўз айтолмайди меҳрибон уйим,
Фақат кўзларида бедаво ҳасрат.
Мен кетсам кўчади қалбидан қуюн —
Оллоҳ, бу телбани ўзинг ол асраб.

Жим ётар ёмғирда кузги барг — шаҳар,
Қол, деб айтмоқликка сиғмайди ҳадди —
Тунда эласланиб турса-да магар,
Баланд биноларнинг раҳмдил қадди.

Кўзимга чақмоқнинг тегар бир учи —
Кечир, бу дунёнгда қолдимми узоқ?
Мен сезиб турибман — ҳамманинг бурчи —
Вақтида кетмоқдир, вақтида кетмоқ.

* * *

Бу сирни тушунмоқ
Мушкул, гап билан
Ошкор этмоқ мумкин
Бир тоза шеърда:
Ерга қараб туриб,
Кўкка учаман,
Кўкка боққан сари
Кираман ерга.

* * *

Уф!
Ҳоридим...
Ғам соридин
Хатарлар кўп.
Ёв коридин
Мудҳиш-мудҳиш
Хабарлар кўп.

Бошим маним,
Танни ташлаб
Йўлга чиққин,
Ҳақ йўлида
Мундоғ мардлик
Сафарлар кўп.

Эй, талх дунё,
Шаробингдан нечун ичдим? —
Тотли-тотли юришимда
Заҳарлар кўп.

Мени тутқун тутолмайсан зулмат ичра —
Гоҳ фалакда,
Гоҳ кўнглимда қамарлар кўп.

Шармандали тирикликдан, тангрим, асра,
Имон берса,
Ўлимда ҳам
Зафарлар кўп.

Имконсизлик ичра
Нечун мубҳам қолдим? —
Оқсам — дарё,
Ўссам буюк шажарлар кўп.

Эй ваҳима,
Тунни санаб андоғ дема,
Мардликдан сўр:
Тунки кўпдир —
Саҳарлар кўп.

* * *

— Шу лаҳзадан руҳсан — озодсан,
Қайрилиб боқ — ана! — вужудинг.
Чексизликда мангу ҳаётсан —
Чегаранг йўқ, йўқдир ҳудудинг.
Битди Вақт-ла жон талошларинг,
Бедохилсан энди қаришга.
Қара, кетган қариндошларинг
Сенга пешвоз — бари фаришта.
Шуълаларга киргин юриниб,
Хушбахт кутгай буюк эрк — беҳишт.
О, ортингга боқма бурилиб —
Сен абадий оламга тегиш.
— Ахир, қандай етсин бардошим,
Дунё турар ортда мунғайиб —
Боқ, қариди умр йўлдошим,
Ўғлим дамда қолди мунғайиб...
— Руҳлик ичра бор буюк маъно —
Ҳеч жойда — йўқ, ҳар жойда — борсан.
Марҳумларнинг қалбига ошно,
Тирикларга мададсан, ёрсан.
Тириклардан кўнглинг бўлсин тўқ,
Улар мангу сен билан қолди.
— Мен улардан айрилганим йўқ,
Улар мендан айрилиб қолди...

* * *

Эй мағлуб, покликда нурсан,
Нурликда мўл ёруғ ором.
Гар зиёсан, аҳли зулмат
Наздида йўқсан мудом.
Эй мағлуб, дунё денгиздир,
Кетдими тўлқин — қайтмагай,
Бир мавжида оққай саҳар,
Етгайдир бир мавжида шом.
Эй мағлуб, бир жом шароб
Ўлсин — бугун оламни ич!
Икки тўлқин жонга кирсин —
Олам сифат этгин давом...

МУВОЗАНАТ

Бир нуқтага дунё йиғилган.
Ана, замон — соат капгири.
У ўзини ташлайди сўлга —
Юрак ўнгга ўтар талпиниб.

Бу дунёнинг чайқалишида
Йўқлик сари учмасин олам —
Замонанинг ўнглик ишида
Юрак сўлни ушлайди маҳкам.

Замонанинг энг шаффоф акси —
Юрак мудом бошларкан исён,
Мувозанат излайди асли
Ва шу йўлда бўлади қурбон.

Қандай оғир юраклик касби! —
Узилгудай томирим бу он.
Замон, уни этмагин таслим...
Мувозанат керак-ку, замон!

* * *

Мардум ғавғосидан
Узилди руҳим,
Соғинч азобида
Тузилди руҳим.
Дилдан — бир узун нур —
Чўзилди руҳим —
Тангри инояти — бир мўъжаз баҳри —
Ҳаёту ўлимнинг бепоён шарҳи —
Сонсиз тўлқинларда
Тизилди руҳим.

Руҳим, кечаларинг
Бул дудда эмас,
Учишинг — ёғдуда,
Бургутда эмас,
Сенинг подшоҳлигинг
Эл-юртда эмас —
Тушда, дардда, сўзда, ғамда, кўнгилда —
Сенинг подшоҳлигинг йўлдадир, йўлда —
Товонлар ҳис қилган
Ҳудудда эмас.

Тақдиринг:
Ёнишлар ичида ёниш,
Тасвиринг:
Ёнишдан тирилган хониш.
Таъсиринг:
Ўлимга бемалол бориш
Ва Ҳақнинг ишқида уринмоқ тун-кун...
Чексиз зулматимда учган, эй учқун,
Кимга етмаяпсан,
Менми у олис?..

* * *

Қиёмат! Фарёдим
Юракдан ўтди —
Яшинли — яшилми? —
Фалакдан ўтди.

Етди юлдузларга,
Чоҳларга етди,
Ўзга дунлардаги
Доғларга етди.

Қиёмат кунидай
Дунё қўзинган —
Фарёдим — беомон —
Етди ўзимга...

* * *

Баргларингни тарорим йўқ —
Шамолликдан жудодирман.
Бевазнлик тандин кетди —
Нур ҳолликдан жудодирман.

Боғим маним — яшиллигим,
Тириклиғим, моҳиятим —
Сўйла, умрим қайга етди? —
Ниҳолликдан жудодирман.

Кечма бул лойқа ҳолимдан,
Дарёлик беихтиёрликдир,
Ҳар қуйқамда ҳаёт бор, гар
Зилолликдан жудодирман.

Шохларингда мезон каби
Бир паришон хитоб ўлдим,
Бу савдои муҳаббатда
Саволликдан жудодирман.

Боғим маним, сенингсиз, оҳ,
Дохилдирман биёбонга —
Сарғаюрман бир алафдек,
Камолликдан жудодирман.

Шамолликка рухсат эт... Эй!
Озодлик суҳбатим ўлсин —
Азалнинг ёзмиши — девор
Аъмолликдан жудодирман.

* * *

Неча кун яшайсан,
Айтгил, неча кун?..
Кўп гўзал очилдинг,
Жоним атиргул...
Ғамимни — тушунтир! —
Айтайин десам,
Беш кунлик умрингда
Ўйнайсан — шўхсан.

Қелгин, бир ҳидлайин
Лабларим қуйиб...
Сен гуллаб ўтасан,
Мен эса куйиб...

* * *

Қурбон жонимни қисмат
Кўчаларга ҳайдади.
Юлдузли осмон музлаб,
Бошимга жим қайтади.

Дарё оқар ойдинда,
Бағрида юлдуз ғужғон.
Сувда ҳамда кўнглимда
Осмон... Тескари осмон.

* * *

Тушимга киради ўзгача олам,
Ўзгача оламнинг ўзгача боғи.
Ўзгача боғдаги ўзгача алам,
Қалбдаги ўзгача — нотаниш доғи.

Тушимга киради ғуссали олам —
Келади энг ғамгин қўшиқлар айтгим.
Менга жуда қизиқ бу ўзгача ғам,
Кўникиш — қувончга келмайди қайтгим.

* * *

Кичкина шайтон,
бошимга чиқдинг —
кичкина оёқчаларинг билан
тепкилайсан азиз бошимни.

Мўйловчаларингни
кулгинг устига қўндириб,
меҳр изҳор этасан менга.

Эҳтиёткорсан —
унутмайсан худога ҳам тавба этишни.

Ўзингга ёқмаганларни
«худога ҳам ёқмайди» дейсан,
кичкина шайтон.

Суратинг ҳамон фариштадай:
мени сотган кунинг
ўксиб йиғладим елкангда.

Катта бўлсанг —
худо бўласанми деб қўрқаман,
кичкина шайтон.

* * *

Йўлбарс магар ташланса — қўрқма.
Илон чақса олма хавотир.
Бўри қувса тизингни букма —
Ғайри бир ҳол бўлмади содир.

Мунча юксак айлаган парвоз
Мусичами? Даҳшат-ку турқи!
Сен ундан қўрқ... Ва яна нохос
Ириллаган қуёндан қўрққин.

* * *

Ёмонлар завқ ила отғон ҳақоратлар ўтиб кетгай,
Замонлар қалбима солғон жароҳатлар ўтиб кетгай.
Мени тупроққа тенг билғон кароматлар ўтиб кетгай,
Умр, афсус, ўтиб кетгай — ҳароратлар ўтиб кетгай.

Менинг руҳим шом ичраким, саҳарнинг ишқида куйгай,
Фалакка қалбини айтғон шаҳарнинг ишқида куйгай,
Завқида ҳақ қуши ёнғон шажарнинг ишқида куйгай —
Бу боғнинг қўйнида кечган не ҳолатлар ўтиб кетгай.

Бу дунёга саволим йўқ, жавоблардан тўйиб бўлдим,
Кўнгилдин ўзга ҳақ йўқдир —тавоблардан тўйиб бўлдим,
Тошлари дастида пинҳон итоблардан тўйиб бўлдим —
Умидким, жонима беқасд шароратлар ўтиб кетгай.

Ҳадикворим, ҳақиқатнинг қуши, кел, қўрқмағил энди,
Авайлаб қўн бу хун боққа — бехос қон тўкмағил энди,
Ҳумолиғда олов олғил, абадга чўкмағил энди —
Ғофилларга фақат айтғил — фароғатлар ўтиб кетгай.

Одам кечса бу дунёдин манзурликда кечиб ўтсин,
Дунёки, тор ўлса, кўнгли маъмурликда кечиб ўтсин.
«Аналҳақ» деб, чарх юргизиб, мансурликда кечиб ўтсин,
Чунки тошқин сўз қолгайдир — зарофатлар ўтиб кетгай.

Тавба қилдим, пайғамбару раҳмонликка даъвом йўқдир,
Ул тўрт дўстнинг бири бўлғон Усмонликка даъвом йўқдир.
Бироқ туйдим — дунё ичра авомликка даъвом йўқдир,
Билдим, фақат эл қолғайдир — маломатлар ўтиб кетгай.

* * *

Тақдир дарёдай оқди,
Умр тинчин йўқотди.
Нега сен ўргатасан
Қалбга тўғон қурмоқни?

«Шашмақом» нинг даштида
Умрим борар — эгиб бош.
Оғриқларнинг гаштида
Мен — баҳорнинг шаштиман —
Яшил мавжларга уйқош.

Юрак тўхтади — бесас...
Ўлишга ҳақсизманми?
Дарёлар оқар бекас.
Бахтми? Кимга керак баҳс —
Ўлсам ҳам бахтсизманми?

* * *

Мен қалбга боряпман. Боряпман бетин —
Ўзгара бошлади оламнинг туси:
«Бу нима?» демайман дарахтга — Бу ким?
Бу ким? — Қандай гўзал турибди ўсиб!

Қадр касб айлади кўзимга дунё,
Авайлаб боқаман ҳар хору хасга.
Барчани тинглайман чин дилдан, аммо
Ўзим ўзим билан тушаман баҳсга.

* * *

Худонинг кенг дунёларида
Хундан топиб тасалли, даврон,
Хазинанинг тиллоларига
Бағрин босиб йиғлайди илон.
Яратганнинг жаъми очкўзи
Йўл соларкан хазина сари —
Йўқлик ичра кетади тўзиб,
Суякларнинг қисирлашлари.
Инсоният ўзин шаънига
Тўқийверар қасида, достон.
Хазинанинг остонасида
Дунёдаги улкан гўристон.
Илон бўлса йиғлар ўралиб
Ва буралиб
Сўзлар бир нима:
— Олтин таъқиб қилади мани,
Асир олган мени хазина...
Сир калити — қодир тангрида,
У истаса, аёндир — ботин...
Аждарҳонинг совуқ бағрида
Роҳат қилиб ухлайди олтин.

* * *

Матназарга

Ой — фалакни мукаммал ёзиб,
Тангри қўйган энг сўнгсиз нуқта.
Аёзли тун. Юлдузлар рози
Тўкилади бесабр руҳга.

Қайси фалак айтган сўзини
Дил дунёга этар таржима? —
Юмолмайди сергак кўзини,
Яшар мудом бедор тарзида.

Ўлиб кетмоқ осон-ку, аммо
Кул бўлгайму юрак билими? —
Бу қорни тўқ, пулқувар дунё
Тушунмагай дунё тилини.

Ҳар он келур дунёга раҳмим!
Учолмагай ҳатто бир гарди —
Ўз йўли деб билса магарким,
Бу туймагур қориннинг дардин.

* * *

Қуридим — куз каби
Сарғайдим, сўлдим.
Беҳиштга тўлдим мен,
Дўзахга тўлдим.

Оҳ, менман дунёга
Зарра кўнмаган —
Ҳеч ким менинг каби
Тирик бўлмаган.

Қанотин куйдирган
Қушману, бироқ
Учдим барча қалбдан
Баланду йироқ.

Ҳар сўзга бус-бутун
Ўзни этдим сарф —
Менман шеърларимда
Бораётган саф.

Қаҳратон қишларнинг
Музида қизиб
Яшадим. Ҳаётим
Ўлимдан қизиқ.

* * *

Ишларим жойида. Кўчага чиқсам,
Йўлкадан жўнасам, одобни сақлаб,
Мошинлар тўхтамай ўтар ёнимдан,
Шўхлик ҳам этишмас ариқдан ҳатлаб.

Жўнасам — ҳазилу ҳузуллар бекор,
Улкан юрагимни жойлаб танимга,
Дарахтлар йўл узра туришар қатор,
Гўё чиқишгандай олий таълимга.

Ишларим жойида. Дунё режаси
Гарчи тушмаса-да юрагимга мос,
Шеърлар шивирлайди баҳор — кечаси,
Кўзига термулсам — куз айтади роз.

Миям чироқ каби ёнаркан тунда,
Бошим атрофидан парвона мисол,
Олис дунёлардан — олис тутқундан
Айланар садолар, айланар савол.

Гарчи чексизликнинг бир заррасиман,
Аммо қарамасдан кенглик раъйига,
«Дунё, сен нимасан?» — тинмай сўрайман.
Жавоб тополмайди. Ишим жойида.

* * *

1

Аёл осмонни артди.
Ойни ёқди. Шом — бебок.
Осмондан ерға қайтди,
Заминни этгани пок.
Сув қайнатди. Кир ювди.
Либослар — тоза, ҳалол.
Уйдан ғижимни қувди,
Эринмай босди дазмол.
Чўмилтирди боласин,
Ўради оқ чойшабга.
Алласи — дуо каби —
Таралди рўзи шабга.

2

Аёл осмонни артди —
Дунё зулматдан фоғу.
Қуёшни ёқиб қайтди:
— Тўкилгин, тўкил, ёруғ!
Ҳовлисига сув сочди,
Анбарлари уфуриб.
Кун бўйи поклик сочди —
Ер юзини супуриб.

* * *

Кўзларидан уйқуси ариб,
О, чақалоқ тамшанди хиёл...
Ёқасидан ойни чиқариб,
Жим эгилди бешикка аёл.

Қандай гўзал дунё энгашди,
Чақалоққа тўлиной тутиб.
Дунёларга гўдак тенглашди,
Ойдан ёруғ ёғдулар ютиб.

— Ухла, болам, ухла, таянчим,
Сени кимки сезмас — аянчли.
Мендай фалак йиқилса, ёраб,
Бешикларинг мудом суянчдир.

Зулумот тинч ўчди тубанда,
Дунё оғир кечани отди.
Оқ кўйлакка — ҳарир туманга —
Тонг кўксига тўлин ой ботди.

ЎЛИМГА КЎНИКМАГАН УЙ

Аёл ухлаб қолди охири.

Юраги сиқилиб деразага боқди эркак.
Қоронғулик.

«Қўрқмайсанми, болам,
Қоронғуликда?»

Аёл чўчиб уйғонди.
Алла айтди хириллаб —
(Йиғи томоғини бўққан)
Ва шошиб тебратди
Бўм-бўш бешикни.

* * *

Майсанинг ўсгани фақат баҳорда,
Фақат йиллардадир дарахтнинг ўсгани,
Ҳатто тоғ ўсишдан тўхтар
Бир куни...

Аммо
Қабристон
Тинмай ўсгани-ўсган.

Бир куни
Осмонга етади
Шу қабристон.

Одам устига одам,
Тупроқ устига тупроқ,
Суяк устига суяк...

Бир куни
Осмон қуласа,
Ушлаб қолади
Шу осмон.

Олтинчи дафтар

Сукунатлар ва қичқириқлар

СУКУНАТЛАР ВА ҚИЧҚИРИҚЛАР

1

Ой роса тўлди,
Бир дераза нур
Кирди хонамга.
Шамоллар улоқиб кетди.
Сукунат.
Фақат юрагимнинг оғриғи...

2

Тун қуюқ.
Бесабр.
Қушлар қунишиб ухлар,
Ариқларда сувлар тинган.
Ким қичқирди тунда?
Юраги оғридими?
Ўрнимдан турай десам —
Қўзғалолмайман.
Тун забт этмаган.
Юлдуз,
Мени уйғот...
Юлдуз...

3

Безовта қуш,
Илон кирдими тушингга —
Нега қичқирдинг?
Бошқа паррандаларнинг
Саси эшитилмас —
Бир ўзингмисан дунёда?
Бу тун,
Наҳотки,
Фақат ернинг сояси?
Кундузнинг астари
Шунчалар тошми —
Ёрилмади қичқириғингдан.
Нега потирладинг,
Дарахт чангалидами юрагинг?
Фақат
Бир озод қичқириқ
Қоладими
Сендан ҳам?..
Безовта қуш.

4

Бу кун — узун.
Дарё секин оқар,
Шамолнинг тулпори ўлган — пиёда.
Нафас етмайди
Қушлар қичқириғига.
Фақат — кел.
Дунё тўхтаб қолмасидан
Балки сўнг бор кўришармиз.
«Кечир» ... дермиз эҳтимол.
Эҳтимол.
Фақат — кел.

5

Дунё ўтмишини
Юрак тушунган —
Чексиз қувончлари
Кўнглимда жамдир...
Қандай гўзал ҳаёт
Кирди тушимга! —
Уйғонсам,
Уйғонсам
Кўзларим намдир.

* * *

Уруғ ерга тушди. Интилди кўкка.
Интилиб тупроқни ёриб чиқди у.
Ниҳолга айланди — турмади тўхтаб.
Ўсди — ўсишида самовий ёғду.
Офтоб нурларига чирмашиб ўсди,
Фалак чорловига жавоблар айта...
Руҳини яратган шарпани сезди —
Етти қават кўкнинг манзили қайда?
Ерда яралмагай тириклик руҳи —
Коинот қорнида бўлурми бунёд? —
Кўкка интилади қалбнинг шукуҳи,
Фақат фалак билан гаплашар ҳаёт.
Руҳни яратган руҳ қалбни чорлайди,
Ер ва чексизликнинг ораси соғинч.
— Оҳ, нега овозим сенга бормайди —
Фарзандим, заминда юрибсанми тинч?
О, дарахт нақадар ҳушёр. Жонивор,
Фалакка ўзини отар аламли!
Етмаса, гуноҳкор билмагин, жаббор,
Етмоққа умри кам, оҳ, жуда камдир.

* * *

Мангулик ҳақида ўйламоқ бекор,
Сўз йўқдир юракда Вақтга чидамли.
Қайга югурмагин — муваққат рўзғор,
Ёлғончи орзулар — тутган оламни.
Туғилмоқ — бахтиёр ибтидоми у,
Ўлим — саодатга сарҳадми машъум?
Ҳаётдан нарида нима бор, ёҳу,
Бор бўлса озодми ва ёхуд маҳкум?
Унда ҳам Вақт шундай оқарми шошқин,
Ногоҳ тўхтамоқнинг йўқми даҳшати?
Қалбни норасолиғ этмасми босқин,
Ҳаётдан нарида Ҳаёт абадми?
Гарчи саволимга жавоблар мубҳам,
Ҳамма қўрқувлардан тамом жудоман.
Бирор-бир кимсадан қўрқмайман, зотан
Қўрқаман худодан, фақат худодан.
Дилимда саволу, тилимда хитоб,
Ҳамма ғуссаларим сиғар бир «оҳ» га.
Зотан мен ҳеч кимдан кутмайман жавоб,
Саволим Оллоҳга, фақат Оллоҳга.

* * *

Яна тушларимга кирди нималар?
Осмонми? Учдимми? Юзим нега ҳўл?
Кўнглимда фалакдан меҳмон шевалар,
Сездим — самовотда қардошларим мўл.

Яна тушларимда нималар бўлди,
Нега юрагимда хуррамлик ортиқ?
Иккита фаришта кўнглимга қўнди —
Менга бир жуфт қанот этдилар тортиқ.

Яна тушларимда нималар кечди —
Жаъми хуррамликни этгули душвор?
Юрагиму руҳим фалакка кучди,
Таним қолиб кетди заминда афгор.

Яна тушларимда... Нега юзим ҳўл?
Уйғоқман. Кетяпман замин узра жим,
Самовот руҳимга бўлганида йўл —
Уйғонармидим, оҳ, уйғонармидим?..

* * *

Уйнинг кўлкасида
Эримади қор,
Бир парча соядан
Кетолмади қиш.
Томдан тушолмади бўрон —
Ҳар наҳор
Юрагимга тегар
Совуқ бир нолиш.
Куйладим —
Очилди раҳмат дарчаси,
Энг баланд пардада
Қоврилди онгим.
Қалбга
Келар йўлни
Кўрдим барчасин,
Қалбдан кетар йўлни
Кўрсатгин,
Тангрим!

* * *

Ўй сўнгида битта чуқур «уҳ» —
Турмуш сари бош эгиб юрмоқ:
Юрак тузар дунё билан сулҳ,
Сулҳ тузгандай куз билан япроқ.

Ўй сўнгида битта хўрсиниш,
Ва йўлларда қолмоқ бемажол:
Дунё билан сулҳ тузар синиш —
Қўл кўтарган мағлуб қўзғолон.

Ўй сўнгида бир ноилож «оҳ» —
Юракка тик қадалган пичоқ:
Бу сўнгги сулҳ... Суйимли дунё
Сотқинлиги сезилгани чоқ.

Қўлларимда кулим бир ҳовуч,
Яшарканман рангларим ўчиб,
Ичларимдан чиқмас бир товуш —
Ҳар дақиқам умримнинг сўнги...

* * *

Дунё ўтар, эй сен, юрак,
Юракликда риоят эт.
Йўлингда чақнаган тубсиз
Фалаклардан ривоят эт.

Оловдай ўртаниб кун кўр,
Ҳар онда минг аср мунг кўр,
Ҳар мунгда минг бир тугун кўр
Ва саволлар бағоят эт.

Сабр! Сабр! Мудом сабр! —
Бўлгунича дардинг кабир,
Ёвга топиб эзгу таъбир,
Ўз феълингдан шикоят эт.

Сенга олам бўлгандир жо...
Оғриғингдан дунё-дунё
Дунёларни этиб барпо
Ўз-ўзингга ҳидоят эт.

Бугуннинг сарҳадин бузгин,
Келар кунлар сари учгин.
Худованддан сен ҳам учқун —
Уч! — гулханга саёҳат эт.

Яримдирсан, яримдирсан,
Менинг йўғу боримдирсан,
«Ҳақ» деганда зоримдирсан,
Зорларимдан бир оят эт.

Зирқирайди ҳорғин таним,
Руҳни ушлар — Маним! Маним!..
Руҳкорим деб сиғинганим,
Мени мендан ҳимоят эт.

* * *

Фалакда гуллашинг қутлуқ, эй, дарахт,
Руҳимнинг дарахти,
Мўъжизавор ҳол...
Менинг қорин ғамим қолдими карахт,
Ўзин ғамдан баттар сездими иқбол?
Ҳаётини ўтказиб яшил юракдан,
Чексиз шамолларнинг
Бағрини ёриб,
Бедор кечаларим
Бедор тилакдан
Гулладинг — бир ёруғ юлдуздай ёниб.
Гулладинг — бўйларинг таралди севинч.
Гулладинг — «ҳақ» деган бир қатра ёшдай.
Гулладинг — фалакдан ҳаракат ичиб,
Ич-ичига ўсган камтарин тошдай.
Жисмидан кетаркан
Сенга узилиб,
Ўтган кунларимга ботди кўзларим —
Қара, коинотга ўрлар — чўзилиб —
Илдизга айлангин умрим излари.
Неки ерда қолса —
Оллоҳ яратган,
Неки қанотлидир —
Оллоҳнинг қисми...

Гуллаган дарахтни қилар томоша,
Фалакка термулиб,
Қуриган жисмим...

* * *

Каҳкашоннинг чангида
Руҳ маст ўлиб, сайёр келар.
Бул фалак авзойидан
Кўнглимга минг алёр келар.

Жомни олким, зоҳиру
Ботин жаҳон фарқланмасин,
Зоҳиру ботин тилимга
Бул кеча тайёр келар.

Майи ваҳдат зарраси
Қай ишққа этди телбавор,
Мен нени ёзсам, қогозга
Қон ютиб изҳор келар.

Не давом ишқда ҳаёт —
Бир «оҳ» ила бўлмас етиб,
Ҳар онимда кўзда ёш,
Кўнгилга «оҳ» такрор келар.

Ёрижон, гар етмас эрсам,
Менмас гуноҳкор — айблама! —
Бир вужудда битта дўст,
Юз минг тумон ағёр келар.

Тез чиқай ишқ йўлига,
Жондин магар бордир умид,
Пойима чангдек йиқилсин —
Нечаким девор келар.

Бул сайёҳ зулмат ичинда
Мен сиёҳ юзман, эвоҳ,
Гоҳида шайтон йўли
Ишқ лафзидан айёр келар.

* * *

Мени ташлаб кетманг,
Дўстларим — қушлар!
Менсиз самовотда
Кўрмайсиз тушлар.

Сукутга боқасиз
Юракни ўртаб,
Менсиз сизга ҳеч ким
Айтмайди эртак.

Водийма-водий, эй,
Саргардон гала,
Менсиз — учмоқлик ҳам —
Чаладир, чала.

Айланиб манзилга
Етганингиз он —
Тақдир улашмагай
Илоҳий унвон.

Йигирма тўққиз қуш... —
Жаранглар ҳазин...
Семурғ бўлолмайсиз
Менсиз, дўстларим.

* * *

Дардимга етмайди — сўзларим камдир,
Шундами, дард ютган кўзларим намдир.
Сўзга кўчмас ғусса дунёдай оғир —
Ки, дунё биргина ғуссамда жамдир.

Ўзга дунёлардан айтмоқ на ҳожат,
Сўз етмас уларга, қалб етар фақат.
Фақат руҳим учар — билмагай сарҳад —
Англагин, руҳимда минг дунё ғамдир.

Гарчи пойимдаги тошга урилдим,
Тошга қарамадим, кўкка бурилдим.
Чексизликдан келган нурдан қурилдим —
Ишонгин, фақат руҳ зулматда шамдир.

Ва яна ўзингга тушдим — қўрқмадим,
Қалбимнинг тубига чўкдим — қўрқмадим,
Ўзимни оғамдай қучдим — қўрқмадим —
Ўзини топмоқ ҳам буюк карамдир.

Шу ёзги кунимда бўлдим бахтиёр,
Етказдинг бир сирга, ё парвардигор!..
Сенинг борлиғингда, тангрим, мен ҳам бор —
Ўзимга ҳар қадам пинҳон байрамдир.

* * *

Мени ҳасрат енгди,
Дардларим узун.
Дардим мендан кенгдир —
Етмайди сўзим.

Умрим — сўнгим қадар
Чўзилган фарёд.
Теграм чексиз кадар —
Ўткинчи ҳаёт.

«Дўстим» дер — кўзимга
У боқар кулиб.
Чиқаман сўзимдан
Ит каби улиб.

— Дўст, мени қайларга
Бошлаб кетяпсан? —
Ташлаб кетяпсан-ку,
Ташлаб кетяпсан!..

Алвидо! Зиёда
Ҳаётим маним —
Беш кунлик дунёда
Работим маним!..

* * *

Бекорга соҳилдан арқонни уздинг,
Қайиқ чангалида — қуймагай дунё.
Ҳали сен билмайсан, соҳил азизми,
Соҳилга суянган лойқали дарё?

Қарагин, сувдами ё кўкда абр? —
Бу ҳолни қанча еч — қолади тугун...
Эҳтимол соҳиллар оқаётгандир,
Эҳтимол дарёлар тургандир турғун...

Соҳилдан узилдинг — вақт билан ўйнаб,
Ўйладинг: дарёда — гардуннинг чархи.
О, балки вақт юрмас дарёлар бўйлаб,
Ердан фалак сари оқадир балки...

Ўзингни асрагин, армонлар ҳақи!
Заминнинг хатарнок режаси пухта:
Ортингдан шовуллаб келаркан таъқиб,
Пинҳон тош умрингга қўяди нуқта.

Алвидо! Алвидо, шаън биродарим,
Қайтсанг кутолмайман сени қирғоқда.
Юлдузлар гулхани ёқмоққа — таним
Тубсиз чексизликка оқиб бормоқда.

Ҳолбуки, билмайман — қайда якто йўл,
Юксаклик — пастдами ёхуд фалакда.
Учаркан, заминдан хавотирим мўл,
Жоним алағдадир, жоним алағда.

Алвидо! Уфққа қара: тарихчи
Мозий шарпасини қоғозга битди:
«... Бири — кўкчи эди, бири — денгизчи,
Аммо икковин ҳам қаро ер ютди...»

* * *

Лабимдан учади юлдуздай сўзлар,
Бўғзимдан чирсиллаб оқади ёнғин.
Қалбим ўт ичинда — чин айтиб бўзлар,
Гарчи кўринсам ҳам босигу ҳоргин.

Фонус ой паришон руҳимдан ёдгор...
Не учун фалакда ҳамманинг кўзи?
Мен қушлик шаклимни айладим бекор,
Мен фақат учишнинг ўзиман, ўзи.

Булутдан тўлин ой қутилган мисол
Чиқиб келмоқдаман танимни ёриб.
Беҳиштга етгулик топмадим камол,
Аммо минг дўзахни кўрганман бориб.

Ким учун? Нимага? Ўзим учунми?
Саволлар жавоби энди бошқача.
Кенглигим хаёлдай тезу узундир,
Торлигим мўъжаздир томчи ёш қадар.

Худованд! Минг шукур иноятингга! —
Дунёнгни ўрнимдан турмай кезяпман.
Сўз айтсам охират ривоятимдан —
Фақат кул қолмайди мендан... сезяпман.

Юргин! Сомон йўли пойимга қайтди,
Юлдузларни шундоқ тўшади чўзиб.
«Одаммас» деганлар ростини айтди —
Мен асли юракнинг ўзиман, ўзи.

Кузги боғ ичинда чўлғонар ариқ,
Хазонлар ютмишлар зилол бўғзини.
Мени «қул бўлгин» деб буюрди тарих...
Сен тарих эмассан, тангрим, тўғрими?

* * *

Сарҳадига етишди кеча —
Ижро этди хўрозлар ҳукм.
Юлдузгулли кўйлагин ечар
Осмон — шеърлар чатнаган рукн.

Туну кундуз асли барибир:
Юрак кўзга айланган бу дам —
Ўтаётган вақтга — бесабр —
Кўпроқ умр жойлайин дейман.

Умр эса сирғаниб борар
Жон ичида — минг дардга тугун.
Оғриқлардан бўлсам минг пора
Баъзан қотгим келади турғун.

Руҳ — тўхтовсиз инқилобларда —
Тану жонга бермагай тиним.
Тошли тошқин изтиробларда
Эзғин парча гўшт эрур дилим...

Қуёш чиқар. Ёғдулар кечиб,
Айланаман ёруғ дунёни.
Қизиб борар соғинчдан ичим,
Сезиб ўзга эпкин зиёни.

Гарчи қалбда раҳматинг бу дам,
Айланмоғим қийин елканга.
Тангрим! Ўзинг кўриб турибсан,
Туну кунинг фақир елкамда...

* * *

Ким маним ёруғ юзим
Элга қаро этди, эвоҳ.
Дўст-душманлиғ макриниким,
Ихтиро этди, эвоҳ.

Мени қўйди бу замоннинг
Зайлида ростлиғ аро,
Ўзи даврон майлида
Ёлғон адо этди, эвоҳ.

Элга мен кўнглим самосинда
Равон тахт айладим,
Элни ким ерга отиб,
Қасди худо этди, эвоҳ?

Айланур кўнглим аро
Қузғун шамоил ғуссаким —
Бу бузуқ аҳволда қол деб
Ёв дуо этди, эвоҳ.

Эй, ғариблик, куймағил!
Ҳақдин ёмонга бул жазо —
Ким уни наҳс аҳлига
Забт мубтало этди, эвоҳ.

Жонфидолиғ қисматимдир...
О, қачон, англа, дилим,
Бу дайр минг-минг ёмондин
Бир фидо этди, эвоҳ.

Тоқатда мен Айюб каби
Бир ҳол касб этмоқ эдим,
Дайру дун қуртдин ёмон
Ғаюр раво этди, эвоҳ.

Эзгу ҳолимга қараб,
Ўзгарди оламнинг феъли:
О, магар ўлдирмади —
Жонга жафо этди, эвоҳ!

* * *

Қисматнинг тили ўзга —
Тушуксиз недир деди...
Юрагимнинг ортидан
Дарбадар кетсам эди.

Пайғамбарлар кўпайган
Довдираган дунёдан —
Юракнинг етагида
Ўтсам эди пиёда.

Гулхан ёқиб руҳимда
(Тангрим, бир нуқтам порлоқ!)
Тинч суҳбат қурсам эди
Ўзим билан иттифоқ.

Ўтмиш кўчаларида
Юрак этса саёҳат —
Ханжар санчмаса эди
Ор-номусли диёнат.

Қулоғимда жаранглар
Минг амрнинг хандаси...
О, кошки, бўлсам эди
Фақат тангрим бандаси.

* * *

Одамизод ройиданмас,
Қисмат фалакдан келгайдир.
Ҳар кўйи ташлаб вужудни
Охир юракдан келгайдир.

Ахтариб ишқингни, ёрим,
Юлдузга роз этдим адо —
Қайси ўтрук айтдиким, бахт
Ердан булакдан келгайдир.

Меҳнатим — руҳнинг йўлида,
Заҳматим — қалб воласи.
Бул волаким, оғритиб, воҳ,
Этдан, суякдан келгайдир.

Тарбият этма мани, кўй,
Ўзингни қур, ўзни ярат! —
Одамизод роҳи ишқ деб
Шаънда турмакдан келгайдир.

Яссавийнинг қошига бор,
Дилдин зиёрат айлаким,
Ўзлигининг шуъласи, боқ,
Хокдан, сўнгакдан келгайдир.

Ҳаққа етмоқнинг зайлида
Жоним юрак чоҳидадир,
Мен юракка жонни бердим —
Иймон ўрнакдан келгайдир.

Руҳни юргуз! Қалбга ҳайда!
Қолмасин ҳеч тан ичраким,
Ҳар касга оллоҳ раҳмати
Қалбга юрмакдан келгайдир.

* * *

Юлдузлар ўтида бошим машъалдир,
Ернинг зах қаърида оёқларим — муз.
Юрагим — наврўзу руҳим ҳамалдир,
Жонимда — саратон, қисматимда — куз.

Турфа фаслим аро мен сени суйдим,
Турфа маконимда — айладинг талсим.
Худованд, нурингни қалбимга қуйдинг,
Минг жилва азобда жон қилди таслим.

Дунё ўтиб борар жоним оралаб,
Қуёшим оқшомга тутмоқдадир юз.
Қиш ўтди, баҳору ёз ўтди, ёраб!..
Ёраб! Менинг билан кетмайсанми, куз?..

* * *

Дўстлар даврасида ўлтирдим шодон,
Илтифот майидан дил тортди масрур.
Бир оғам айтдики: «Айрилиқ ёмон —
Мангу дўстлик бўлсин бизга чин дастур».
Дўстлар даврасида қизиди суҳбат,
Меҳрнинг гулхани ўртада ёнди.
Бир оғам айтдики: «Оғир мусибат! —
Қанча дўстларимиз йўлда йўқолди...»
Бир оғам бошини чангаллади жим,
Чангал қафасида чайқалди боши:
«Қанча чорламайлик, қайтмайди ҳеч ким —
Қайтса ҳам, қайтади дўстликнинг лоши».
Даврага тўкилди ғуссанинг руҳи,
Ҳавода кўринмас ҳижрон бўзлади.
Кимнингдир беножот дилўртар оҳи
Хотиралар кечиб, жонда музлади.
Сўнг кўнгил кўтардик... Оташ май — далда.
Мардона шеър ила дилларни ёзиб...
«Кўришгунча» дедим кетар маҳалда
Дўстларни бирма-бир бағримга босиб.
Бир оғам — дилида хавотир пайдо —
Кўзимга тикилди: «Ёлғон ичишдинг.
«Хайр» деб ҳаммага тикилдинг бежо,
Мангу кетаётгандай маҳкам қучишдинг».
Мен айтдим: «Бор, дўстлар даврасига бор,
Саволинг жонимни ёқиб кетмоқда.
Қарагин, айланар чархи кажрафтор —
Ҳамма бу дунёдан оқиб кетмоқда».

* * *

Айқашган, чалкашган чангалзор — Ҳаёт,
Юзимни, бағримни тилди чакалак.
Тикан азобидан товонда фарёд,
Оғриқдан маст каби юрдим чайқалиб.

Яшаб кўрганим йўқ — йўллар ноаён,
Одимим — жонсарак — нохос тажриба.
Ҳаёт чангал тилда сўзларкан бийрон,
Фақат фидо оним этди таржима.

Бораркан чангални ёриб манглайим,
Тушларимга кирди текис сайхонлар,
Тирик юрганимга ҳайрон — анграйиб,
Ўлимимни кутди ноқис ҳайвонлар.

Боболар нигоҳин елкамда сездим,
— Адашдим!..— Қичқириб сўрадим кўмак.
Ҳавода бир сўзнинг шарпаси кезди:
— Юрак... Юрак... Юрак...
— Аниқ айт!
— Юрак!..

Ҳориб гулхан ёқдим қоронғиликда,
Шиддатни бир лаҳза чарчоқ ўлдирди.
Чангалзордан чиқди ўзлигим тикка —
Дилимга илашиб шундоқ ўлтирди.

Келгин, бор вужудда яшайлик тотув! —
Унга қучоғимни очдим — ютоқиб.

Менга бир заррасин этдию тортиқ —
Яна чангалзорга кирди — улоқиб.

Ҳаёт, кўз ёшимдан чалкаш руҳинг ҳўл —
Жонимга фалакдан сўрдим тўзимни...
Адашганим сари адашганим — йўл,
Адашганим сари топдим ўзимни.

Ўзгага бу гапнинг маъноси сирдир,
Оллоҳ бандалари! Бўлинг журъатли...
Тангри — бир! Тангрининг йўли ҳам бирдир,
Аммо топмоқ захми — ўзга суратли.

* * *

Ўргимчакдай дайри дун
Ўраб олди рўзимни.
Қилич тутиб — туну кун —
Озод этдим ўзимни.

Юрагимда — айланиб —
Ҳар кун қурилди девор.
Руҳ ичинда шайланиб,
Деворни этдим бекор.

Занжирларимни кесдим,
Кишанларимни эздим —
Бир элдан бир одамни
Озод этганим сездим.

* * *

Сенинг билан тўлди жумлаи жаҳон —
Юлдузли, юлдузсиз, булутли осмон,
Ундан нарида ҳам айланган, ниҳон
Оламлар елпиган шамолда борсан.

Заминда — кунларнинг карвони аро,
Бир ўтар дунёга бўлдим мубтало,
Гоҳ нурга, гоҳ хокка талпиндим, аммо
Сездим — камолоту заволда борсан.

Оғриқдан узилган «оҳ» ларим — тошдай —
Тақдирга урилар, урилар бошга...
Топганим — узлуксиз қалбимдан бошқа —
Эркимда — тин билмас саволда борсан.

Мана бу юрагим — ғамда эзилган,
Мана бу руҳимдир — кўкда тизилган,
Тангри! Мангу Вақтсан — ҳушёр кезинган —
Оролсиз, соҳилсиз аъмолда борсан.

Қисматимда — заҳмат, жонимда — ғайрат,
Кўнглимда — муҳаббат, кўзимда — ҳайрат,
Озод қуш монандман — ишқингда сайраб —
Малолда йўқдирсан, мажолда борсан.

Кўзимга урилди бир ёруғ — ўтлуғ,
Жоним-а, ростликнинг қийноғи қутлуғ!
Раҳмон! Руҳга йўлни тутган субутлуғ —
Бечора меҳнатда — ҳалолда борсан.

Сен билан тўлганман, гарчи айриман,
Ёлғончи дунёда — таннинг сайриман,
Кетаримда борсан — дунё дайрида,
Борарим онида — висолда борсан.

* * *

Майса каби ўсди юрак,
Туман каби тўзди юрак.
Ўсди Руҳнинг шамолида —
Вужудимдан ўзди юрак.
Тангрим! Менга бергин тўзим:
Танда — рўзим, руҳда сўзим.
Шамолларда кетган менман,
Шамолларсиз қолган ўзим.
Ўзим — нуқта — заволдирман,
Балки ўзим саволдирман.
Балки ўзим тошдирман, тош
Балки ўзим шамолдирман...

* * *

Зиндонлар ичинда йўлларни кездим,
Йўлларда юраркан — ётдим чоҳларда.
Шўрлик давраларда подшоҳлик сездим,
Бечоралик сездим улуғ шоҳларда.
Дилимда бир кўзни топдим муайян,
Кўрдим: неки аён — алдоқ — тумандир,
Музларнинг тагида мудрайди гулхан,
Йўл ўзи аслида буюк маскандир.
Ботинга чорлади қудратин оллоҳ,
Неки сиртда ошкор — ёлғончи сеҳр.
Менимча, энг улуғ жонзотдир гиёҳ,
Дунёга устундир бир гиёҳ меҳр.
Шўрлик давраларда подшоҳлик сездим,
Бечоралик сездим улуғ шоҳларда.
Торгина танимда милён йил кездим,
Дунёдай кўнглимда ётдим чоҳларда.

* * *

Неки залворидан айрилди — ўтди.
Руҳим сокинликка бандлиғ кезлари —
Тунги деразаси нур сочиб — ўтлуғ,
Учар болаликнинг чўнг поездлари.
Учар мендан айри ям-яшил боғлар
(Дарахтлар бир-бирин йиғлаб қучади),
Ўзини бир митти қуш каби чоғлаб,
Бошида қор тўзғиб тоғлар учади.
Чўзилиб - букилиб учар йўллар ҳам:
Кўксимга тошлари тушади бехос —
Беовозлик ичра — оҳиста, мубҳам —
Тушади беоғриқ, тушар беовоз.
Гўдаклигим туши — отам кезади,
Боғни кезган каби кўкни оралаб.
Унинг қўлларини кифтим сезади,
Фақат залворини сезмайман, ёраб...
Олис дўстлар учар — булутдай енгил,
Ёвлар туман ичра кетмиш бенишон.
Дўсту душманимни, демак, кечирдим —
Демак, дўстлиғ-ёвлиғ ўтди беомон?
О, сен ҳам ўтдингми, менинг бечорам? —
Тилларим ўртаниб «тангрим» деган пайт,
Вужудим, мен сени сезмадим ҳеч ҳам,
Руҳим залворини ҳис қилдим фақат.

* * *

Оташ бошин уфққа босган —
Жон бермоқда қиш куни барвақт.
Ҳаракатдан чумчуқлар қочган —
Қоронғуда уринар дарахт.

Хона чўчиб чироқни ёқди,
Деразага қулф урди ҳовли.
Эски пичоқ —янги ой боқди —
Қўрқитмоқчи бўлгандай ёвни.

Титраб ёнди аёзда юлдуз,
Деразага урди доғини.
Мен — ҳижронга кўнгилсиз маҳбус —
Адо бўлдим сени соғиниб.

Каҳкашондай тўзиди жоним.
Сенсиз соғинч даҳшат тилсимдир —
Айтиб-айтиб йиғлаган оним
Мингу битта азиз исмингни.

Кечалари мудҳиш уйғоқман,
Йўл юраман оралаб ўзни —
Жонтопширар ваҳшат тўлғоқдан
Яраларкан шубҳали сўзим.

Парвардигор, солдими туғён
Жоҳил тунга юрак зарбаси,
Яна мени чақирди: — Усмон!..—
Аллақандай ёруғ шарпаси.

Қанот йўқми? — Пою пиёда.
Оёқлар ҳам йўқми? — Эмаклаб.
Қоронғудан фақат Худога!..
Фақат руҳда,
Фақат юраклаб...

* * *

Не учун кўнглимга етди
Инграниб зор шарпаси?
Бу хаёл кўзгусида
Пайдомидир ёр шарпаси.

Мен муҳаббат шавқида
Олам аро хушбахт эдим —
Келдиму чарх фаслининг
Сайрида инкор шарпаси.

Чархи золим ҳукмида
Менда итоат йўқ эрур —
Гоҳ ғазаб терс мавжланур,
Гоҳ тўлғонур ор шарпаси.

Рост сўз кўк ҳақда шу:
Осмон паноҳлик этмагай —
Гоҳ бевақт босгай жала,
Гоҳ титратур қор шарпаси.

Оҳ, ўйин этгай фалак —
Юлдуз ишора мўл эрур —
Ким кўнгил йўлидаким
Босгайдир ошкор шарпаси.

Куйлағин, оним маним,
Дилни ҳисобот айлаким,
Келди вақт — соз устига
Кўлка турур дор шарпаси.

Юзга босма панжаким,
Олам, воқиф ўлгин бу кун,
Ҳаққа етгум — тилда «оҳ»,
Кўнглимда иқрор шарпаси.

* * *

Руҳ само қуйнидаким,
Бахтли ҳудудга учради.
Ўзидек осмон аро
Учган вужудга учради.

Кўнгилдошлик ичра ҳар дам
Руҳ аро чиққай қуёш,
Жуфт қанотдир аҳду дил —
Ёрқин субутга учради.

О, нечук мардуми руҳ
Таннинг элидан захм егай —
Бу маромга бесабр
Темир човутга учради.

Иккимиз дун узраким
Сайрадик масту беҳол —
Кир дайрнинг шавкати
Нохос тобутга учради.

Дуст, мени, кўнглингга айт,
Шуъла тарафдан изласин —
Қонли гулхан мен эрурман —
Айтма, ёқутга учради.

Оҳ, маним ёнган танимдин
Дайри дунни босди дуд,
Ё фалак сайрида руҳ
Чексиз булутга учради.

Эй жаҳон осмонлари,
Кўнгил қачон булгай озод? —
Жон қулоқ бўлди, вале
Ғамгин сукутга учради.

* * *

Зулматга урилиб тўхтар зиёлар,
Соҳил етагида оқар дарёлар,
Қалқон сарҳадларда қотмиш данёлар —
Бир томчи ёшсану қирғоғинг йўқ, ғам.

Бошимда тунлари ҳоргин турасан,
На-да кўз юмасан, на-да юрасан,
Кўнглимга бир томчи ёғду сўрасам —
Қоронғу кулбангда чироғинг йўқ, ғам.

Мени бир лаҳза ҳам тарк этмагайсан,
Ногоҳ чақин каби «ярқ» этмагайсан,
Борманми, йўқманми фарқ этмагайсан —
Бош олиб кетарга йироғинг йўқ, ғам.

Забт этдинг — титради равон товушим,
Вайрон юрагимга қўнди бойқуши,
Қаҳратон эмас, бу — қоннинг совуши...
Тезкор ўлдирмоққа яроғинг йўқ, ғам.

Учсам — дунёнг баланд, сузсам — терандир,
Кезсам — адо бўлган Боғи Эрамдир,
Юракка санчилди — йўлинг тикандир —
«Ёмон оғридими?» сўроғинг йўқ, ғам.

Бошимга беқанот йиқилди гурбат,
Юрагим, суягим — барчаси турбат.
Ўстирмоқ истадим сендан бир дарахт,
Аммо илдизингу япроғинг йўқ, ғам.

Лашкаринг қувадир — қочқинман танҳо,
Тўрт тараф — хатарнинг измида саҳро.
Бирдан тилларимга келар: — Ё Оллоҳ!..
Энди ёвлиғ аро турмоғинг йўқ, ғам.

* * *

Музтарибдирман — ситамнинг
Бори етди биз тараф.
Бир сафи жонга етишди,
Паймонга етди битта саф.

Воҳ, кимим бор — от сурарга
Бу ситамнинг жангида,
Мен ўзим ҳам қолмағонман —
Майга харжман, ғамга сарф.

Беомонлик кунларида
Ёлғизлик дилга хуш ўлсин —
Ҳол сўрарга дўст йўқдир,
Ёр йўқ — ғам айларга даф.

Эй, ситам аскарлари,
Ўтрук таъзимлар не учун?
Охират бордир ҳали,
Тангри бор айларга афв.

Бул қиёмат кечасинда
Тупроқда қолдим юзтубан —
Бир киши қошимда йўқ,
Бошимда турди бир алаф.

Пайғамбари охирзамон,
«Уммат» дебон чорла бугун
Бир ўзимдан сас чиқар,
Карликда банд барча салаф.

* * *

Руҳ шамоли тевратур —
Кўнглимга бир мастлик келур.
Ҳоли сархуш измида
Дилдан чиқиб ростлик келур.

Куйлашимда бўғзима
Нечун пичоқлар санчилур?
Суйғали, оҳ, нечаким,
Минг бир «Чапандоз»лик келур.

Қўлларимга боққин, эй,
Кесик қанотдан ёдгор —
Ваҳ, қаҳҳор, инсон йўли
Боз нега парвозлик келур?

Ризқи рўзим ердадир,
Ердан зиёда этмағил!
Мен қадам боссам магар
Айт, нега дорбозлик келур?

Бир тубанга боғладинг,
Йўлдошлик ҳукмин қуймағай —
Нс фалакка чиқмайин
Ғавғо солиб пастлик келур.

* * *

Тушимга киради ўзгача олам,
Ўзгача оламнинг ўзгача боғи.
Ўзгача боғдаги ўзгача алам,
Қалбдаги ўзгача — нотаниш доғи.

Тушимга киради ғуссали олам,
Юрагимдай таранг тортилар байтим.
Менга жуда қизиқ бу ўзгача ғам,
Кўникиш — қувончга келмайди қайтгим.

ЭРК

Қувурларга солинган маҳбус —
Саёҳатчи — зиндонлар аро —
Қайнаган сув қиш учун — махсус —
Озод этди ўзини ноғоҳ.

Тешиб чиқди биқиқ сарҳаддан,
Ёйилганча пол узра сузди —
У эрк учун — эркни ҳатлабми? —
Нохос менинг тинчимни бузди.

Тоғоралар келтирдим чопиб,
Телефонлар... — Бу ароқ... Сизга...
Уста охир темирни ёқиб,
Сувни қайта олди ҳибсга.

О, сув бўлса ўзига! Мен ҳам
Оқаяпман — борми зарарим?
... Дарёларни соғиниб қолсам,
Бораман-ку ўзим, шаҳарим...

Қирғоғида ётаман — кеча
Юлдузларин қайдадир ёққан.
Дарё оқар — менсиз — ўзича,
Мен дарёсиз оққаним оққан.

* * *

Умрим тугади, гар
Сезган йўқ ўлим.
Бу ёғи — муқаррар —
Шу ҳолга куним.

Бу ёғи — беумр
Тутмоқлик ўзни.
Рад айлаб соялар
Буюрган сўзни.

Умрим — олов ичра —
Дўзахни маълул
Ҳикоя айларкан,
Айтмоқлик: — Маълум!

Ва икки дунёни
Этганча таққос —
Ҳаёту ўлимдан
Тузмоқ бир баёз.

Умрим кетди, магар
Юрак кетмади —
Юрак ғамга етди,
Умр етмади...

* * *

Сабр — қўрқоқликми? Билмайман, бироқ
Тажриба юракни забт этган сайин,
Қарор дунё кечиб яралар узоқ,
Шиддатнинг қадами ўйчану вазмин.
Сўз етар дунёнинг равиши маълум,
Сўз етмас ҳолатлар дилимда такрор.
Ўзингдан келади юракка таълим,
«Худога солдим», деб юборсам, жаббор.
Юракни тарк этган ҳавойи ғурур,
Сокин ҳақиқатдан оғир сўйлайман.
Ўз қадрим англадим, худога шукур,
Ўзгалар қадрини энди ўйлайман.
Сабр қўрқоқликми, худо яроғи?
Сабр!.. Бу тинч жангда қўллагин, худо!
Сабр!.. Бу курашнинг борми адоғи!
— Сабр! — то шайтонлар бўлгунча адо...

* * *

Кўзларим тўладир — сиғмайди шодлик,
Ёлғонлар сиғмайди — оғзим тўла чин.
Юракларим тўла ётликдир, ётлик,
О, узоқ қаъримга бекинмиш аслим.

Қувончнинг эгаси, гадолик қутлуғ!
Нимани сўрайсан, айтгин отини?
Ахир, сенингдан-ку хўжаю қуллик,
Нечун сўз чўзасан яна ботиниб?

Панжанг пешонамга эгилмиш ногоҳ,
Шодликка ботдингми? —
Қўлинг қичинган.
Сен узун томоша. Мен бир қисқа «оҳ».
Кўзим ўйилмайди — кўзим ичимда.

* * *

Китоб фалагида осмон — беасрор,
Турфа юлдузларнинг сири — саришта.
Осмон тартибини такрору такрор
Мунажжим кузатар — қарич-қаричлаб.

Фалакни айланар телескоп кўзи,
Босиқ нигоҳида хотиржам нуфуз.
Ногоҳ мунажжимнинг бўғзида сўзи
Най каби титранар:
— Воҳ, янги юлдуз!

Юлдуз милтирайди олисда туйғун,
Нафис ёғдуларда йўллайди салом...
Инсон ҳануз кўкка боққани учун,
Тангри баъзан юлдуз айлайди инъом.

* * *

Дема, қўнди бу кўнгил
Бир мангу исбот устига.
Англағил, нечун Қуръон
Тушмишким Таврот устига.

Пою пиёда бордиму
Пойида қолдим мудом —
Ҳақ ўзин олди шитоб
Минг турфа Ғирот устига.

Оҳ, сирким очилмагай,
Бир жонни сарсон кўрмайин —
Шул сабаб боргай Гўрўғли
«Оҳ» уриб ёт устига.

Саволларим эркин эрур,
Жавобларим лолдир, нетай,
Кечса асрордин жаҳон
Юк ўлғай исқот устига.

Қайта-қайта айтса ҳам
Одамизотга бир жавоб,
Ҳақ зиёсин қайт эта —
Боргай зулумот устига.

Мени тинглаб, эй, дўстким,
Мастликда сарсон йиғлама —
Бу кўнгил чалгай мени
Нохун уриб дод устига.

Қисматим ўзга маним —
Усмонлигимда қолмадим,
Бул умр барпо — ажаб! —
Даҳшатли ҳайҳот устига.

* * *

Ўчмади. Ўчмади дилимда гулхан —
Умрим ўтган сари миямга ўрлар.
Фикратим — ёнғиндан қутилган улкан
Қушдир — теграсида кул қучган тўрлар.

Руҳга кўчиб борар ҳамма фикратим,
Нолага чирқираб дардим жамулжам:
Ҳижроним, қийноғим, орзум, фурқатим —
Сенинг оловингга кирмоқда, эгам...

ЎТАР ДУНЁ БАЛЛАДАСИ

— Олиб кетинг мени ҳам... Ахир,
Бу тор дунё кўнглимга ботар...
— Болам, бунча бўлма бесабр...—
Кун ботарга от солди ота.

Насиб эмас мағрибдан қайтмоқ —
Кетган келмас яна дунёга.
— Ота, сенинг изингдан бироқ
Мен бораман пою пиёда.

Пиёдага тоқати йўқдир,
Вақт эгарга ўтқазди маҳкам:
— Кўзим ҳам тўқ, кўнглим ҳам тўқдир —
Отингни сур, йигит, хотиржам.
Ўзим сенга бўлай жиловдор,
Кўрсатайин энг қисқа йўлни.
Тезликка бер, жоним, эътибор,
Турғунликка узатма қўлни...

Вақт шунақа куйлади ялла,
Вақт шунақа тутқазди шароб.
Вақт дўстингдай кўринган палла,
Ёвликлари туюлди сароб.

Суворийнинг чақнади кўзи,
Суворийнинг ғайрати тошди —
Вақт ирғишлар бўйнини чўзиб,
Вақт йилларнинг устидан ошди.

Кўкда арвоҳ йиғлади гирён,
Фиғонидан титранди олам.
— Болам, мендай бўлмагин нодон —
Қамчи босма отингга, болам!

От боради баҳордан ўтиб,
От боради ёзда ялтираб,
От боради кузакни тутиб,
От боради қишда қалтираб.

Кўкда арвоҳ чарх урар гирён,
Зириллайди руҳида олам:
— Болам!.. Болам, бўлмагин нодон!..
Маҳкам тортгин жиловни, болам!..

Отлиғ вайрон боқар фалакка:
— Юрагимни, ота, эзма, бас!..
Ҳол қолмади, ахир, юракда —
Бу тулпорни тўхтатиб бўлмас.

* * *

Руҳим осмонидан чекинди қуёш,
Туманлар забт этди кўнглим боғини.
Мен ўзим ўзимга бўлгани талош
Кўнглим ичра кирдим сени соғиниб.
Нақадар чексиздир соғинч дунёси! —
Унда — ташналикда — ўсар фақат қалб,
Унда — йўқ қувончнинг енгил риёси,
Унда — ёлғон сўзга очилмагай лаб.
Унда юз кўрсатар кутганинг дийдор —
Ҳаётда, ўлимда, ундан ҳам нари...
Висолда — замонга ошиқмоқлик бор,
Соғинчда йўл бордир мангулик сари.

* * *

Раҳмат ёғдирди Оллоҳ —
Дилингга тушди ёғду.
Тош, ҳаво, барг — кенг дунё
Чолғу — қўлингда чолғу.
Қоғозга тушар шунда
Ҳақ сўзлар ногоҳ-ногоҳ —
Гўё ҳадис айтмоқни
Пайғамбар кўрган раво.
Ҳар сўзинг — ҳаққа чорлаш,
Ҳар бир сўзинг — истигфор.
Ҳар сўзинг — дилни поклаш —
«Дил ба ёру даст ба кор».
Чин сўзга фано йўқдир,
Ростлиғ ичинда — тангри.
Ҳар бир чин сўз ичра, оҳ,
Минглаб куйганнинг бағри.
Раҳмат ёғдирар Оллоҳ,
Дилингга тушар ёғду —
Дардлардаги жаъми «оҳ» —
Чолғу — юракда чолғу.
Ларза тушади жонга,
Бир онга йўлинг равшан,
Сен умрингни бу онга
Жо этолмай йиғлайсан.

* * *

1

— Эртак тугади. Ҳамма
Муродига етишди...
— Етишган сўнг муродга
Яна қайга кетишди?
Муроддан кейин нима,
Бахтдан кейин нима бор?
— Сўраб нима қиласан,
Ухла. Савол на даркор...
— Билмоқ истайман, айтинг —
Гўдак ақлим бесабр.
Муродига етган сўнг
Қайга кетади тақдир?
Нечун, она, яшириб
Ёшингни жим тўкасан?
— Айтолмайман, болажон,
Айтаверсам, қўрқасан...

2

— Муродга етдим, она,
Муроддан ўтдим, она...
Она, мени соғиниб,
Бўлмадингми девона?
— У ёқларда хатар мўл,
Эҳтиёт бўл қайтишда...
— Қайтолмайман. Сўрама...
Оҳ, қўрқаман айтишга...

АРМОН

Ғамни бунёд кўрдим, аммо
Бахтни бунёд кўрганим йўқдир.
Танни обод кўрдим, аммо
Дилни обод кўрганим йўқдир.
Элни зиёд кўрдим, аммо
Ўзни зиёд кўрганим йўқдир.
Юртни озод кўрдим, аммо
Ўзни озод кўрганим йўқдир.

Еттинчи дафтар

Хотира парчалари

* * *

Йўллар — тошли. Йўллар — ёшли.
Йўллар чақирдир.
Тошларингдан ҳаёт тошди —
Жим-жит бақирдим.

Менга ўзи нима керак,
Қандай одамман?
О, йиртилди яна юрак,
Кечдим оламдан.

Дардлар ичра энг оғирман,
Минг карра «энг» ман.
Мен сиғмайман бу заминга,
Заминдан кенгман.

Ҳар дам мени қумдай эзиб
Ўтаётир Вақт.
Ҳатто Вақтда торлик сезиб,
Топдим бешаън бахт.

Мен — маҳбусдан, дунё, нечун
Этарсан гина?

Қисирлайди суякларим —
Сарҳадинг синар.

Сўзларга ҳам сиғмайман мен,
Оҳангга, ғамга...
Мен кенгдирман, кенгдирман, кенг —
Бу дунё камдай.

Парвардигор, менга ҳар дам
Кўрсатдинг шафқат —
Фақат сенга сиғаяпман,
Бир сенга фақат...

* * *

Олис бир сўзимда,
Нуринг солланди.
Кўнгилга қулликка
Ул дам боғландим.

Тангрим! Ўртамизда
Бир чексиз ҳижоб.
Жон бериб топганим,
Висолмас, сароб.

Ўртамизда армон,
Туман, зулумот:
Ўртада кенг ёлғон —
Бир дунё ҳаёт.

Бир дунё ҳаётда
Ёмон ҳолландим...
Кўнглимга қулликка,
Тангрим, ёлландим.

* * *

Бир қанотим — қуёшдан куйди,
Ёмғирда ҳўл — битта қанотим...
— Йўқ, учаман! — ўзини қўйди,
Жар лабига ўжар ҳаётим.

Қанотимдан ёдгорлик қўлим,
Қандай учдик! — чақмоқларга тенг...
— Сен қуладинг! — уқтирар ўлим,
— Учдим! Учдим!.. — такрорлайман мен.

* * *

Ёлғизлик элтдими ботин сеҳрга,
Ёхуд дилга етди баҳорги олам —
Яшил навдаларга боқиб меҳр-ла,
Баҳорни авайлаб — йиғлади одам.

Дунёни бузмасдан йиғлади беун,
Бетитроқ — кўнгилга бериб ихтиёр:
«Худойим, ижодинг бунчалар бутун,
Бирга нафас олган юрак бахтиёр.

Гоҳо ўзим билан, ўзга билан гоҳ —
Дунёнгни билмасдан — баҳслашдим ўжар.
Кўзим очиқ чоғда, парвардигоро,
Заррамни қолдирмай олсанг-чи ўлжа.

Яратган дунёнгнинг ташвишларида
Мен сени кўрмасдан яшадим. Бироқ
Боғларнинг ям-яшил ёнишларидан
Бугун уфурасан руҳимга титроқ.

Кўрсата олмайман (ўзинг чексиз кўз!)
Адашган умрнинг сарсон изини.
Келаётган кунларга айтиб ширин хўш,
Сенга қўшиламан ҳозир узилиб...»

Ўтлар кўз олдида титранар ўсиб,
Булутлар томчида етар бошига —
О, яна қанчадир айтмаган сўзи,
О, қанча сўзлари кўзин ёшида.

Деразa ортида баҳор — мукаммал.
Инсон Яралмишнинг энг чала жойи
Худди бутун каби турар бу маҳал —
Баҳорга боқару йиғлар: «Худойим!..»

* * *

Қандай майда ёмғир, қандай илиқ кун! —
Қалбимда барг очар куртаклар — сездим.
Анҳор бўйларида бахтиёр кездим,
Ёнимда юргандай бир дўсту туйғун
Майсада юролган шамолдай эсдим —
Дўстликдан юрагим топгандай афсун.

Боғда музлаган Вақт етдингми мартга?
Ёмғирнинг сийнаси бунчалар майин.
Руҳ майин — юзимни босганим сайин
Бу нозик тортиқдан юрагим катта,
Дуч келдим, о, қандай бахтиёр дардга —
Сипқордим — ҳаводай мангулик майин.

Қандай чўзса бўлар бутун умрга
Бу бахтни... Юзимга тушаркан сим-сим,
Ҳатто йиғласам ҳам билмайди ҳеч ким...
Беминнат, улуғ дўст шарпасин бетин
Ҳис қилиб, учади руҳим бир нурда.

Ўрдадан Хадрага пиёда кетдим.
Теграмдаги турмуш кўринди мўъжаз.
Эй, ёмғир фалакдан келаётган сас —
Мен бугун дунёдан зиёда кетдим.
Заминдан қай майин дунёга етдим? —
Сен — сочқин қалб билан яшаб ҳамнафас...

* * *

Баҳорда юмшайди кўнгил ва тупроқ.
Баҳорги эркида йиғларкан кўнглим,
Мен яшил ҳисларга кўмилдим — тўлдим.
Ҳамма куртакларим очаркан япроқ,
Олис бир эртакка ўхшади ўлим.

Жон Ҳаёт! Гулларинг менда очилди!
Гуллаган дарахтдир руҳим бу кунлар.
Шамоллар сочдилар бир эрка унлар —
Қаҳратон аёзнинг заҳри янчилди,
Қалбимда ечилди барча тугунлар.

Жон, Ҳаёт! Кўксингга бошимни қўйдим,
Бошимни ишондим сенга, бошимни.
Баҳор эритгандир жаъми тошингни,
Мен сени онам деб ўртаниб суйдим,
Ёмғирли меҳрда айтдим розимни.

Сархушман! Сипқордим: умрим — буюк май,
Жонимдан чекинди азалий фироқ.
Лаҳзаларни санаб титранма, япроқ!
Ерга кириш бўлса, ахир, қочмагай —
Баҳорда тупроқ ҳам юмшоқдир, юмшоқ...

* * *

Ўрик гулбаргларин
Шамолда тўкди.
Сени ўйлай десам
Ўйимдан қўрқдим.

Шундоқ ҳам аччиқ ёш
Босди кўзимни.
Сенга қадар ғамда
Жоним чўзилди.

Сукунат ичида
Ўлтирдим тошдай —
Сиримни бермасдан
Кўздаги ёшга.

Соғинч тошлигимга
Ёшимни тўкди...
Сени ўйлай десам,
Ўзимдан қўрқдим.

* * *

Қайда чироқ ёнса, теварагида
Қур ташлаб ўлтирар кеча. Бу оқшом
Баҳорги майсани тўшаб тагига,
Сукутли ёнбошда олмоқда ором.

Ботинликни тешиб, самовотида
Юлдузларни бир-бир ёндирган сайин —
Теран хаёлларнинг салобатидан
Липиллаб туради тарқоқ манглайи.

Кундузги ташвишда учиб ҳориган
Уйқули қушларни бовлиб бағрига,
Митти тушлар билан сирли ёриган
Чексиз қоп-қора кўз боқар тангрига.

Мен таҳрир этаман ўзимни тунда,
Тақдирга қарайман рангларим учиб.
Кечадан таралган сокин афсунда
Қайтади — дунёдан қолган бу кўнглим.

Кечада менинг ҳам қатра ёшим бор,
Термулган кўзимнинг бесабр они...
Кўнглим кечаларни айлар ихтиёр,
Кундузга борган — бу жонимдир, жоним.

* * *

Дарахтлар гуллаган. Арилар ухлар.
Ҳаёт маст жамланган гуллар жомида.
Шамол йўқ. Учётган гулбарглар тўхтар —
Тортиш кучи йўқдир ернинг онгида.

Вужудим — муаллақ. Вужудим — ҳаво.
Ўзни йиғмоқ учун зўриқмайман кўп.
Юрмаслик — раводир, учмаслик — раво,
Ҳатто осмоннинг ҳам тортиш кучи йўқ.

* * *

Ким шивир-шивирлар? Йўнғичқазорнинг
Баданин пайпаслаб босмоқдами сув?
Ё ойнинг ёғдусин — шамолга қориб —
Тераклар бошидан тўкмоқда дув-дув.
Тилсиз коинотнинг гунгликларига
Ё бирор юлдузи этди хиёнат —
Қутилиб азалнинг қулликларидан
Ерни шивир ила айлар зиёфат.
Ёхуд умматларин ташлаб кетмаган
Ҳануз тирикликда сўнгги пайғамбар —
«Осий бандаларга етказ!» — деб бу дам
Фалакдан тўкмоқда бир йўлчи хабар.
Бу шивир дилимга оҳиста қўнди —
Қофия сўзларсиз, беқонун, сарбаст...
Кўзимдан ёш билан эшитдим — бўлди! —
Унга жавобим ҳам ҳатто керакмас.

* * *

Август — гужум.
Август — узум.
Август — узун ...
Узун кун.

Август — ҳордиқ.
Август — борлиқ —
Нуру ёруғ —
Ёруғ муиг.

Август — зиё.
Август — рўё.
Август гўё
Тушдир, туш.

Куйлайман маст
Беҳуш, беҳуш...
Август — қафас.
Мени кузга
Тутади даст:
— Олгин! Бу — қуш...

Тайинлайди
Қайта-қайта,
Сифатларим
Айта-айта:
— Ғуссаларга
Тўлмас қушдир,
Куйлайверса
Ўлмас қушдир...

* * *

Қанча баланд эди, энди қанча паст —
Очмонда бу кўча еди пошнамни.
Ҳар бир қадамимда етказди шикаст,
Зарралаб емирди камтар ошнамни.

Хар бир қадамимпи ютоқиб кутди.
Букиб улгурмасдан ҳуркак тизимни —
Чайналмай, беовоз, битталаб ютди,
Эркида тўкилган барча изимни.

Орзу этилгандай дилбар қўшиқда,
Қадамимда гуллар чиққанда униб,
Кўча гулларимни қаро тўшига
Улгурди бекафан, беоят кўмиб.

Мендан ҳеч мўъжиза этмасин талаб —
Илтимос этаман ғариб оламдап —
Кимлигимни билдим — ортимга қараб —
Мен беиз одамман, беиз одамман.

Аммо юз келганда ҳақиқат билан,
Ейилган туфлимни этмасдан байроқ,
Мен умрим йўлини босиб ўтарман,
Товонларим қонаб, жим, ялангоёқ.

Туфли савдоси ҳам шартмас эҳтимол...
Дўконга чорлама, савдогар, қизиб!
Дунёнинг савдоси келмоқда малол,
Ахир, қолмаяпти ортимда изим...

* * *

Худойим!
Қайларга яна учирдинг,
Етказдинг қанақа англанмасликка.
Ечимсизлик ичра мудом гуширдинг,
Мудом маҳкум этдинг ғамдан пастликка.
Бўшашган бир кечанг елкамда ухлар,
Беҳуш юлдузлари учади ҳар ён.
Сомон йўлларини кўзимга пуфлар,
Даҳшатли пинҳонлик — сеҳрли армон.
Қайси кун йўқотдим ихтиёримни,
Қай кеча дунёдан этди бегона?
Қаршимга тиклади минг деворини
Ўзимнинг юрагим — оғир девона.
Қаро ер тагига кўммоқлик нечун
Менинг кўздан оққан юлдузларимни?..
Худойим!
Сеҳрини кўрсатди очун,
Фалакда кўряпман илдизларимни.
Бўғзимга ёпишди аммо бесабаб
Айни куйлар оним ёвликнинг ити...
Шайтон қўлларида кетдими, ёраб,
Раҳмонда эмасми тақдир калити?
Мени қўриқлама, худойим, махсус,
Дунёнгда яралдим фақат хасликка.
Энг буюк фожега айладинг маҳбус,
Энг арзон фожега — англанмасликка.

* * *

Оғир оёқ аёл — гўзал замбарак —
Ҳаётни жойлаган — тугиб — бастига.
Тўққиз ой, тўққиз кун... Хуллас, отажак
Бу буюк ўқини ўлим қасдида.

Ўлим — ҳақ. У билан баҳслашмоқ ҳам ҳақ. —
Тонгни оттираркан чумчуқ — муаззин,
Кўз очмай қўшиқлар этгани-чун тахт,
Алоҳида эрур дилимда вазни.

Йўқ, менинг қуш ҳақда фикрим қатъиймас,
Ўлим ундан чуқур... Аммо қўшиғи
Учади фазода (маргга қасдма-қасд),
Чексизлик ёдига тутиб тўшини.

Ёки ёз ичида чанқаган алаф,
Сарғайиб бораркан лабидан бошлаб,
Сўнгги ҳаракатин айлайдию сарф,
Улгуради ерга бир уруғ ташлаб.

Тўғри, ўлим — жиддий. Чарчоғим билиб,
Юрагимдан тутса, қочади мазам.
Аммо — гоҳ-гоҳида — турар енгилиб,
Уни унутмасдан қўшиқлар айтсам.

* * *

Ўзни яна бузмоқлик?.. Бошла!..
О, Вайронлик! Бунчалар хушли!..
Костюмимни елкамга ташлаб,
Мен кетаман топгани тушни.

Бутунликка кўнган вужудда
Аста-аста қисматим ярим...
Мен йўллари чалкаш ҳудудда
Янгратаман юракнинг торин.

Мендан рози бўлмас бир дафъа —
Кийимларим ейди этини:
Тупроқ йўлни чангитар — хафа,
Бутунликда топган этигим.

Донишманддир — мантиғи улкан —
Мендан чўчир бағри бутунлик —
Айниқса, мен бахт деб кўрсатсам.
Юрагимдан қолган тутунни...

Гарчи менинг юришим ўктам,
Гарчи менинг хаёлим учқур —
Мен тушимга сира етмайман,
Ҳеч етмайман...
Худога шукур!

* * *

Сенинг йўлларингни
Дунё, унутдим.
Руҳнинг қийноқ йўлин
Мен маҳкам тутдим.

Аммо шеър ёзаркан
Бугун шомингда,
Англадим азобинг
Тану жонимда,

— Беғамсан! — айбласа
Фалак бир фурсат,
Мени «ҳасратим» деб
Оламга кўрсат.

Ғамдан ўлганим йўқ,
Фалак, эй, ноқис,
Қара, ғам қўшиқдир,
Руҳим — кенг ҳофиз.

Ноламда тебранар
Тобуту бешик...
Эшит, шеър ўқийман,
Чидасанг, эшит...

* * *

Келганинг нақадар соз! —
Пальтони ечгин. Чой қуй.
Келдинг — кетди инқироз —
Ўлим каби оғир ўй.

Дилга хушдир бунчалар
Куз кечаси тинч суҳбат.
Хазон учар кўчада —
Бизни унутган қисмат.

* * *

Юракда тухтаган ёш,
Буғзимга тиқилган тош —
Сен — ўзинг, сен — ўзинг...

Юрагимни ёрди ёш,
Кўксим эзиб борар тош —
Тўзим бер, тўзим!

Ҳасратинг бунча доғли...
Вақт ўтар — фақат оғриқ... —
Тегинма, оғрир...

Туманларимни кезиб,
Бошимдан чиқар эсим —
Юрагим оғир.

Дард бетўхтов етади,
Бетўхтов забт этади —
Мен — чексиз таслим...

Руҳим ёшдай оқмокда
Сенга бир бор боқмоққа,
Кўринмас аслим...

* * *

Ҳар кузакда ўлдим, ҳар кўклам ўлдим,
Ҳар соатда ўлдим, ҳар бир дам ўлдим —
Ўлимдан чекиниб дилга жам ўлдим.
Тангрим! Тирилмадим! Наҳот, кам ўлдим!

Булутдай тўзғинман — чақмогим йўқдир,
Нурингга қўшилиб оқмогим йўқдир.
Дунёнгнинг ғамига тошмасман ҳануз,
Сенга сингмоқликка ёшмасман ҳануз.

* * *

Бу қафас
қушга кўниккан
эди.

Мустар яшар эди
қуш ҳам сайрамай,
кўникиб
минг йиллик
тутқунлигига.

Эшигини очиб қўйди
бир куни
қафас.

Қуш эса,
учиб бориб қўнмади гулга.

Шунда
сайраб юборди
қафас:

— Парвардигор! Озод эт
Бу қушдан мени!

* * *

Йиллар ўтган сайин
ёлғизман — ёлғиз —
дўстлардан жудоман,
ёрдан — мосуво.
Танҳолик ҳолимга етмагай ҳаргиз
бандаси...
Ўзинг ет —
ёрдам бер, Оллоҳ!
Яна бир кунимга ёғдирар хазон,
бошимда айланар
кузнинг даврони.
Менинг ўйларимга тизилар нолон —
беқанот қушларнинг чексиз карвони.
не учун лабимдан —
чўчиб — «оҳ» учди,
фожени кўргандай сесканди сўзим?..
Кузга каноти йўқ битта қуш тушди —
ногоҳ кўриб қолдим
ўзимни ўзим...

НАТЮРМОРТ

Қип-қизил олма.
Ёнига олтин узум чизаман.
Унинг ёнига анор —
ҳаётга тўйганидан ёрилиб кетган бўлади
анорнинг вужуди.
Кейин бир тилим тарвуз.
Бир тилим қовун.
Фақат одамни қўйолмайман
уларнинг ёнига —
у суратга қараб
йиғлаб ўтирибди бир четда:
«Худойим,
шу қаро ердан
униб чиқдими шунча мўъжиза?
Сен билан бу мўъжизанинг ўртасида,
наҳотки, мен борман?»

«Йўқ, — дейди парвардигор.
сен билан
бу мўъжиза ўртасида
мен борман».

Баҳслашмайди одам.
Қарайди.
Деразада сентябр.
Дунё лим тўлгандир
парвардигор билан.

* * *

Қуёш ботяпти.
Панжаларим
ва қуёшнинг нурлари
сочларингга чалкашган.
Даладан минг-минг асрлар ўтар.
Тоғлар бағрин ёриб
келар даралар.
Тўрғай қуёшга чўмилиб
хайрлашар мангулик билан.
Уфққа от суриб
қўшинлар кетар.
Дунёни чангитиб
қайтар салт отлар.
Одамлар — кичкина — чумолидай —
вақтнинг туёқлари тагида — увол...

Қуёш ботяпти.
Дарахт шохлари —
панжаларим орасидан
шамол сочларинг
оқар шовуллаб.

Қуёш ўтяпти
(нечанчи қуёш?)
олам устидан
(нечанчи олам?)
дарахт шохлари
(нечанчи панжаларим?)...
фақат сочларинг тугамас —
Бир ҳақ сўзга айлангани учун.

* * *

Дуст йуқдир. Суз йуқдир.
Тасалли — адо.
Рузимда руз йуқдир...
Бормисан, худо?

Болам ҳаётини
Қургани кетди.
Дустим мангуликка
Тургани кетди.

Хотиним рузгорнинг
Дайрида оқди.
Отам марг — хунхорнинг
Майлида оқди...

Карам! Карам! Карам!..
Карам этгин, куз!
Фақат қисмат билан
Қолдим юзма-юз.

* * *

Йиғиштириб
кузнинг
хазонларин қиш,
яланғоч руҳини совуққа чоғлар...
Кафтларини очди фалакка — беиш —
ям-яшил ёзларнинг ёдгори —
боғлар.
Жаъми борлиғини бериб армонга,
хазонрез устидан айланди дунё.
Юрагим қичқирди —
кечдими жондан,
ногоҳ кузи тушди теранликка ё...

* * *

Ҳавода ҳаёт сийрак —
учса бўлади.

Ерга ҳаёт тиғиз —
Юрса бўлади.

Ернинг тагида ҳаёт зич —
Қўзғолиб бўлмайди шу сабаб.

Шу сабаб
Ҳеч ким қайтолмайди ер юзига —

Биз қанча соғинсак ҳам.

* * *

Деразам туҳлари сарғайиб турар.
Пардалар тортилган —
Дардларим пинҳон.
Мен томон
Юлдузлар
садоси юрар —
Титроқ ёғдуларда — жамланган армон.
Юрагим уйғонди самовий сасдан —
Ҳар бир ҳужрасида
Минг нурли хилқат.
Фалак шаробидан нақадар мастман! —
Сени соғинганман...
Йиглайман фақат...

* * *

Кўзингга боққандай кўнглингга боқдим.
Ишкинг селларида йитди тўғонлар.
Англанмаслик ичра не борки ёқдим!
Юракни асрагин, ваҳм тўлғонлар
Келар кунимизга — эрк ичра — оқди.

Нега кафт тагида бекинди манглай?
Унга не ёзилди? — рухсат бер, англай.
Менга ботинликни худо очган кун,
Истиқбол миямдан ўтмоқда онгдай,
Сенга бир асрорни очаман бутун —
Сен менга зарурсан, зарурсан жондай.

Сен ҳали гунчасан — очилмаган, тар...
Ҳамма шодликларинг бўлмас бир кадар.
Қанча баҳор ўтар, қанча куз ўтар,
Сен менинг ҳолимга етиб келгунча.
Қайси дунёларга тез руҳим етар,
Сен боқиб кўзимга — кўнглим кўргунча.

* * *

Мен сени ҳар куни кўргим келади,
Кўрмаган кунларим ўлгим келади.
Ҳасратнинг беэшик дунёси аро,
Сенсиз бу рўзгорим бўларкан қаро —
Абад қаролиғда сўнгим келади.

Мен сени ҳар куни кўргим келади:
Кутаман — тушиммас, ўнгим келади.
Маним жим нидомга этмасдан карам,
Ҳатто сўз айтмасдан ўтиб кетсанг ҳам —
Шу сўзсиз нидога кўнгим келади.

Мен сени ҳар куни кўргим келади,
Сен келсанг, вужудга кўнгил келади.
Тош тақдир юмшайди — эрийди қордай,
Гўё ҳаёт бордай, тириклик бордай —
Руҳга аввал ёғду, сўнг гул келади.

Мен сени ҳар куни кўргим келади.
Кўзингга тикилиб тургим келади...
Сендан сўрамайман мангу ҳамроҳлик,
Ёнингда — о, мудом қалбингга боғлиқ! —
Бор-йўғи бир умр юргим келади...

МУНДАРИЖА

Наҳотки, кетмоқда баҳор?..

«Ёмғирли кечада фалакка учдим...» 6

БИРИНЧИ ДАФТАР

СЕВГИ

Эркак ҳақида икки лавҳа 7
«Роялнинг жонида тоқати қанча?» 9
Қўшиқ 10
Туй. Наҳорги ош 11
Қадимги Бухоро мавзуларида 12
«Таралло, воҳ, ялло!..» 23
«Юрган йўлим ташвиш...» 24
Икки уй ҳақида достон 25
Ёшлик 27
«Бормисан, йўқмисан...» 28
«Гулим...» 29
«Баҳор янглиғ кўнглингда...» 30
«Бардам бўлмоқликка ўргатди ҳаёт...» 31
«Мен Вақтнинг қўлида асирман...» 32
«Кўз ёшлар қуриди...» 33
Қадимги мавзу ташбеҳлари 35
«Деразанинг ёнида ўлтир...» 36
«Ликобчалар...» 37
«Кўп жафо эрди бошимда...» 38
«Жоним маним...» 39
«Сомон йўли...» 40
«Дунёни тўзитди...» 41
«Жавонларда идишлар янги...» 42
«Умримизда ҳеч нарса...» 43
«Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг...» 44
«Юлдуз учса қўрқмагин...» 45
“Осмон чўғ элайди» 46
«Холингизда маъюслик мўл...» 47
«Дунё яралмасдан...» 48
«Бир қуёшман — чиқарим йўқ, ботарим йўқ...» 49
«Бу кеча қанақа хатар келтирди...» 50

«Сен кетган тарафлардан...» 51
«Урилиб тўхтади деразага тун...» 52
«Бахт каби гуллади...» 53
«Ўтган кунларим...» 54
«Севги баҳорида...» 55
«Кўп йўллардан кетдинг...» 56
«Мени етти дўстинг ёмон кўради...» 57
«Сен тушимга кирдинг...» 58
«Қувондим — вужудим баҳорга тўлди...» 59
«Сўзимиз мавжланиб шитобга ўтди...» 60
«Сен шундай гўзалсан...» 61
«Қай қаро кун сенга кўзим тушди...» 62
«Уйингни ўради қорнинг тўрлари...» 63
«Макр кўпдир ҳур уйинингда...» 64
«Ҳамма тасодифга айтилди узр...» 65
«Кўкда — шамол дарёларида...» 66
«Мен титрадим...» 67
«Севар ёрим...» 68
«Энг аввал тераклар...» 69
«Севги ёзи кузга кўмилди...» 70
«Нима бўлса бўлди...» 71
«Тунми? — Деразадан...» 72
«Сени тутмоқ истадим...» 74
«Айрилиқ. Кутилган айрилиқ...» 75
«Эртаксевар жоним...» 76
«Тазарру керакмас...» 77
Вазнлар ҳақида илмий иш 79
«Виқорлисиз ўзгалар билан...» 80
Севги 81
«Бунчалар тўзгиндир сенинг сочларинг...» 84
«Мен севгидан олгандим таълим...» 85
«Гумроҳлар кулади...» 86
Ёмғир ҳақида баллада 87
Цирк. Кўзбойлоғич 89
«Шивирлайди майда қор...» 91
«Ҳали сиз йўқсизу...» 92
Орфей 93
«Юрак, сен — мавждирсан...» 94
«Батартибдир ҳасратингиз ҳам...» 96
«Тун бўйи гувлади тақдир шамоли...» 97
«Менинг кўзим қуп-қуруқдир...» 98
«Дунёда вақт беэга...» 99

«Фақат сенинг учун яшамоқ бекор!..» 100
«Букилгану эгилган...» 101
«Айни шамол каби...» 102
«Дунё чўкар мўътадил ҳолга...» 104
«Ҳа, дунё ҳам сенга ошиқдир...» 105
«Сесканиб...» 106
«Руҳимнинг...» 107
«Йўқ десанг — йўқликдаман...» 108
«Мошинлар ухлашга бир-бир кетдилар...» 109
«Тоғларни ваҳима булутлар босди...» 110
«Итлар ҳуришади қоронғуликда...» 111
«Дилимда фақат армоним...» 112
«Сенинг туфлиларинг...» 113
«Оҳ» имда додим битмас...» 114
«Хайр ҳам айтолмас...» 115
«Автомобил ҳақида баллада...» 117
«Сенинг ўжар лабларинг алвон...» 120
«Севги гуллаган боғ...» 121
«Бахтли кунлар ўтади...» 124

ИККИНЧИ ДАФТАР

БОҒЛАРДАН КЕЛГАН ШЕЪРЛАР

Қишги боғдан келган шеърлар

«Шомда бошланган қар...» 125
Декабр балладаси 130
Қанотли кеча 131
«Қордай ёғиб келди ишқ...» 133
«Фалакка юз бурдим...» 134
«Буталарда — йўлнинг четида...» 135
«Қор учқунин кафтида...» 136
«Боғ бошига дунё тўкди...» 137
«Омонлик йўқ дунёда...» 138
«Ташқарида бўралади қор...» 140
«Қишга ҳам айтгули гапим бор экан...» 141
«Аёз қучоғида ярақлайди ой...» 142
Бир шеър тарихи 143
Соғинч 145

Баҳорги боғлардан келган шеърлар

«Қуёш чарақлайди...» 146
«Офтобдан елканг исиди...» 147
«Юрагимнинг ёшларида...» 148
«О!.. Қандай йўнғичқа!.. 149
«Менинг юрагимдан бошланди баҳор...» 150
«Эзилиб-эзилиб...» 151
«Қанчалар машаққат — қайта кўкармоқ...» 152
Турналар ҳақида баллада 153
«О, боғлар гуллади...» 154
Қизғалдоқзор 155
Март 156
«Ёруғлик тунга тенг келди..» 157
«Шовуллаган баҳорғи дунё...» 158
«Ўтиб борар жонга...» 159
«Болари тентирар — гулларга чўри...» 160

Ёзги боғдан келган шеърлар

«Заминда салқин оз...» 161
«Қайрағоч...» 162
«Кечқурун қушлар қайтадилар...» 163
«Ёқмадими бу хира сурат...» 164
«Новдалар ишкомдан ўзини отди...» 165
«Осмон — кенг...» 166
«Боғда нуру соя ухлар айқашиб...» 167
«Ёзда ўлтир боғда дилингни очиб...» 168
«Не учун бу қадар оғрийди бошим...» 169
«Ариқларда оқиб борар ой...» 170
«Новдаларнинг титроқ танида...» 171
«Мудом сергак — гофилмас ҳаёт...» 172
«Кун бўйи дарахтлар қуёшда турди...» 173
«Қоронғу...» 174
«Кўкка отди ўзин дарахтлар...» 175
«Чинорларни тиздим кўча четида...» 176
«Уятчан қамишлар...» 177
«Аввало...» 178
«Етдим охир дарё бўйига...» 179
«Сувларингга кетдим қўшилиб...» 180
«Қайтмасликни кунлардан ўрган...» 181
«Уюртмак боғлади...» 182

«Ҳавонинг руҳи карахт...» ... 183

Кузги боғлардан келган шеърлар

«Куз — Навоий девони...» ... 184
«Бемақсад қоқар қанот...» ... 185
«Жавоб топди ёзги саволлар...» ... 186
«Дилимда мунг — хиргойи...» ... 187
«Тераклардан...» ... 188
«Шамол...» ... 189
«Уйимда неча кун..» ... 190
«Кетгин...» ... 191
«Алоҳида келди ҳар кимга бу куз...» ... 192
«Чумолини қаро ер ютди...» ... 193
«Хазон етди...» ... 194
«Бекорга қушларга паноҳмас дарахт...» ... 195
«Кузнинг дайди қуёши...» ... 196
«Қоронғулик тушар...» ... 197
«Кузнинг хазин қўшиқлари...» ... 198
«Боғимнинг барглари...» ... 199
«Ёмғирдан сўнг кўчалар нафис...» ... 200
«Тунги намхушликда...» ... 201
«Ҳавода учдилар...» ... 202
«Бутоқда шамол йиртди...» ... 203
«Шимол тоғларида совуқ ел эсди...» ... 204
«Ким дединг?..» ... 205
«Осмон кўм-кўк...» ... 207
«Кузак кечасида кезди саросар...» ... 208
«Бу ойнинг ҳеч кимга йўқдир даъвоси...» ... 209
«Ҳўл кеча ҳўл танин оламга ёзди...» ... 210
«Кўкдаги тирик булут...» ... 211
«Қорга айланди ёмғир...» ... 212

УЧИНЧИ ДАФТАР

ТОҒ ВА ДАШТ ҚЎШИҚЛАРИ

Қирғий ... 213
От. Ўлим ва ҳаёт ... 214
Илон ови ... 217
Бедана ... 218
«Қўлга ўргатилган бўри бу — кучук...» ... 219
«Ўнгга қара — қоя — фалак тоқида...» ... 220
«Бўронда адашган тоғ...» ... 221

Афсона 222
Тун. Дашт 223
Дашт ва тоғ ҳақида қисса 226
«Менинг Бойсунимда...» 228
«Бу юртни...» 229
«Тоғлар этагидан бошланади дашт...» 230
«Гулхан ёнар тун ўртасида...» 231
«Куз забт этган қишлоқда оқшом...» 232
«Шамол бу маконнинг сўнгсиз меҳмони...» 234
Саҳродаги дарахт 236
«Тепаларнинг бетида...» 237
«Ям-яшил танини шамол супурди...» 239
Сув 240

ТЎРТИНЧИ ДАФТАР

ХОТИРА ПАРЧАЛАРИ

Икки хотира 242
«Агар дўстинг ноҳақ эрса...» 244
Лўли қўшиғи 245
«Зириллайди юрак...» 246
Ҳаким ат-Термизий мақбарасида 247
Қўнғирот дашти 248
Шаън ҳақида қадим баллада 250
«Бахшиёна» дан 252
Элбек бахши қўшиқларидан 256
«Сени кўтариб толди...» 258
«Болалигим — сағирлигим...» 259
«Бу дунёга қул керак...» 260
Машраб 261
Мардлик ҳақида баллада 262
«Мўлжал кўзда қотди...» 264
Қўрбошининг ўлими 265
«Мен деворга юзма-юздирман...» 267
Йигирма бешинчи йил 268
Чўлпон 269

БЕШИНЧИ ДАФТАР

БАҲСЛАРНИНГ ДАВОМИ

«Лаънати касб...» 270
«Меҳнаткаш эт...» 271
«Қанотлари кесилган қушлар...» 272
«Ҳали чўкмади елкам...» 273
«О, нималар қилдим ўзимни...» 274
«О, эсламоқ оғирдир бу он...» 275
«Тириклар ташвиши...» 276
«Очиб қўйдим ҳамма деразаларни...» 277
«Ҳеч нарса йўқ қўлимда...» 278
«Ёқдим кичкина гулхан...» 279
«Йўқ, умрнинг йўли чалкашмас...» 280
«Бошимга тушган дунё...» 281
«Бу дунёга мастур-мастур...» 282
«Кўнглимда бир ёруғ чироқ ёқдим мен...» 283
«Бошимизга зилдай кўкни ағдариб...» 284
«Барча бунёдкорлик дояси шаҳддир...» 286
«Кимки ёлғиз яралган бўлса...» 287
«Бу нима кўргулик?.. 288
«Кўришдик яшамай...» 289
«Алдадими, оқибат одил...» 290
«Ўзиб бораяпман, ўзимдан ўзим...» 291
«Қўлим чарчади...» 292
«Қўлга ўргатдим балиқни...» 294
«Чироқни ёқиб қўй 295
«Денгиз тубида бир тош...» 296
Хайрли туш 297
«Қалб ва Сўзнинг тўқнашувидан...» 298
«Ёмғирга чўмилган...» 300
«Булутлар йиртилди...» 301
«Нима босиб турар...» 302
«Ёғиб адо бўлди...» 303
«Қуёш ботди...» 304
«Денгизларга юрдим пиёда...» 305
«Ёмғир ўт ўстирди...» 306
«Биламан, танимда бошқа дунёлар...» 307
«Мен ўзимни сизлаганим йўқ...» 308
«Ақлни чорлаган қаро тун...» 309
«Билмадим қайси баҳорнинг...» 310

«Энди кўзимга ёш оқизмас ҳижрон...» 311
«О, ёлғизлик!..» 312
«Фалак ёқиб қўйди ҳамма чироғин...» 313
«Ҳаёт, ўзинг олий тариқат...» 314
«Кўкрагимда айланар...» 315
«Кунимда минг ташвиш бордир..» 316
Озодлик 317
«Ҳам тонгдир...» 318
«Кимки...» 319
«Дунёга киради...» 320
Фақат тўрт тарафми?...» 321
«Кимки тез югурса...» 322
«У — осмон...» 323
«Ёвдай келиб панадан...» 324
Оддий кун 325
«Вақт дарё эмасдир...» 326
Насиҳат 327
«Икки темир арқонга» 328
Таълим 329
«Даҳо, масхарабоз, девона, алкаш...» 330
Етмиш тўртинчи йилдан хотирот 331
«Бир бевужуд шиддат...» 333
Бурч 334
«Бу сирни тушунмоқ...» 335
«Уф! Ҳоридим...» 336
«Шу лаҳзадан руҳсан — озодсан...» 338
«Эй мағлуб, покликда нурсан...» 339
Мувозанат 340
«Мардум ғавғосидан...» 341
«Қиёмат! Фарёдим...» 342
«Баргларингни тарорим йўқ...» 343
«Неча кун яшайсан...» 344
«Қурбон жонимни қисмат...» 345
«Тушимга киради ўзгача олам...» 346
«Кичкина шайтон...» 347
«Йўлбарс магар ташланса...» 348
«Ёмонлар завқ ила отғон ҳақоратлар ўтиб кетгай...» 349
«Тақдир дарёдай оқди...» 350
«Мен қалбга боряпман...» 351
«Худонинг кенг дунёларида...» 352
Матназарга 353
«Қуридим — куз каби...» 354

«Ишларим жойида...» ... 355
«Аёл осмонни артди...» ... 356
«Кўзларидан уйқуси ариб...» ... 357
Ўлимга кўникмаган уй ... 358
«Майсанинг ўсгани фақат баҳорда...» ... 359

ОЛТИНЧИ ДАФТАР

СУКУНАТЛАР ВА ҚИЧҚИРИҚЛАР

Сукунатлар ва қичқириқлар ... 360
«Уруғ ерга тушди...» ... 363
«Мангулик ҳақида ўйламоқ бекор...» ... 364
«Яна тушларимга кирди нималар?..» ... 365
«Уйнинг кўлкасида...» ... 366
Ўй сўнгида битта чуқур «уҳ» ...» ... 367
«Дунё ўтар, эй сен, юрак...» ... 368
«Фалакда гуллашинг қутлуқ...» ... 369
«Каҳкашоннинг чангида...» ... 370
«Мени ташлаб кетманг...» ... 371
«Дардимга етмайди — сўзларим камдир...» ... 372
«Мени ҳасрат енгди...» ... 373
«Бекорга соҳилдан арқонни уздинг...» ... 374
«Лабимдан учади юлдуздай сўзлар...» ... 375
«Сарҳадига етишди кеча...» ... 376
«Ким маним ёруғ юзим...» ... 377
«Қисматнинг тили ўзга...» ... 379
«Одамизод райиданмас...» ... 380
«Юлдузлар ўтида бошим машъалдир...» ... 381
«Дўстлар даврасида ўлтирдим шодон...» ... 382
«Айқашган, чалкашган чангалзор — Ҳаёт...» ... 383
«Ўргимчакдай дайри дун...» ... 385
«Сенинг билан тўлди жумлаи жаҳон...» ... 386
«Майса каби ўсди юрак...» ... 387
«Зиндонлар ичинда йўлларни кездим...» ... 388
«Неки залворидан айрилди — ўтди...» ... 389
«Оташ бошин уфққа босган...» ... 390
«Не учун кўнглимга етди...» ... 391
«Руҳ само қуйинидаким...» ... 392
«Зулматга урилиб тўхтар зиёлар...» ... 393
«Мустарибдирман — ситамнинг...» ... 394
«Руҳ шамоли тевратур...» ... 395

«Тушимга киради ўзгача олам...» 396
Эрк 397
«Умрим тугади...» 398
«Сабр — қўрқоқликми?...» 399
«Кўзларим тўладир — сиғмайди шодлик...» 400
«Китоб фалагида осмон беасрор...» 401
«Дема, қунди бу кўнгил...» 402
«Ўчмади. Ўчмади дилимдан гулхан...» 403
Ўтар дунё балладаси 404
«Руҳим осмонидан чекинди қуёш...» 406
«Раҳмат ёғдирди оллоҳ...» 407
«Эртак тугади. Ҳамма...» 408
Армон 409

ЕТТИНЧИ ДАФТАР

ТУГАМАГАН КИТОБ

«Йўллар — тошли. Йўллар, ёшли...» 410
«Олис бир сўзимда...» 412
«Бир қанотим — қуёшдан куйди...» 413
«Ёлғизлик элтдими ботин сеҳрга...» 414
«Қандай майда ёмғир...» 415
«Баҳорда юмшайди кўнгил ва тупроқ...» 416
«Ўрик гулбаргларин...» 417
«Қайда чироқ ёнса, теварагида...» 418
«Дарахтлар гуллаган...» 419
«Ким шивир-шивирлар?...» 419
«Август — гужум...» 420
«Қанча баланд эди, энди қанча паст...» 421
«Худойим!...» 422
«Оғироёқ аёл — гўзал замбарак...» 423
«Ўзни яна бузмоқлик?...» 424
«Сенинг йўлларингни...» 425
«Келганинг нақадар соз...» 426
«Юракда тўхтаган ёш...» 427
«Ҳар кузакда ўлдим...» 428
«Бу қафас...» 429
«Йиллар ўтган сайин...» 430
Натюрморт 431
«Қуёш ботяпти...» 432
«Дўст йўқдир. Сўз йўқдир...» 433
«Йиғиштириб...» 433

«Ҳавода ҳаёт сийрак...» 434
«Деразам тунлари сарғайиб турар...» 434
«Кўзингга боққандай кўнглингга боқдим...» 435
«Мен сени ҳар куни кўргим келади..» 436

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадиий нашр

Усмон Азим

КУЗ

Шеърлар

Муҳаррир *У. Қўчқоров*
Рассом *М. Карпузас*
Расмлар муҳаррири *А. Бобров*
Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Собирова*

ИБ № 5612

Босмахонага 17.06.98 й.да берилди. Босишга 26.10.98 й.да рухсат этилди. Бичими 70×90 $^1/_{32}$. 2-нав босмахона қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. 16,38 шартли босма тобоқ. 13,0 нашр босма табоғи. Жами 2000 нусха. 1499 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 63—97 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.